



Mahalla

№ 42 (1792-1795) 2019 йил 26 сентябрь — 3 октябрь

ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА

info@mahalladosh.uz

www.mahalladosh.uz

МАҲАЛЛАЛАРДАГИ МУАММОЛАР ҚИСҚА МУДДАТЛАРДА БАРҲАМ ТОПАДИ

➔ 2-3.



БУТУНГИ СОНДА:

5. «Маҳалла ифтихори»
кўрак нишони
соҳиблари аниқланди

Қуруқ ҳисоботларга
тирқалган ижро
амалда нимани
ўзгартиради?

14.

Биноси йўқ маҳалла
энди қаерга
жойлашади?

15.

Ер участкаларини
бериш тартиби
ўзгардимми?

16.

Бензин нархи яна
ошадими?

17.

Инсон ўз жонига нега
қасд қилади?

20.

Мобил телефонлар
нега мажбурий
рўйхатдан
ўтказилмоқда?

22.

Жаҳонгир ҚОСИМОВ:

Киннинг
қийматини маблағ
белгиламайди

25.

Куйдирги
касаллиги катта
хавф соладими?

27.

МАҲАЛЛАЛАРДАГИ МУАММОЛАР

Мухтарам Президентимиз одамлар ислохотлар самарасини эртага эмас, бугун, ўз ҳаётларида ҳис қилишлари кераклигини таъкидлаб, кенг қўлмали инсонпарвар ташаббусларни бошлаб берди. Ана шундай ҳаётбахш ислохотлар самараси Жиззах вилояти ҳаётида биринчилардан бўлиб акс этди. Абгор аҳволга келиб, ҳаёт деярли издан чиқа бошлаган Манас қишлоғида қисқа муддат — 45 кун ичида мисли кўрилмаган бунёдкорликлар, ўн йилликларга татигулик ўзгаришлар амалга оширилгани нафақат Жиззах аҳлини, балки бутун халқимизнинг қалбини тоғдек ўстирди. Оддий одамларнинг бағрига шомол теғди, келажакка умид уйғонди. Сал ўтмай Гагарин шаҳрининг буткул ўзгача қиёфа касб этиши эса, Жиззах вилоятининг нақадар катта иқтисодий-ижтимоий салоҳиятга эгалигини, ҳали бу ҳудудда ишга солинмаган имкониятлар бисёр эканини тўла исботлаб берди.



Жиззах шаҳрида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тақомиллаштириш, уларнинг самарадорлигини оширишга бағишлаб ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши бошқаруви раиси Шавкат Жавлонов бу ҳақда алоҳида тўхталиб, Президентимиз раҳбарлигида қўлга киритилган, халқаро ҳамжамият муносиб эътироф этаётган ютуқларимизда Жиззах вилояти фаолларининг ҳам ҳиссаси бекиёслигини таъкидлади.

Шунингдек, Жиззах вилояти ҳокими, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Жиззах вилояти кенгаши раиси Эргаш Салиев ҳам иштирок этиб, нутқ сўзлаган йиғилишда вилоят ҳокими ўринбосарлари, бошқарма бошлиқлари, прокуратура, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, туман кенгашлари бошқарувлари ҳамда фуқаролар йиғинлари раислари катнашдилар.

124 та маҳалла жиноятдан буткул холи, 148 оила ажрашмайдиган бўлди

Маҳалланинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мавқеини ошириш мақсадида Жиззах вилоятида эътиборга молик ишлар бажарилган. Хусусан, 214 мингдан зиёд оила билан мулоқотларда аниқланган муаммоларнинг 93 фоизи давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида бартараф этилди. 34 та маҳалла идоралари хизмат биноларида кутубхоналар ташкил этилди. Маҳаллалар томонидан 564 та оиланинг низолирига барҳам берилди, 148 та оила ажралиб кетишдан сақлаб қолинди. Жиззах вилояти кенгаши ташаббуси билан 278 млн. сўм маблағ эвазига «Манаслик чеварлар» тикув цехи ишга туширилиб, Дўстлик туманидан 70 нафар, Ғаллаорол туманидан 35 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

Жиноят содир этилмаган маҳаллалар 124 тани ташкил этиб, ушбу кўрсаткич 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 68 тага кўпайган.

30 та маҳалла биноси таъмирланиб, 8 таси реконструкция қилинди, 8 таси янги қурилди.

Мазкур саноат-ҳаракатлар туфайли қанчадан-қанча хонадонларга фаровонлик кирган, болалар тирик етимлик балосидан асраб қолиниб, осудалик қарор топган, муаммоси ечим топганларнинг қалбида миннатдорлик жўш урган. Бу ҳақда ўйлаш, эътироф этиш — ёқимли. Аммо вилоятдаги мутасаддиларнинг, фаолларнинг қурби, гайрати бундан ҳам кўпроғига етиши, ижобий кўрсаткичлар ҳажмини бундан-да ошириш учун ҳали ишга солинмаган имкониятлар кенглигини ҳам яширолмаймиз. Тадбирда, асосан, шулар ҳақида гап борди.

Профилактика инспекторини нега одамлар танишмайди?

Бугун аксарият маҳаллаларга борсангиз, мухтарам Президентимиз ташаббуси билан шу ҳудуд профилактика инспектори яшаши учун қурилган мўъжазгина, барча шарт-шароитлари ҳозирланган шинам хизмат уйларида кўзингиз тушади. Имтиёзли асосда берилган автомашини ҳам инспекторлар фаолиятида ҳар жиҳатдан қўл келмоқда. Мақсад — профилактика инспектори туну кун шу ҳудудда бўлсин, жиноят содир этилгач, унинг оқибатларини бартараф этиш билан эмас, аксинча, иллатларнинг юзгага келиши сабабларини кўра билсин ва унга қарши курашсин. Илгари «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардорини лавозим эгаларига «профилактика инспекторлари ёрдамчиси», дея кенгрок ваколатлар берилдики, бу билан маҳалланинг ички ишлар органларидаги вакили сифатида улар жиноятчиликка қарши фаол курашшига ишонч билдирилди. Аслида жуда катта маблағ, ишонч ва фидокорлик эвазига шакллантирилган бундай тизим Президентимизнинг тинчлигимиз, осудалигимизни асраш, маънавий мухит барқарорлигини қарор топтириш йўлидаги одилона ташаббусларидандир.

Аммо ҳамма ҳам бундай ишонч ва эътиборга муносибмикан, деган ҳақли савол туғилади. Фактларга кўра, Зарбдор туманидаги «Дўстлик» маҳалла профилактика инспектори ёрдамчиси Ж.Абдуразоқов бошқа ҳудуд — «Тошкент» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилади. Табиийки, у аҳолини яхши танимайди, одамлар билан мулоқот қилмайди. Зомин туманидаги «Оқтепа» маҳалла профилактика инспектори ёрдамчиси Д.И.



соқов йиғинида ўтказилаётган тадбирларга умуман келмайди. Бахмал туманидаги «Бунёдкор» маҳалла профилактика инспектори ёрдамчиси М.Хўжамуродов маҳалла фаолиятига аралашмайди ҳам: низоли оилалар билан ишламайди, фуқаролар йиғини раисига хисобот бермайди.

Пахтакор туманидаги Тошкент, Жиззах шаҳридаги «Обод-1», «Сангзор», Ш.Рашидов туманидаги «Эски Тошкентлик» маҳалла профилактика инспекторларини аҳоли умуман танимайди. Маҳалла билан ҳамкорлик мутлақо йўқ, хизмат уйлари ажратилган бўлса-да, лекин у ерда яшашмайди. Ш.Рашидов туманидаги «Мўлканлик» маҳалла профилактика инспектори Ғ.Уроков фуқаролар йиғинида низоли хонадонларни муҳофама қилиш жараёнида умуман иштирок этмайди.

Тадбир давомида бундай ҳолатларга йўл қўйган туманлар мутасаддиларидан изоҳ талаб қилинди, уларнинг фикрлари тингланди. Ушбу ҳолатларни бартараф этиш бўйича зарур топшириқлар берилди.

3 037 фуқаронинг қаердалиги, нима иш билан шуғулланаётганини ҳеч ким билмайди

Юқоридаги каби ўз ишига масъулиятсизлик билан ёндашаётганлар туфайли жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Жиззах вилоятида 59 та маҳаллада жиноятчилик кўрсаткичи ошиб кетган. Носоглом диний ғоялар таъсирига тушиб қолган оилалар 276 тага етган. Бугунги кунда вилоятда жами 30 573 нафар фуқаро ҳорижий давлатларга турли сабаблар билан чиқиб кетган.

Энг ачинарлиси ва ташвишланарлиси, ҳозирги кунга қадар 3 037 нафар фуқаронинг қаерда, нима иш билан машғул эканини ҳеч ким билмайди. Уч мингдан зиёд юртдошимизнинг бедарак кетишидан наҳот маҳаллий раҳбарлар хавотирланмаса? Ахир, уларнинг нопок йўлларга кириб қолмаслигига

ким қафолат беради?

Йиғилишда ҳозир бўлган туман ҳокимликлари мутасаддиларига юқоридаги ҳар бир ҳолат бўйича савол ташланди. Нима учун бундай ҳолатга йўл қўйилгани сабаблари сўралиб, айтиш муаммоларини бартараф этиш бўйича қандай амалий чоралар кўриляётгани тингланди.

43 нафар шахс ўз жонига қасд қилган, шундан 18 нафари ҳали вояга етмаган эди...

Президентимиз халқ билан мулоқотни энг куйи бугундан — маҳаллалардан, хонадонма-хонадон юриб амалга ошириш кераклигини илгари сурдикки, бу билан нафақат туман, шаҳар раҳбарлари, балки республика миқёсидаги идора ва ташкилотлар, вазирликлар мутасаддилари ҳам жонланди, раҳбарлар халқ ичига кириб борди. Бу ҳаракат, аввало, халқимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этди, одамларни мамнун қилди. Шу ўринда, юқорида таъкидлаганимиз — профилактика инспекторларининг ўз хизмат ҳудудларида бўлмаслигини ҳеч бир изоҳ билан оқлаб бўлмаганидек, айрим фуқаролар йиғинларида хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадрятларни мустаҳкамлаш («Этибор беринг! Лавозим номининг ўзбек маҳаллада, хонадонларда ишлашни акс эттириб турибди») бўйича мутахассисларнинг ўз ишига совуққон муносабатда экани дард устига чиқкон бўлаётганини таъкидлаш ўринли. Бу аёллар ҳар ҳафтада 3-4 кунлаб «Ҳоким ўринбосари чакрият» деган баҳоналар билан кун мобайнида маҳаллаларга келишмаган.

Дўстлик туманидаги Ғафур Ғулом номли, «Олтин водий», «Бунёдкор», Пахтакор туманидаги «Олмасзор», «Пахтакор», «Ғалаба», «Боғишамол», Янгибод туманидаги «Дўстлик», «Хўжамушкент», «Сармич» маҳаллаларида бу вазият анча мураккаб тус олган. Мута-

(Давоми 3-саҳифада)

ҚИСКА МУДДАТЛАРДА БАРҲАМ ТОПАДИ



(Давлатмурод Давлатов,
Бошланғичи 2-саҳифада)

хассис аёллар маҳалладаги вазиятни ўрганиш ва ўнглаш ўрнига йигин билан ҳамкорликни сусайтириб юборишган. Гарчи маҳалла идорасида фаолият олиб боришса-да, энди бу тизимнинг ходими эмасликларини рўқач қилиб, вазибаларини бажаришдан бош тортишган, раис билан зиддиятга боришган.

Энг ёмони, бундай бош-бошдоқлик туфайли кўплаб оилаларда маҳалла фаоллари таъсирида ҳал бўладиган кичик кўнгилсизликлар газак олиб, фожиавий оқибатларга олиб келган: жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 43 нафар хотин-қиз, жумладан, 18 нафар воёга етмаган ўз жонига касд қилган. Шунингдек, 21 нафар хотин-қиз, 10 нафар воёга етмаган ўз жонига суиқасд қилган. Бундай дахшатли ҳолатлар Зарбдор туманида 6 тага, Шароф Рашидов туманида 5 тага, Дўстлик туманида 2 тага, Зомин туманида 3 тага кўпайган.

Агар йигин фаоллари ўз ишларига масъулият билан, виждонан ёндашганларида эди, қайси хонадонда мухит ёмонлигини, қайси уйда низоли вазият юзга келганини ўз вақтида аниқлаб, ҳамжиҳатликда бу муаммоларни бартараф этишга киришганларида эди, эҳтимол, ана шу хотин-қизлар орамизда бўлишармиди. 18 нафар ўсмирнинг руҳиятидаги тушқунлик кимнингдир эътиборини тортганида шунча онаизорнинг бағри тилка-пора бўлиб бўзлаб қолмасмиди...

Минг афсуски, ёш оилалар ажралиши билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳам мактанарли эмас: шу кунгача айни рақамлар 769 тани ташкил этган. Тўғри, ажралишлар 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 39 тага камайган, аммо Шароф Рашидов туманида 20 тага, Зарбдор туманида 7 тага, Зомин туманида 23 тага, Жиззах шахрида 27 тага, Ғаллаорол туманида 9 тага, Арнасой туманида 9 тага ошган.

Шундай экан, маҳаллалар ишини орта суришга кимнинг ҳаққи бор? Йигинлар фаолиятидаги сансалорлик барҳам топиб, қачон ҳамжиҳатлик ўрнатилди?

Тегишли ҳудудлардан ташриф буюрган мутасаддилар шу каби аччиқ саволларга жўяли жавоб беришолмаган бўлишса-да, бундан буён масалага жиддий киришишлари, маҳалла ишига кўмаклашишларини айтиб, вазиятни ўнглашга ваъда беришди.

Маҳаллани кўчага ҳайдаш ҳисобига, тadbиркорга имконият яратиш адолатданми?

Йигилишда яна бир оғрикли масала кўтарилди: 2018 йилда вилоят бўйича 56 та маҳалла биносини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш режалаштирилгани ҳолда амалда 36 та билан қиёяланган. Жорий йилда ушбу кўрсаткич 31 та белгиланган бўлса-да, шу пайтгача бор-йўғи 10 та маҳалла идораси қурилган, холос.

Ана шундай оқсоқлик туфайли бугунги кунда Жиззах вилотида 12 та фуқаролар йигинларининг хизмат бинолари мавжуд эмас. Хусусан, Арнасой туманида 2 та, Зомин туманида 3 та, Шароф Рашидов туманида 2 та, Пахтакор туманида 2 та, Жиззах шахрида 2 та фуқаролар йигинларининг идораси йўқ. Шароф Рашидов туманидаги «Ёшлик» маҳалласи фуқаро Илхом Маматқуловга тегишли хонадонда, «Тинчлик» маҳалласи тadbиркорга тегишли озиқ-овқат дўконининг бир хонасида фаолият юритмоқда. Арнасой туманидаги «Зарафшон», «Бахтли» маҳаллалари 1975 йилда қурилган, таъмирталаб бинога амал-тақал жойлашган.

Зомин туманидаги «Халқобод», «Пшағор», «Чорвадор», Пахтакор туманидаги «Дўстлик», «Чаманзор» Жиззах шахридаги «Боғишамол», «Бунёдор» фуқаролар йигинлари хусусий тadbиркорларга тегишли биноларнинг бир хонасида тиклиб ишлашгаётган бўлсалар, Пахтакор туманидаги «Боғишамол» маҳалласи фаолларидан бино эгаси бу ерни бўшатиб қўйишни талаб қилмоқда.

Мирзачўл туманидаги «Ўзбекистон» маҳалласи билан боғлиқ ҳолат янада аянчли: ушбу йигин биносини тadbиркорга бериш бўйича туман ҳокимлигининг қарори лойиҳаси тайёрлаб қўйилган. Бу нима дегани — энди маҳалла кўчага ҳайдаладими? Тўғри, тadbиркорликка кенг имконият яратиш керак, аммо бу имконият маҳалла фуқаролар йигини фаолларини кўчага ҳайдаш ҳисобига яратилиши адолатданми?

Айни масала юзасидан Мирзачўл тумани ҳокими ўринбосари фикр билдириб, ушбу қарор лойиҳасини қайта кўриб

чиқиш ва муаммони ижобий ҳал этиш, маҳалла ходимларини кўчада қолдирмасликка ваъда берди.

Худди шундай, фуқаролар йигинлари томонидан фойдаланиб келинаётган давлат мулки бўлган биноларни бириктирилган ер майдонлари билан биргаликда хатловдан ўтказиб, уларнинг белгиланган тартибда фуқаролар йигинларига мулк ҳуқуқи билан берилишини таъминлаш вазифаси ҳам муҳокама этилиб, йўл қўйилган камчиликлар очиб ташланди.

Туман кенгашлари раҳбарларини бўшатаверган билан вазият ўнгланирмики?..

Ўтган икки йил давомида 18 нафар туман кенгашлари раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари эгаллаб турган лавозимларидан озод этилди. Жумладан, Жиззах шахри, Зарбдор ва Дўстлик туманларида 3 нафардан, Ғаллаорол, Фориш туманларида 2 нафардан, Мирзачўл, Пахтакор, Янгиобод туманларида 1 нафардан кен-



гаш раисининг ўринбосарлари ишдан бўшаган. Ачинарлиси, мазкур раҳбарлар маҳаллаларда ишни самарали ташкил этиш, уларга услубий-амалий ёрдамлар кўрсатишнинг мазмун-моҳиятига етмасдан лавозимидан озод этилган.

Шунга кўра, ҳокимлар бу лавозимга номзодни танлашда ва тавсия қилишда, энг аввало, унинг маҳаллалар йўналиши бўйича биринчи ўринбосар эканини аниқлаш ҳолда, кечаю кундуз одамларнинг гаму ташвиши билан яшайдиган, олдидан турган муаммолар ечимини топмагунча ўзинга ҳам, бошқаларга ҳам тиним бермасдан меҳнат қиладиган инсонларга эътиборни қаратиши зарурлиги таъкидланди.

Анжуманда тўй ва бошқа маросимларда миллийлигимизга хос бўлмаган дабдабозлик, кимўзарлик кўпайиб бораётгани кескин танқид қилинди. Қолаверса, ўқувчиларнинг давомати ва кийиниши маданиятига риоя этиши бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатишга



«Ҳаммасига қурбимиз етади!»

Танқидий-тахлилий руҳда ўтган, кескин фикрлар билдирилган йигилишда Жиззах вилоти ҳокими, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши раиси Э.Салиев сўз олди. Йўл қўйилган камчиликлар юзасидан мутасаддиларга топшириқлар бериб, ушбу ҳолат бўйича ҳар бир раҳбарнинг айби борлигини таъкидлади.

Такрорий мурожаатга ўрин қолдирмаслик керак

Давлатимиз раҳбарининг инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратаётгани натижасида аҳоли мурожаатлари билан

келишилди. Бугунги кунда дарсга қатнашмаётган ҳар бир ўқувчининг нима сабабдан қатнашмаётгани аниқланмаган ва уларни нопок йўлларга кириб қолишлари олди олинмаган бўлди.

— Аслида 12 та маҳаллага идора қуриш Жиззахдеҳ вилоят учун қийинчилик тудирмайди, ахир, Манас ва Гагариндаги бунёдорликларимиз барчага аён, — дея эътироф этди вилоят ҳокими. — Қиска муддатда қанча бинолар, объектларни қуриб ташладик. Идорасиз маҳаллаларга бино қуришга ҳам қурбимиз етади. Шу йилдан кечиктирмай идорасиз маҳалла қолмаслиги керак. Конституциямизнинг 27 йиллиги арафасида яна бир йигилиб, бу борадаги ишларимизни сарҳисоб қиламиз. Ана ушангача бу камчиликлар барҳам топади.

Маҳаллалар фаолияти самардорлигини ошириш, мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган йиғилиш гарчи кескин руҳда, жиддий танқид остида ўтган бўлса-да, яқунда барчанинг юзига табассум югурди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамда Жиззах вилоти ҳокимлиги томонидан Жиззах шахридаги «Нурли обод» маҳалла фуқаролар йигини раиси Муҳаммад Кувондиқов, Зарбдор тумани «Янгиқент» маҳалла фуқаролар йигини раиси Абдуманнон Ашуров, Пахтакор тумани «Ғаллаба» маҳалла фуқаролар йигини раиси Жўрақул Ҳайдаров, Зомин туманидаги «Истиклол» маҳалла фуқаролар йигини раиси Илхом Ўразалиевга ўз ҳудудидagi ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишдаги намунали фаолияти учун «Гапаккурнома» ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

ҲАР ИШДА ҲАМКОРЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК ЗАРУР

АФСУСКИ, БУГУН МАҲАЛЛАЛАРДА АҲОЛИ
ХОНАДОНЛАРИНИ УЙМА-УЙ ЎРГАНИШ, МУАММОЛАРНИ
ҲАЛ ЭТИШ ИШЛАРИДАН КЎНГИЛ ТЎЛМАЙДИ

Фаргона вилояти Олтиариқ туманида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамда Ички ишлар вазирлиги томонидан «Оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда кекса авлод вакилларининг ўрни» мавзuida амалий семинар бўлиб ўтди. Тадбирда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни эрта аниқлаш, олдини олиш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, фуқаролар йиғинлари ҳамда профилактика инспекторлари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, кекса авлод вакилларининг жамиятдаги ўрни ва фаоллигини ошириш, фуқаролар йиғинларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилиши зарур бўлган ишлар, камчилик ва муаммолар таҳлил қилинди.



Семинар аввалида ташкил этилган «Сайёр қабул» давомида аҳолини қийнаб келаятган қўлаб масалаларга ижобий ечим топилди, фуқароларга амалий ёрдам, ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

— Бугунги йиғилишдан асосий мақсад маҳалла тизимидаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан ўзаро фикр алмашиш, жиноятчиликнинг олдини олишда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиб, келгуси режалар, олдимизда турган муҳим вазифаларга эътибор қаратишдир. Олдимизда қўйилган вазифалар ижроси бугунги кун талабларига қанчалик жавоб беради, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши раисининг ўринбосари Ботир Парпиев. — Афсуски, бу борада қўлга киритган ютуқларимиздан кўра, камчилик ва муаммоларимиз кўп. Жумладан, вилоятда оила турмуш муносабатлари доирасида ҳуқуқбузарликлар содир этганилиги учун профилактик рўйхатга олини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 228 тага ортаган. Нокорбил оилалар, яъни фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар сони 1439 тани ташкил этади. Бу ўтган йилга таққослаганда 291 тага ортаган. Нега? Чунки маҳалла ходимлари ҳамда профилактика нозирлари ҳуқуқбузарликлар содир этувчи шахслар билан алоҳида ва жамоат тартибидида ишлашда содир этилган жиноятдан сўнг қийинчиликларга эҳсос қилган бўлиши мумкин. Бундан ташқари, кекса авлод вакилларининг жамиятдаги ўрни ва фаоллигини ошириш, фуқаролар йиғинлари фаолиятини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилиши зарур бўлган ишлар, камчилик ва муаммолар таҳлил қилинди.

ҳолатлар Фаргона, Қўва, Қўштепа, Олтиариқ туманлари ва Қўқон шаҳрида кўпайган. Масалан, жорий йилнинг 8 ойи давомида 104 нафар хотин-қиз ҳамда 39 нафар вояга етмаганлар ўз жонига қасд қилган. Бундан кўринадики, маҳалла фуқаролар йиғини, профилактика инспекторлари «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик бугунги кун талаблари даражасида эмас. Агар бу борадаги муаммолар ечими таҳлил этилса, янги ташаббуслар қўллаб-қувватланса, ўзаро ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик алоқалари яхши йўлга қўйилса, тизимдаги қўлаб муаммоларга ечим топилади.

«Маҳалламизда жиноят содир бўлгани йўқ, аммо...»

Семинарда вилоятдаги 604 маҳалла фуқаролар йиғинида жиноят содир этилмагани кайд этилди. Аммо амалга оширилган ижобий ишлар билан бирга мавжуд муаммолар, уларнинг келиб чиқиш омилларига эътибор қаратилди. Хусусан, маҳалла фуқаролар йиғинларида Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонуни ижроси, унинг мазмун-моҳияти ҳақида старли билим ва кўникмаларга эга бўлмаслик, аҳолини қийнаб келаятган масалаларни ўрганиш, уларнинг амалий ижросини таъминлашдаги эътиборсизлик, лоқайдлик бу борадаги муаммолар кўламини янада кенгайтирмоқда. Жумладан, аҳоли хонадонларини уйма-уй ўрганиш, муаммоларни ҳал этиш ишларидан кўнгил тўлмайди. Аксарият ҳолларда қозғоллик, ҳисобот учун иш олиб бориш ҳолатлари кузатилаётгани жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ иллатларнинг ортишига сабаб бўлаётди.

— Фарзанди муқим иш ўрнига эга бўлган ота-онанинг кўнгли хотиржам, бунинг ортидан оила дастурхони буюр, — дейди Бағдод туманидаги «Саидовлар» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар масалалари бўйича ўринбосари Йўлчибой Эргашев. — Шу боис аҳоли бандлиги масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Шунингдек, нурунийлар билан бирга ажралиши ёқасига келиб қолган оила ёки низоли қўни-қўниларнинг ярашиб кетишига ҳисса қўйиш жамиятимизни мустаҳкам бўлишига замин яратоди. Семинарда масъул ташкилотлар ва аҳоли билан ҳамкорликда иш олиб бориш, мавжуд муаммолар таҳлили ҳамда уларнинг ечимлари ҳусусида ўзаро фикр алмашилгани айтилди.

Семинар якунида маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши кураш ишларида фаол иш олиб бораётган бир гуруҳ намунали маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва ўринбосарлари фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»

АНЖУМАН



АСР ВАБОСИ ҚУШЁРЛИК ВА ОГОҲЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ГИЁҲВАНДЛИК ВА
НАРКОЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА
ЙИРИК АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТМОҚДА

Гиёҳвандлик — аср вабоси. Бугунги кунда бу иллат дунёнинг барча мамлакатларида инсонлар ҳаётига хавф солаётди. Унинг бу қадар оммалашишига наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси, наркотрафикнинг кучайиб бораётгани сабабдир. Шу боис дунё мамлакатлари, хусусан, БМТнинг асосий мақсадларидан бири ҳам гиёҳванд моддалар савдосига барҳам беришдир. Минтақамиздаги гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш фаолиятини изчил олиб бориш учун БМТ томонидан Яқин ва Ўрта Шарқда гиёҳванд моддалар савдоси бўйича қўйи комиссия ташкил этилган. Мазкур комиссиянинг 54-сессияси жорий йил 23-27 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтмоқда.

Сессиядан қўзланган мақсад нима?

Ўзбекистонда илк бор ташкил этилган бу йирик анжуман Яқин ва Ўрта Шарқда гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашишда халқаро ҳамкорлиқни янада кучайтиришни мақсад қилган. Тошкентдаги «Wyndham Tashkent» меҳмонхонасида ўтаётган сессияда Афғонистон, Озарбайжон, Арманистон, Баҳрайн, Германия, Ҳиндистон, Италия, Эрон, Қозғистон, Қувайт, Қирғизистон, Ливан, Покистон, Россия, Тожикистон, Буюк Британия, АҚШ, Яман каби давлатлардан вакиллар ҳамда халқаро ташкилотларнинг экспертлари иштирок этмоқда.

Анжуманинг очилиш маросимида БМТ Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошкармасининг ижрочи директори жаноб Юрий Федотовнинг маърузаси ўқиб эшиттирилди. Ижрочи директор йирик анжуманининг Тошкентда ташкил этилгани учун имконият яратган Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдирган.

— Глобал муаммолардан бири бўлган гиёҳвандликка қарши курашишга мамлакатимизда доимий равишда катта эътибор қаратиб келинади, — дейди очилиш маросимида қатнашган Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари Азиз Абдуҳақимов. — Хусусан, гиёҳвандликка қарши курашиш бўйича комиссия фаолият юритмоқда. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази ушбу соҳада олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириш бор-

моқда. Бу борада халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Мазкур анжуман гиёҳвандликка қарши курашиш йўлидаги ишларнинг сифати оиниши ва ҳамкорлигимизнинг янада кучайишини янги босқичга кўтарилади.

Кун тартибидида қандай масалалар бор?

Беш кун давом этаётган сессия ишида гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашда минтақавий ва қўйи минтақавий ҳамкорлиқнинг ҳозирги ҳолати ва бу билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар муҳокама қилинмоқда.

Гиёҳвандликка қарши курашишда тезкор маълумот алмашиши янада ривожлантириш, синтетик опиоидлар ва синтетик каннабиноидларнинг ноқонуний савдоси ва унга қарши кураш чораларини кучайтиришга қаратилган янги услубларни яратиш ва амалда жорий этиш бўйича фикр алмашилмоқда. Опиат моддалар ишлаб чиқариш ўчоқларига барҳам бериш, бу борада юзага келаятган муаммоларнинг ечимига эътибор қаратилаётди.

Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишнинг олдини олиш, айниқса, болалар ва ёшларни бунинг оқибатларидан огоҳ этишга оид тарғибот тадбирларида таъсирчан услубларни кучайтириш зарур. Ушбу мавзулар йиғилиш иштирокчилари томонидан ишчи гуруҳларга бўлинган ҳолда батафсил қўриб чиқилмоқда.

Сессия ўз ишини давом эттирмоқда.

Санжар ЭШМУРДОВ
«Mahalla»

Андижон — Ўш йўналишида микроавтобуслар қатнови йўлга қўйилди.

«МАҲАЛЛА ИФТИХОРИ» КЎКРАК НИШОНИ СОҶИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

МАЗКУР МУКОФОТ ФИДОЙИ ВА МЕҲНАТКАШ, МАҲАЛЛАСИ, ЭЛУ ЮРТИ ТАШВИШИДА ТУНЛАРНИ
ТОНЛАРГА УЛАГАН ХОКИСОР ЮРТДОШЛАРИМИЗ МЕҲНАТИГА МУНОСИБ РАҒБАТ БЎЛДИ

Маҳалла азалдан миллий қадриятлар, эзгу амаллар маскани бўлиб келган. Меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, ёрдамга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиш, тўй-томоша, ҳашару маъракалари кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши-ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос фазилатлар маҳалла муҳтида шаклланган.

Бугун 33,5 миллиондан ошган халқимизнинг тақдирини маҳаллаларга пайванд, ўз навбатида, одамларнинг ташвиши, қувончу шодлиғи маҳалла учун асло бегона эмас. Ана шу яхши одамлар, эзгу амаллар тўғрисида давлатимиз сиёсатининг бош мақсадини ташкил қилган инсонпарварлик, адолат-парварлик гоялари жамиятимизга изчил татбиқ этилмоқда. Президентимиз бошчилигидаги ҳаётбахш ислохотлар маҳаллаларнинг эркин манзарасида намоён бўлаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 июлдаги «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида» қарори эса фидойи ва меҳнаткаш, маҳалласи, элу юрти ташвишида тунларни тонларга улаган хокисор юртдошларимизни тақдирлаш учун муҳим ҳуқуқий асос, меҳнатига муносиб рағбат бўлди. Жорий йилнинг 23 сентябрь куни Президентимизнинг мазкур қарори ижросини таъминлаш

мақсадида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши мажлисининг тегишли қарори қабул қилинди ҳамда «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишонининг бу йилги соҳиблари рўйхати тасдиқланди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳузуридаги «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишонига тавсия этилган номзодларни кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг тақлифи — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида истикомат қилаётган, шижоатли, фидойи, фаол, ташаббускор фуқаролар ва жамоатчилик тузилмалари вакиллари-нинг маҳалла тизимини ривожлантириш, унинг мавқеини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларни амалга оширишдаги фаоллиги ҳамда бу борада эришган алоҳида ютуқлари учун «Ма-



ҳалла ифтихори» кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги тавсиялари инобатга олиниб, 318 нафар юртдошимиз ана шундай юксак шарафга лойиқ топилди.

Хар бир инсон, у қайси ёшда бўлмасин, қайси соҳа ёки лавозимда ишласин, ота-онаси, фарзандлари олдида, ўз Ватани, маҳалласи, келгуси авлодлар олдида ҳалол ва виждонан қилган меҳнатининг ҳосилини, ўз хизматининг тан олинишини, кадр топганини кўрар экан, бундай инсон ўзини, албатта, бахтли деб ҳис қилади. Ўзтиборлиси, тақдирланганлар орасида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳудудий бўлиmlарида узок йиллар меҳнат қилган ходимлар, маҳалласи

билан бир тану бир жонга айланган йиғин фаоллари билан бирга, юрти-миздаги осойишталик, фаровонликка ҳисса қўшаётган, маҳалла юмушига ҳеч оғринмасдан елка тутиб келаётган тadbirkorлар, ўқитувчи ва педагоглар, шифокорлар, турли нодавлат ташкилотлари вакиллари ҳам бор.

«Маҳалла ифтихори» кўкрак нишонини низомига мувофиқ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан совриндорларнинг ҳар бирига меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 1,41 баравари миқдорида пул мукофоти ҳамда мамлакатимиз санаторийларида даволанишлари учун бир маротабалик бепул йўлланма берилади. Кўкрак нишони ва совриндорлик гувоҳномалари эса фидойи юртдошларимизга тантанали равишда топширилади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, «Mahalla» газетаси ва «Mahalla ko'zgusi» журнали Бирлашган таҳририяти жамоаси барча мукофот соҳиблари — фидойи ва жонқуяр, ватанпарвар, ўз ишнинг устаси бўлган юртдошларимизни самийий кутлаб, янги-янги зафарлар тилайди. Доймо эл-юрт ардоғида бўлиш насиб этсин. Бу юксак нишонлар сизларга янги куч-қувват, ғайрат-шижоат бағишласин.

2019 йилда «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишони билан тақдирланадиган жамоатчилик вакиллари РЎЙХАТИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Аллиязов Тенгелбай Исмилевич — Нукус шаҳридаги «Ақ жағис» фуқаролар йиғини раиси

Оразимбетов Рустам — Беруний туманидаги «Дўстлик» фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари — кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчиси

Ахманов Баҳадир Айтбаевич — Қўнғирот туманидаги «Мошқали» фуқаролар йиғини масъул котиби

Мамбетшарипов Полатбай Хабибуллаевич — Кегейли туманидаги «Жалпақ жап» фуқаролар йиғини раиси

Артиков Ережел Жиемуратович — Мўйноқ туманидаги «Мўйноқ» фуқаролар йиғини фаоли

Бегманов Ернияз Аллиязович — Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тахтакўпри тумани кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

Сайпова Гулмуҳаммад Шановна — Ҳўжайли туманидаги «Жуизмэр» фуқаролар йиғини раиси

Артикбаев Джуманазар Ражапбаевич — Эллиқалла туманидаги «Пахтачи» фуқаролар йиғини фаоли

Карлибаева Айиҳан Кенгесбаева — Шуманай туманидаги Кетенлер овул фуқаролар йиғини масъул котиби

Алиева Алтингул Жумабаева — Чимбой туманидаги Тазакон овул фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш ва oilаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассиси

Давлатова Лала Исаковна — Тўрткўл туманидаги «Жайхун» фуқаролар йиғини раиси

Калибеков Абдижалли — Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қораўзақ туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

Нуримбетова Айзада Бакбергеновна — «Миллий тикланиш» демократик партияси Нукус шаҳар кенгаши раиси

Мамедов Назарбай — Тахтамош туманидаги «Сарайқўл» фуқаролар йиғини раиси

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Чунахунов Баҳодир Юлдашевич — Андижон шаҳридаги «Садоқат» фуқаролар йиғини раиси

Джалилов Яхёхон Насирдинович — Андижон шаҳридаги «Далварзин» фуқаролар йиғини раиси

Хожиматов Боқидиржон Абдулазизович — Андижон туманидаги «Дўстлик» фуқаролар йиғини раиси

Халилова Мубаракжон Маннабонна — Андижон туманидаги «Нурафшон» фуқаролар йиғини раиси

Нўмонжонов Оқибатхон — Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қўрғонтепа тумани кенгаши диний-маърифий ишлари бўйича бош мутахассиси

Сатвалдиева Дилфузахон Карабаевна — Қўрғонтепа туманидаги «Навбахор» фуқаролар йиғини раиси

Маҳкамбоева Моҳидилхон Турсунбаевна — Хонобод шаҳридаги «Юксалиш» фуқаролар йиғини раиси

Солеев Тохир Латифжонович — Олтинкўл туманидаги «Далварзин» фуқаролар йиғини раиси

Ахмадалиева Одина Абдуқаҳҳоровна — Олтинкўл туманидаги «Уйшын»

фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш ва oilаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассиси

Умаров Абдулатто Тўрғунович — Бўз туманидаги «Нурафшон» фуқаролар йиғини раиси

Жўраев Хайридин Боқидиржон ўғли — Бўз туманидаги «Янги қишлоқ» фуқаролар йиғини раиси

Исмоилов Садриддин Исомиддинович — Улуғнор туманидаги «Ўзбекистон» фуқаролар йиғини масъул котиби

Солеев Холмат — Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Улуғнор тумани кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

Рахмонова Матлубахон Воҳиджоновна — Булукбоши туманидаги «Сойбўйи» фуқаролар йиғини масъул котиби

Хўжабердиев Махаммадин Рахмонбердиевич — Булукбоши туманидаги «Баландчеке» фуқаролар йиғини раиси

Мамалдаев Шўжуржон Абдуваҳобович — Асака туманидаги «Сайдабод» фуқаролар йиғини раиси

Бегматов Мирзажон Махмуджонович — Асака туманидаги «Марқаюз» фуқаролар йиғини раиси

Давирова Сайраҳон Нематовна — Баллик туманидаги «Ортобод» фуқаролар йиғини масъул котиби

Йигитов Турдали Муратович — Баллик туманидаги «Ортобод» фуқаролар йиғини раиси

Омонов Исамидин Сайфутдинович — Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Шаҳрихон тумани кенгаши раисининг кексалар ва фахрийлар

ишлари бўйича ўринбосари

Тожибоев Махамматдилшод Абдуллаевич — Шаҳрихон туманидаги «Дўрмон» фуқаролар йиғини раиси

Нийзова Хурमतой — Пахтабод туманидаги «Ўзар» фуқаролар йиғини раиси

Нёзматова Моҳидил Отамирзаевна — Пахтабод туманидаги «Чорбоғ» фуқаролар йиғини масъул котиби

Ғофиров Якубжон Хидирович — Избоскан туманидаги «Туячи» фуқаролар йиғини раиси

Алибаева Тўйдихон Садиқовна — Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Жалақудуқ тумани кенгаши раисининг диний-маърифий масалалар бўйича ўринбосари

Аstonов Марип Джурабоевич — Жалақудуқ туманидаги «Фазирқилиш» фуқаролар йиғини масъул котиби

Тешабоева Улдотхон — Хўжабод туманидаги «Бахрин» фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари — кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчиси

Келдибоева Нарғиза Тешабоевна — Марҳамат туманидаги «Кўтарма» фуқаролар йиғини раиси

Мамажонов Гулихон Одилжоновна — Марҳамат туманидаги «Алтипе» фуқаролар йиғини масъул котиби

Деҳқонов Абдуғани Мехмонovich — Избоскан туманидаги «Тўрткўл» фуқаролар йиғини масъул котиби

БУХОРО ВИЛОЯТИ

Муҳаммедова Насиба Садуллаевна — Бухоро шаҳридаги Низомий номли

фуқаролар йиғини раиси

Тўраева Аҳила Меңқобилонна — Бухоро шаҳридаги Мўлат Бурхонев номли фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш ва oilаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассиси

Ғафорова Шоиза Қодировна — Қогон шаҳридаги «Дўстлик» фуқаролар йиғини масъул котиби

Джўраева Саида Тешаевна — Бухоро туманидаги Халқ депутатлари туман кенгаши маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда тadbirkorлиқни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси

Ражабова Марзия Жақуловна — Вобкент туманидаги «Работохун» фуқаролар йиғини раиси

Худойқулов Ҳамза Абдуразакович — Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Жондор тумани кенгаши раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосари

Ёғдиева Шахло Норовна — Жондор туманидаги «Мустиқлик» фуқаролар йиғини масъул котиби

Бокиев Ўткир Шамсиддинович — Қогон туманидаги «Ўртақўл» фуқаролар йиғини масъул котиби

Аллаков Зокир Итолмасович — Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Олот тумани кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

(Давоми 6-саҳифада)

2019 йилда «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишони билан тақдирланадиган жамоатчилик вакиллари рўйхати

(Давами)

Бошланғич 5-сўхфада)

Қурбон Олтибой Исмоилов – Олот туманидаги «Ўзбекистон» фуқаролар йиғини раиси

Ақобиров Мадийр Садиевич – Пешку туманидаги «Ўзбек» фуқаролар йиғини раиси

Султонов Руҳилло Жомардович – Ромитан туманидаги «Кўргон» фуқаролар йиғини масъул котиби

Жумаева Мўмина Тошпўлатовна – Ромитан туманидаги «Хазортут» фуқаролар йиғини раиси

Зайнӣев Фурқат Сабриевич – Шофиркон туманидаги «Нурафшон» фуқаролар йиғини раиси

Ганжиева Дилбар Сафаровна – Қорақўл туманидаги «Янги Қалъа» фуқаролар йиғини раиси

Бомуротов Карим Атобоевич – Шофиркон туманидаги Маънавият-маърифат тарғибот маркази бўлими раҳбари

Хамраева Малика Исмаиловна – Ёнқудон туманидаги «Сардор» фуқаролар йиғини раиси

Раҳматова Муслим Латиповна – Ёнқудон туманидаги «Гулистонбод» фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари – кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчиси

Раҳматиллоев Шухрат Қудратович – Бухоро туманидаги «Новметан» фуқаролар йиғини раиси

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Баликулов Ширинбай Холмўминович – Мирзачўл туманидаги «Мирздалла» фуқаролар йиғини раиси

Исомидинова Хайринисо Абдинаковна – Галларот туманидаги «Гулистон» фуқаролар йиғини раиси

Мамурбаев Райимкул Шодмонкулович – Янгибод туманидаги «Янгибод» фуқаролар йиғини раиси

Таджибоев Пулат Ташбекович – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Зомин тумани кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

Ашуров Абдуманнон Яхшибоевич – Зарбдор туманидаги «Янгиқент» фуқаролар йиғини раиси

Уракбаев Баҳром Ибраҳимович – Пахтакор туманидаги «Олмасор» фуқаролар йиғини масъул котиби

Маликов Шукр Алимкул ўғли – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Дўстлик тумани кенгаши ташкилий-ўқув гуруҳи бош мутахассиси

Мухтаров Абдураим Лапасович – Баҳмал туманидаги «Янгибод» фуқаролар йиғини раиси

Ахмедов Абдулҳаким Хусанович – Зафаробод туманидаги «Писталикент» фуқаролар йиғини раиси

Раҳматова Баҳри Садуллаевна – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Форш тумани кенгашининг диний-маърифий масалалар бўйича бош мутахассиси

КАШКАДАРЭ ВИЛОЯТИ

Мирова Сабохат Жураева – Қарши шаҳридаги «Нуристон» фуқаролар йиғини раиси

Зиоров Эшим – Қарши шаҳридаги «Қарлиқбод» фуқаролар йиғини раиси

Нуров Муҳиддин – Қарши шаҳридаги «Нуроний» жамғармаси бўлими раиси

Шербатбаев Илҳомжон Тешаевич – Шаҳрисабз шаҳридаги «Зиёкор» фуқаролар йиғини раиси

Тўраев Тўхтамурод – Ғузор туманидаги «Обод» фуқаролар йиғини раиси

Жумаев Зокир Юсупович – Ғузор туманидаги «Олмасор» фуқаролар йиғини раиси

Жумаев Шароф Нормуратович – Деҳқонбод туманидаги «Обод» фуқаролар йиғини раиси

Тожиёв Тоғаймурот Хуррамович – Деҳқонбод туманидаги «Бўстон» фуқаролар йиғини раиси

Жалилов Хамид Самадович – Қамаш туманидаги «Қўқбулоқ» фуқаролар йиғини раиси

Очилов Рустам Арамович – Қарши туманидаги «Нукрабод» фуқаролар йиғини раиси

Аминов Тоштемур Ғуломович – Қасби туманидаги «Хўжа қасби» фуқаролар йиғини раиси

Вахидова Ойдинжон – Китоб туманидаги «Бешқазоқ» фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари – кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчиси

Ахмедов Солибжон Облоқулович – Китоб туманидаги «Обиканда» фуқаролар йиғини раиси

Турсунова Зияда Эшимовна – Қосон туманидаги «Гала» фуқаролар йиғини раиси

Боборажабов Рўзбой Тўхтаевич – Қосон туманидаги «Муҳташул» фуқаролар йиғини раиси

Қодиров Исмоил Шукруевич – Миришкор туманидаги «Чаманзор» фуқаролар йиғини раиси

Каттабобоев Шахриддин Қажронович – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қашқадарё вилояти кенгаши ташкилий-ўқув гуруҳи мудири

Надирова Бегам Хужакуловна – Нишон туманидаги «Нишон» фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш ва oilаларда маънавий-ахлоқий кадрларни мустақамлаш бўйича мутахассиси

Хужаёров Бурхон Давлатович – Чирокчи туманидаги «Сувлиқ» фуқаролар йиғини раиси

Қиличов Сунор Турсунович – Чирокчи туманидаги «Қаҳрамон» фуқаролар йиғини раиси

Турдиев Нигматулло Ғайзуллаевич – Шаҳрисабз туманидаги «Хазар» фуқаролар йиғини раиси

Авазов Жўрақул – Шаҳрисабз туманидаги «Хисорак» фуқаролар йиғини раиси

Юсупов Бухор – Яққаб туманидаги «Мустиқллик» фуқаролар йиғини раиси

Боймирзаев Жуманиёз Норбекович – Чирокчи туманидаги «Ўйшун» фуқаролар йиғини раиси

Чориев Юсуп Джўраевич – Муборак туманидаги «Сарик» фуқаролар йиғини раиси

НАВОЙ ВИЛОЯТИ

Наврўзов Эркин Эргашевич – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Навоий вилояти кенгаши раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосари

Бобоқулова Мавжуда Қодировна – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Навоий шаҳар кенгашининг диний-маърифий ишлар бўйича бош мутахассиси

Тошов Нурали Нарзуллаевич – Қармана туманидаги «Деҳқон» фуқаролар йиғини раиси

Серикбаев Нурбол Тулегенович – Қонимех туманидаги «Қарақ ата» фуқаролар йиғини раиси

Нарзиёв Шавкат Салимович – Қизилтепа туманидаги «Хўжақўргон» фуқаролар йиғини раиси

Эрнафасов Хусниддин Болтаевич – Зарафшон шаҳридаги Алишер Навоий номи фуқаролар йиғини раиси

Примов Азамат Исматуллаевич – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Навоихор тумани кенгаши ташкилий-ўқув гуруҳи бош мутахассиси

Бозоров Ориф Тошматович – Нурота туманидаги Алишер Навоий номи фуқаролар йиғини раиси

ролар йиғини раиси

Пардаев Равшанжон Юлдошев – Хатирчи туманидаги «Галабек» фуқаролар йиғини раиси

Эргашев Мехридин Ражабович – Навбахор туманидаги «Армижон» фуқаролар йиғини раиси

Нарзаев Кенес Садиевич – Учқудуқ туманидаги «Шалхар» фуқаролар йиғини раиси

НАМАҒАН ВИЛОЯТИ

Шакирова Саҳобатхон Турсуновна – Намаған шаҳридаги «Тўқувчи» фуқаролар йиғини раиси

Шакиров Самат Зокирджонович – Намаған шаҳридаги «Ўзғар» фуқаролар йиғини масъул котиби

Кенжаев Шухратжон Аҳмадиевич – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Намаған вилояти кенгаши раисининг ёшлар ишлари бўйича ўринбосари

Раҳимов Абдуқажор Бозорович – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Минбулоқ тумани кенгаши раисининг диний-маърифий масалалар бўйича ўринбосари

Худайбердиев Машраббой Аҳмадиевич – Минбулоқ туманидаги «Пахтакор» фуқаролар йиғини раиси

Махмудов Исмоилхон Сайдаҳмадович – Қосон туманидаги «Ўрикзор» фуқаролар йиғини раиси

Нуридинов Абдулҳамидхон Орифхўжаевич – Қосон туманидаги «Гулистон-1» фуқаролар йиғини раиси

Бекмурзаев Абдурашидхон Умаралеевич – Намаған туманидаги «Бўстон» фуқаролар йиғини раиси

Қўчарова Хуснидаҳон Шермирзаевна – Намаған туманидаги «Ўрганжи» фуқаролар йиғини раиси

Тўраев Муҳаммадийўлдош Исоқович – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Норин тумани кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

Рустамова Дилбархон Абдуллаевна – Норин туманидаги «Қизилтоғ» фуқаролар йиғини раиси

Тиллаева Зулола Юлдашевна – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Поп тумани кенгашининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича бош мутахассиси

Хусанова Турсунбой – Поп туманидаги «Ҳамид Олимжон» фуқаролар йиғини раиси

Тожиқайдаров Аминжон Аҳмадович – Поп туманидаги «Янги тўда» фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари – кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчиси

Умаров Махмуджон Эркинвич – Тўрақўргон туманидаги «Порлоқ» фуқаролар йиғини раиси

Джўраев Абдулбоки Турсунбаевич – Тўрақўргон туманидаги «Ободон» фуқаролар йиғини раиси

Улухўжаев Парлибой Мўминжонович – Уччи туманидаги «Ерқатай» фуқаролар йиғини раиси

Мўйидинов Мухторжон Иброҳимович – Уччи туманидаги «Гулзор» фуқаролар йиғини раиси

Махмудова Баҳорат Қомидовна – Учқўргон туманидаги «Ешлик» фуқаролар йиғини раиси

Набиев Олимжон Солижонович – Учқўргон туманидаги «Саноат» фуқаролар йиғини раиси

Маматвалиев Адилжан – Чортоқ туманидаги «Ўрикзор» фуқаролар йиғини раиси

Артиков Боҳодир Эргашевич – Чортоқ туманидаги «Оқсалиш» фуқаролар йиғини раиси

Эргашев Лутфилла Номозалиевич – Чўст туманидаги «Мунчоктепа» фуқаролар йиғини раиси

ролар йиғини раиси

Хусайнов Собит Зоитович – Чўст туманидаги «Яққабулук» фуқаролар йиғини раиси

Исмонов Хусан Зокирович – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Чўст тумани кенгашининг ташкилий-ўқув гуруҳи бош мутахассиси

Тўтабоева Дилфуза Толибжоновна – Янгиқўргон туманидаги «Нурафшон» фуқаролар йиғини раиси

Патталов Абдулло Аҳмаджонович – Янгиқўргон туманидаги «Туман» фуқаролар йиғини масъул котиби

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Худойбердиев Обид Буриевич – Самарқанд шаҳридаги Беруний номи фуқаролар йиғини раиси

Хасанов Икром Раҳманкулович – Самарқанд шаҳридаги «Чашма» фуқаролар йиғини раиси

Яркулова Фазила – Самарқанд шаҳридаги «Оқсарой» фуқаролар йиғини раиси

Султанов Равшан Исанович – Каттақўргон шаҳридаги «Меҳржон» фуқаролар йиғини раиси

Мухаммадиев Пайзулло Зубайдуллоевич – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Каттақўргон шаҳар кенгаши раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосари

Маллаев Абдунаби Башманович – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Булунгур тумани кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

Асқарова Гулсун Хурсанмуратовна – Булунгур туманидаги «Бешқўт» фуқаролар йиғини раиси

Султанов Нормамат – Жомбой туманидаги «Тўт» фуқаролар йиғини раиси

Шамсиева Баҳорат Уктамовна – Жомбой туманидаги «Катта қишлоқ» фуқаролар йиғини раиси

Рўзиев Обиджон Басиевич – Иштихон туманидаги «Бешарик» фуқаролар йиғини раиси

Мансурова Лола Хайруллаевна – Иштихон туманидаги «Катта Қангли» фуқаролар йиғини раиси

Бобоев Болта – Каттақўргон туманидаги Алишер Навоий номи фуқаролар йиғини раиси

Ахмедов Қамариддин – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Каттақўргон тумани кенгаши раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосари

Боймуродов Раҳимжон Мейлиевич – Каттақўргон туманидаги «Мўминхўжа» фуқаролар йиғини раиси

Нурматов Турсунмурот Абдулҳакимович – Қўшрабод туманидаги «Ўрта-сой» фуқаролар йиғини раиси

Ирзакулов Баҳодир Қўчқорович – Қўшрабод туманидаги «Мустиқллик» фуқаролар йиғини раиси

Дехқонов Сирожидин Қўшоқович – Қўшрабод туманидаги «Ўқори жўш» фуқаролар йиғини масъул котиби

Хасанов Бозор Собирович – Нарпай туманидаги «Ўзбекистон» фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари – кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчиси

Ибодуллаев Баҳодир Эшмирзаевич – Нуробод туманидаги «Чорвадор» фуқаролар йиғини раиси

Марданов Атамурод Хўшабоқович – Нуробод туманидаги «Халқобод» фуқаролар йиғини раиси

Султонова Муқаддас Утамуродовна – Оқдарё туманидаги «Қумушкент» фуқаролар йиғини масъул котиби

Мухаммадиев Нормурод Долиевич – Оқдарё туманидаги «Галаравот» фуқаролар йиғини раиси

ролар йиғини раиси

Маматов Самандар Холмуратович – Пастдарғом туманидаги «Дурмонсой» фуқаролар йиғини раиси

Назаров Баҳодир – Пастдарғом туманидаги «Санчқул» фуқаролар йиғини раиси

Бегимкулов Сулайман Рашидович – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Пастдарғом тумани кенгаши ташкилий-ўқув гуруҳи бош мутахассиси

Уролов Рустамжон Мўносович – Байриқ туманидаги «Тоҳиршайх» фуқаролар йиғини раиси

Мардиев Фарходжон Жалилович – Байриқ туманидаги «Маданият» фуқаролар йиғини раиси

Нематов Ойбек Нематович – Байриқ туманидаги «Томойрот» фуқаролар йиғини масъул котиби

Салиева Озгул Холмирзаевна – Пахтачи туманидаги «Янгибод» фуқаролар йиғини раиси

Қутлиев Фозилжон Ҳасанович – Пахтачи туманидаги «Ебу» фуқаролар йиғини раиси

Асодова Диларом Абиджановна – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Самарқанд тумани кенгаши раисининг диний-маърифий масалалари бўйича ўринбосари

Утамуродов Шавкатилло Садинович – Самарқанд туманидаги «Юқори Қайнама» фуқаролар йиғини раиси

Мирзаев Илҳом Маматович – Самарқанд туманидаги «Оқмачит» фуқаролар йиғини раиси

Қурбонов Икром Баратович – Урганч туманидаги «Укран» фуқаролар йиғини масъул котиби

Махкамов Сайфулло Раджабович – Урганч туманидаги «Боғишамол» фуқаролар йиғини раиси

Хусанов Обид Тоштемурович – Урганч туманидаги «Терак» фуқаролар йиғини раиси

Сараев Ҳамза – Тойлоқ туманидаги «Маданият» фуқаролар йиғини раиси

Ибодов Ғайзулло Абдуллаевич – Тойлоқ туманидаги «Бунёдкор» фуқаролар йиғини раиси

СИРДАРЭ ВИЛОЯТИ

Маманов Ғайбулла – Гулистон туманидаги «Зарбдор» фуқаролар йиғини раиси

Хамраев Хомиджон Бозорович – Ховос туманидаги «Ховособод» фуқаролар йиғини раиси

Икматов Алишер Амирбекович – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Сирдарё вилояти кенгаши ташкилий-ўқув гуруҳи бош мудири

Қудашев Джўрабай – Боев туманидаги «Анорзор» фуқаролар йиғини раиси

Мукимов Зокиржон Раимович – Сирдарё туманидаги «Бешбулоқ» фуқаролар йиғини раиси

Урозова Махсуда Ибодуллаевна – Сардоба туманидаги «Дўстлик» фуқаролар йиғини масъул котиби

Худойеров Аллоберди Худойбердиевич – Мирзаобод туманидаги «Ҳақиқат» фуқаролар йиғини раиси

Абдуқодирова Зулфия Қуватилевна – Оқолтин туманидаги «Мустиқллик» фуқаролар йиғини масъул котиби

СУРХОНДАРЭ ВИЛОЯТИ

Мухаммадиева Урал – Ангор туманидаги «Қайран» фуқаролар йиғини раиси

Хожиёв Собир Сафарович – Фуқаролар

2019 йилда «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишони билан тақдирланадиган жамоатчилик вакилларининг РЎЙХАТИ

(Давоми)

Бошланғич 5-6-савфаларда)

Саломов Сайддулло Камолевич – Бойсун туманидаги «Чилонзор» фуқаролар йиғини раиси

Аллаёрова Ҳимматхон Ҳошимовна – Денов туманидаги «Чўнтош» фуқаролар йиғини раиси

Рахмонова Шаҳодат Ҳужамовна – Денов туманидаги «Нурли манзил» фуқаролар йиғини раиси

Худойкулова Пардаҳал Раҳмановна – Жарқўрғон туманидаги «Обод гузар» фуқаролар йиғини раиси

Базаров Шукр Файзуллаевич – Жарқўрғон маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи директори

Самадова Чингул Абдулловна – Сарийосиё туманидаги Алишер Навоий номи фуқаролар йиғини раиси

Амонова Шахло Набиевна – Сарийосиё туманидаги «Феруз» фуқаролар йиғини раиси

Наимов Халим Ходжабердиевич – Термиз туманидаги «Ғулистон» фуқаролар йиғини раиси

Эшмаматов Мансур Нурмаматович – Шўрчи туманидаги «Чинор» фуқаролар йиғини раиси

Ботиров Исмаилов Муҳаммадиевич – Шўрчи туманидаги «Жийдали» фуқаролар йиғини раиси

Гулбаева Саломат Сафаровна – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Узун тумани кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

Азимов Одилов Азимурастович – Узун туманидаги «Маландиён» фуқаролар йиғини раиси

Чориев Шавкат Эшпўлатович – Шеробод туманидаги «Баҳор» фуқаролар йиғини раиси

Нормуратов Дадабой Сапарович – Шеробод туманидаги «Меҳробод» фуқаролар йиғини раиси

Раҳманов Акрам Саттарович – Термиз шаҳридаги «Байналминан» фуқаролар йиғини раиси

Тошқулов Алимардон Нурмухаммедович – Қизилқум туманидаги «Бектепа» фуқаролар йиғини раиси

Яхшиев Тоғаймурод Бойниёзович – Қизилқум туманидаги «Қорасу» фуқаролар йиғини фаоли

Абдусаматов Шерзод Уроқ ўғли – Кумқўрғон туманидаги «Боболочин» фуқаролар йиғини раиси

Йўлдошев Хуррам Абдусатторович – Кўшқўрғон туманидаги «Жаловир» фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари – кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчиси

Нурмаҳматов Сайдали Махматуллоевич – Музабод туманидаги Ат-Термизий номи фуқаролар йиғини раиси

Бўриев Шариф Шаймардонович – Музабод туманидаги «Бодомзор» фуқаролар йиғини раиси

Маммадиев Хасан Чоршанбиевич – Олтинсой туманидаги «Оқарбулоқ» фуқаролар йиғини раиси

Менгнӣёзов Султонали Бозорович – Олтинсой туманидаги «Якка тут» фуқаролар йиғини раиси

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Умаров Қудратулло Жумакулович – Ангрен шаҳридаги «Дорилфунун» фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари – кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчиси

Раков Ўрали Сапарович – Ангрен шаҳридаги «Жигаристон» фуқаролар йиғини фаоли

Қадирова Рабия Абдуқаҳаровна – Бекобод шаҳридаги «Андижон» фуқаролар йиғини раиси

Эргашева Халима Раҳмановна – Бекобод туманидаги «Ширин» фуқаролар йиғини раиси

Халикулов Мансур Махматович

– Бекобод туманидаги «Бирдамлик» фуқаролар йиғини масъул котиби

Калмурзаева Муассар Аловитдиновна – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Олмалиқ шаҳар кенгаши ташкилий-ўқув гуруҳи бош мутахассиси

Матахисов Фахриддин Ҳошимович – Олмалиқ шаҳридаги «Чамбил» фуқаролар йиғини раиси

Аминова Шахринисо Убайдуллаевна – Чирчиқ шаҳридаги «Ифтихор» фуқаролар йиғини раиси

Ладаминаева Ригул Мадаминовна – Охангарон шаҳридаги «Мустақиллик» фуқаролар йиғини раиси

Абдумажидов Абдугани Абдумажидович – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Янгийўл шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари
Чўртаева Саҳадилла Аширович – Нурафшон шаҳридаги «Обод» фуқаролар йиғини раиси

Абдуқадиров Толиб Умирзақович – Охангарон туманидаги «Чувилдоқ» фуқаролар йиғини раиси

Мирмухаммедов Мирзиз Марифович – Паркент туманидаги «Паркент Захиршоҳ» оилавий корхонаси раҳбари
Комиллов Миржўра Халилович – Паркент туманидаги «Қуриқсой» фуқаролар йиғини раиси

Ахмедова Хуриниса Абдуллаевна – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Пискент тумани кенгаши раисининг диний-маърифий масалалар бўйича ўринбосари

Абдулқасимов Рано Ҳакимовна – Қибрай туманидаги «Янги ҳаёт» фуқаролар йиғини фаоли

Хамидов Мўминжон Махмудович – Қибрай туманидаги «Баҳор» фуқаролар йиғини раиси

Уразова Ўғилноя Ашуралиевна – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши Ахборот-таҳлил ва статистика бўлими бошлиғи

Алимукхамедова Зулфия Азизовна – Чиноз туманидаги Алишер Навоий номи фуқаролар йиғини раиси

Ўлибоева Саодат Иманназаровна – Ўрта Чирчиқ туманидаги «Бунёдкор» фуқаролар йиғини раиси

Тўғрунбоев Собир Охунжонович – Ўрта Чирчиқ туманидаги «Янгув» фуқаролар йиғини фаоли

Қаюмов Тоҳиржон Юлдашев – Янгийўл туманидаги «Писталик» фуқаролар йиғини раиси

Мирзатаев Исқандар Шарипович – Янгийўл туманидаги «Баҳор» фуқаролар йиғини раиси

Режепова Марҳамат Турғуновна – Юқори Чирчиқ туманидаги «Шижоат» фуқаролар йиғини раиси

Махкамова Наргиза Холдаровна – Юқори Чирчиқ туманидаги «Жумабозор» фуқаролар йиғини масъул котиби

Маткаримова Шахноза Мирзақуловна – Бўка туманидаги «Ўзбек» фуқаролар йиғини раиси

Маликов Наёбжон Зиётович – Бўка туманидаги «Тошлоқ» фуқаролар йиғини раиси

Асанов Сағдулла Муродуллоевич – Басмалӣ туманидаги «Талпин» фуқаролар йиғини раиси

Абдураҳмонов Уринбой Эргашович – Бўстонлик туманидаги «Қоронкул» фуқаролар йиғини раиси

Мамадҷонов Бахтиёр Иброҳимович – Тошкент туманидаги «Эъзоз» фуқаролар йиғини раиси

Саримсакова Мактуба Тажиевна – Тошкент туманидаги «Аҳиллик» фуқаролар йиғини раиси

Абубакиров Мирсаид Илашевич – Окқўрғон туманидаги «Қўштамғали»

фуқаролар йиғини раиси

Муҳидинов Боҳодир Йўлдошев – Зангиота туманидаги «Ўлбоғ» фуқаролар йиғини раиси

Жўраев Мирқамол Жаҳиҳаматович – Зангиота туманидаги Аҳмад Яссавий номи фуқаролар йиғини раиси

Хайдарова Нигора Эрқуловна – Қуйи Чирчиқ туманидаги «Ғалаботир» фуқаролар йиғини раиси

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Мирзақаримов Эркинжон Нишанбаевич – Қувасой шаҳридаги «Юқори Муя» фуқаролар йиғини раиси

Мирзатошев Қобилжон Абдурахимович – Марғилон шаҳридаги «Милтқос» фуқаролар йиғини раиси

Давронова Манзура Урмановна – Марғилон шаҳридаги «Турон» фуқаролар йиғини раиси

Сайдова Икбир Турдибаева – Қўқон шаҳридаги «Янги чорсу» фуқаролар йиғини раиси

Мелиқодирова Зилола Тоировна – Қўқон шаҳридаги «Урганжибег» фуқаролар йиғини масъул котиби

Каримова Гавҳар Холмиразиевна – Фарғона шаҳридаги «Навбахор» фуқаролар йиғини раиси

Ҳакимова Дилбар Абдусатторовна – Фарғона шаҳридаги «Ибрат» фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадрларнинг мустаҳкамлаш бўйича мутахассиси

Ақбаров Эгамберди Сайдақбарович – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Бағдод тумани кенгаши раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосари

Сулаймонова Мунаввар Турдиматова – Бағдод туманидаги «Бекобод» фуқаролар йиғини масъул котиби

Ўлмасов Ўктамон – Бўвайда туманидаги «Бегобод» фуқаролар йиғини раиси

Ҳожиева Обида Хасановна – Бўвайда туманидаги «Маслаҳат» фуқаролар йиғини раиси

Тошпулатова Улуғой Мирзаабдуллаевна – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Данғара тумани кенгаши диний-маърифий масалалар бўйича бош мутахассиси

Тешабаев Мирзааҳмад Ахмадиевич – Данғара туманидаги «Яқиял» фуқаролар йиғини масъул котиби

Эҳсонов Абдулҳамид Абдурахимович – Ёзёвон туманидаги «Қўрғонча» фуқаролар йиғини раиси

Мирзақаримов Алижон – Ёзёвон туманидаги «Қатортол» фуқаролар йиғини раиси

Уринбоев Музаффар Маҳаматович – Қува туманидаги «Ғалаба» фуқаролар йиғини раиси

Асранкулов Алишер Абиджанович – Қува туманидаги «Дўстлик» фуқаролар йиғини раиси

Тошпулатов Марипжон Неъматович – Олтиариқ туманидаги «Оқбўйра» фуқаролар йиғини раиси

Қамбаров Замира Мухторовна – Олтиариқ туманидаги «Ғулистон» фуқаролар йиғини раиси

Сотволдиева Бусора Холматовна – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қўштепа тумани кенгаши ташкилий-ўқув гуруҳи бош мутахассиси

Нишонов Музаффар Имомназарович – Қўштепа туманидаги «Гариндон» фуқаролар йиғини раиси

Маммазиев Рўзикаҳмад Мирзабадалиевич – Риштон туманидаги «Чубурғон» фуқаролар йиғини масъул котиби

Ҳожиҳонов Худойёрхон Қимсанхонович – Фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Риштон тумани кенгаши ташкилий-ўқув гуруҳи бош мутахассиси

Абдуҷабборов Азизжон Хайдарович – Ўзбекистон туманидаги «Қатагон» фуқаролар йиғини раиси

Қобилов Ўринбой Пулатович – Ўзбекистон туманидаги «Қатта тағоб» фуқаролар йиғини раиси

Обилжонов Тоиржон Жўраевич – Учқўприк туманидаги «Юлғунзор» фуқаролар йиғини раиси

Сотиболдиев Акрамжон Қурбоневич – Учқўприк туманидаги «Пўчқўғой» фуқаролар йиғини масъул котиби

Ғаниева Ихтибар – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Фарғона тумани кенгаши раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосари

Ахунова Насибхон Қобилдиновна – Фарғона туманидаги «Саноат» фуқаролар йиғини раиси

Усмонова Ғузълхон Шобаҳрамовна – Фурқат туманидаги «Шойимбек» фуқаролар йиғини масъул котиби

Эшонкулов Дилшоджон Бозорович – Фурқат туманидаги «Эшон» фуқаролар йиғини раиси

Розоқов Равшанбек Қамбаралиевич – Беширик туманидаги «Чимбой» фуқаролар йиғини масъул котиби

Мадраҳимов Мирзохид Буронбоевич – Беширик туманидаги «Намуна» фуқаролар йиғини раиси

Ахматов Иброғимжон Имомжонович – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Сўх тумани кенгаши раисининг диний-маърифий масалалари бўйича ўринбосари

Ботирова Зульфия Анваровна – Тошлоқ туманидаги «Сувобой» фуқаролар йиғини раиси

Назарова Муножат Муродовна – Тошлоқ туманидаги «Қумарик» фуқаролар йиғини масъул котиби

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Юлдашев Баҳодир Раҳимович – Урганч шаҳридаги «Жинговой» фуқаролар йиғини раиси

Рўметов Эркин – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Богот тумани кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

Валаев Давронбек Қодирович – Гулран туманидаги «Янгибег» фуқаролар йиғини раиси

Қучқаров Гулият Пирлапасович – Гулран туманидаги «Бўзқалъа» фуқаролар йиғини раиси

Жуманиёзов Оманбой Оллоберганович – Қўшқўприк туманидаги «Олтин воҳа» фуқаролар йиғини раиси

Сатторов Динора Жуманазаровна – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қўшқўприк тумани кенгаши раисининг диний-маърифий масалалар бўйича ўринбосари

Собиров Ибрат Ҳамдамович – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Хоразм вилояти кенгаши ташкилий-ўқув гуруҳи бўйича мудири

Махмудов Оллаберган – Урганч туманидаги «Заргарлар» фуқаролар йиғини раиси

Одамбаев Фарход Садуллаевич – Ҳазорасп туманидаги «Ўзукка қош» фуқаролар йиғини раиси

Қурёзов Гуломбой Жаннатович – Ҳазорасп туманидаги «Жангиот» фуқаролар йиғини раиси

Давлатов Матмурот – Хонқа туманидаги «Қорақош» фуқаролар йиғини фаоли

Ҳужаниёзов Шаназар – Хонқа туманидаги «Эҳтиром» фуқаролар йиғини раиси

Атамуратова Гулбаҳор Салаевна – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Хива тумани кенгаши ташкилий-ўқув гуруҳи бош мутахассиси

Бабажанов Алимбай – Хива шаҳридаги «Қумяска» фуқаролар йиғини раиси

Абдирахманова Гавҳаржон Рузметовна – Шовот туманидаги «Янги бурлоқ» фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадрларнинг мустаҳкамлаш бўйича мутахассиси

Қазақов Жуманазар Мадаминович – Янгиарик туманидаги «Янгиарик» фуқаролар йиғини раиси

Юсупов Рўстан Рўзимович – Янгибозор туманидаги Паҳлавон Маҳмуд номи фуқаролар йиғини раиси

ТОШКЕНТ ШАҲАР

Ахкулов Кунтуғиш Матқамилевич – Бектемир туманидаги «Чашма» фуқаролар йиғини раиси

Авазова Хурсан Аҳмедовна – Миробод туманидаги «Сарикўл» фуқаролар йиғини фаоли

Эрназаров Абдумалик Абдизимович – Мирзо Улўбек туманидаги «Ўзробод» фуқаролар йиғини раиси

Юлдашева Муассар Таировна – Мирзо Улўбек туманидаги «Оқибат» фуқаролар йиғини раиси

Базарбаев Эриғит Юлдашев – Олмазор туманидаги «Мойарик» фуқаролар йиғини раиси

Жанибеков Жуманазар – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Олмазор тумани кенгаши раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосари

Рўзиназарова Хурсан Утагановна – Сергели туманидаги «Зийнат» фуқаролар йиғини раиси

Раҳматуллаева Манзура Абдуллаевна – Учтепа туманидаги «Бешқайрағоч» фуқаролар йиғини фаоли

Бойназарова Лола Избасаровна – Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Чилонзор тумани кенгаши ташкилий-ўқув гуруҳи бош мутахассиси

Муталов Аманулло Нигматуллаевич – Чилонзор туманидаги «Чилонзор» фуқаролар йиғини раиси

Валиева Манзура – Шайхонтоҳур туманидаги «Янгибод» фуқаролар йиғини раиси

Султонов Бахтияр Насирович – Шайхонтоҳур туманидаги «Қамолон» фуқаролар йиғини раиси

Раҳимов Абдугани Каримович – Юнусобод туманидаги «Отчоплар-1» фуқаролар йиғини раиси

Юсупов Равшан Аблиович – Юнусобод туманидаги Мирзо Улўбек номи фуқаролар йиғини раиси

Арипова Феруза Юсуповна – Яккасарой туманидаги Абдулла Қаҳҳор номи фуқаролар йиғини раиси

Ҳожикулова Фазилат Манабовна – Яшнобод туманидаги «Қўйқобод» фуқаролар йиғини раиси

Юнусбеков Маҳмуд – Яшнобод туманидаги «Шоҳсанам» фуқаролар йиғини фаоли

Абдусатторов Бахтиёр Абдуҷабборович – «Mahalla» газетаси ва «Mahalla ko zqusi» журнали Бирлашган тахририят масъулиятли текланган жамияти бош муҳаррири

Юлчиева Гулнора Дехқановна – «Mahalla» газетаси ва «Mahalla ko zqusi» журнали Бирлашган тахририят масъулиятли текланган жамияти бош муҳаррири

Мирзаева Гулчехра Турғуновна – «OzbeKiston 24» теледиораналининг ижтимоий-сиёсий тематика бўлими муҳаррири

Ўзбекистон катта сиёсий жараён — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловлар арафасида турибди. Сайловлар мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислохотлар, яқин ва олис истиқбол учун белгилаб олинган стратегик тараққиётнинг дастурий вазифаларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Марказий сайлов комиссияси 2019 йил 22 декабрни — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови куни деб белгилади. Сайлов кампаниясига 20 сентябрдан старт берилди.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ: САЙЛОВ КАМПАНИЯСИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Ўзгаришлар шаффофликка хизмат қилади... (ми?)

Ҳўш, бу йилги сайловлар аввалгиларидан нимаси билан фарқ қилади? Жараёнга қандай ўзгаришлар киритилди? Умуман, якунда муносиб номзодлар сайланишига қандай эришилади?

Кайд этиш ўринли, жорий йилги сайловлар илк бор янги Сайлов кодекси асосида ўтади. Маълумки, аввалги сайловлар жараёни «Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонулар билан тартибга солинар эди. Табиийки, ундаги нормалар тарқок, баъзан бир-бирини тақдорловчи ёки инкор этувчи қоидалардан иборат эди.

Шунингдек, айрим муҳим масалалар қонун билан эмас, Марказий сайлов комиссиясининг низомлари ёки йўриқномалари билан тартибга солинар, улардан фойдаланувчилар, амалда қўловчилар, шу жумладан, халқаро кузатувчилар учун бир қатор нуқулликларни туғдирарди.

Янги Сайлов кодекси сайловларимизнинг ошқоралик, шаффофлик, ҳаққонийлик, ҳолислик каби демократик тартиб-тамойиллар асосида ўтишида муҳим омил бўлиши баробарида, сайловчи ва сайланувчилар учун кенг имкониятлар ва қулайликлар яратиб беради.

Энди кузатувчилар сайлов участкасида алмашиб туриши мумкин

Сайлов кодексига асосан, сиёсий партиялар томонидан имзо йиғишда сайловчилар томонидан бир қанча партияларни ёқлаб имзо қўйиш имконияти берилди. Олдинлари имзо йиғишда «сайловчи фақат битта сиёсий партияни ёқлаб имзо қўйиши мумкин», деган норма мавжуд эди. Бу эса сиёсий партияларга ҳам, сайловчиларга ҳам нуқулликлар туғдирарди.

Партиялар сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда аввалги қонулар бўйича фақат биттадан кузатувчи бериши мумкин бўлган бўлса, мазкур кодексда бундай чеклов чиқариб ташланди. Бу ҳам очиқлик,

янги Сайлов кодексига асосий нормалар билан унғача бўлган Сайлов қонунчилиги нормалари ўртасида ўттиздан ортиқ демократик янгилик, ўзгаришлар мавжуд

ошқораликни, жамоатчилик назоратини оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, сиёсий партияларнинг тарафдорлари, уларни қўллаб-қувватловчилар сафини кенгайтиришга, кузатувчилар учун эса бир кун давомида сайлов участкасида қимирламай туриш эмас, балки алмашиб бу ваколатни амалга ошириш имконини яратади.

Жорий йилдан эътиборан, сиёсий партия ваколатли вакилнинг ҳуқуқлари ҳам кенгайтирилди. Эндиликда



ДАРВОҚЕ...

КИМЛАР ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ БЎЛА ОЛМАЙДИ?

Қонунчилик палатаси беш йил муддатга сайланадиган 150 депутатдан иборат бўлиб, номзодлар сайлов кампанияси эълон қилинган кундан қамада тўрт ой олдин Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган ва ўзининг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи қамада қирқ минг сайловчининг имзосини тўплаган сиёсий партиялар томонидан кўрсатилади. Сиёсий партия битта вилоятдан қирқ минг сайловчининг кўпи билан саккиз фоиз имзосини тўплаши мумкин. Депутатликка номзод кўрсатиш сайловга олти беш кун қолганда бошланиб, қирқ беш кун қолганда тўхтади.

Сайлов куни 25 ёшга тўлган ҳамда қамада беш йил Ўзбекистонда муқим яшаётган фуқаролар Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланиши мумкин. Сайлов кунига қада сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистонда муқим яшамаган, содир этилган оғир ва ўта оғир жинояти учун судланган шахслар, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, ИИБ, Божхона қўмитаси ходимлари ва диний ташкилотлар хизматчилари Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинмайди.

ваколатли вакил сайлов комиссиясининг мажлисларида, ҳужжатларни тоширишда, имзо varaқалари тўғри тўлдирилганини текширишда, сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Аввалги амалиётда унинг фақат сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқигина қайд этилиб, шунингдек, партия ваколатли вакилни ўз аъзолари орасидангина тайинлаши белгиланган эди.

Маҳбуслар ҳам сайловда иштирок этади

Агар аввалги қонуларда суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб

топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайди, деган мазмундаги қоида белгиланган бўлса, Сайлов кодексига уларнинг сайланиши мумкин эмаслигига оид норма қолдирилиб, «сайловда қатнашмайди» деган жумла чиқариб ташланди.

Кодекснинг 5-моддасида суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этмайди, деб белгилаб қўйилди. Бу билан ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган жиноят содир этгани учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахсларда сайловда иштирок этиш, яъни сайлаш ҳуқуқи вужудга келди. Бу эса озодликдан маҳрум этиш жойларида сайлов участкалари тузиллишини аниқлатади. Буларнинг барчаси умумий сайлов ҳуқуқи принципи янада кенгрок таъминланганидан, халқаро стандартлар талаблари имплементация қилинганидан далолат беради.

Сайлов ташвиқотлари бир кунда бошланади

Бу йилги жараёнда сайлов ташвиқоти номзодларни рўйхатга олиш учун белгиланган охири куннинг эртасидан эътиборан бошланади. Аввалги амалиётда сайлов ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланиши белгиланган эди. Бу номзодларнинг ҳар хил вақтларда, қимдир аввалроқ, қимдир кейинроқ ташвиқот бошлашига олиб келарди.

Авваллари фуқароларнинг овоз бериш тартиби чегаралаб қўйилган, яъни сайловчи ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга фақат битта белги — «крестик» белгисини қўярди. Бу йилги сайловлар жараёнида фуқароларнинг овоз бериш имкониятлари янада кенгайтирилиб, сайловчи ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга учта

белгидан: яъни «+» ёки «v» ёхуд «x» белгисидан бирини қўйиш имкониятига эга бўлди.

Бюллетенлар Брайль алифбоси асосида ҳам тайёрланади

Имконияти чекланган шахсларнинг сайловга оид конституциявий ҳуқуқларини кафолатлаш мақсадида сайлов бюллетенлари Брайль алифбоси асосида тайёрланиши мумкинлиги, жисмоний имконияти чекланган шахслар учун зарур шарт-шароитлар яратиш маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг зиммасига юқлатилиши, овоз бериш хоналари ёруғ ва кенг бўлиши, алоҳида кириш ва чиқиш жойи бўлиши, шунингдек, уларда жисмоний имконияти чекланган шахслар учун нишаб йўлқалар назарда тутилган бўлиши лозимлиги қайд этилди.

Жорий йил овоз бериш сайлов куни соат 8:00 дан 20:00 гача ўтказилиши белгилаб қўйилди. Авваллари бу жараён соат 6:00 дан бошланарди. Бу эса сайлов комиссияси аъзоларига ҳам бир қатор нуқулликлар келтириб чиқарарди. Сайлов декабрда бўлишини ҳисобга оладиган бўлса, бу вақтда хали кун чиқмаган, қоронғи вақт бўларди.

Эндиликда сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати шакллантирилади. Тизим «бир сайловчи — бир овоз» тамойилини таъминлаш, бир сайловчининг бир неча рўйхатга киритилишига йўл қўймаслик, сайлов округлари ва участкалари бўйича сайловчилар нормаларини белгилаш учун қулай имконият яратади.

Умуман, янги Сайлов кодексига асосий нормалар билан унғача бўлган сайлов қонунчилиги нормалари ўртасида ўттиздан ортиқ демократик янгилик, ўзгаришлар мавжуд. Сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида улар, албатта, сиёсий-ҳуқуқий ҳаётимизга татбиқ этилади.

Қисқаси, жорий йилнинг 22 декабрида мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловлар миллий мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистонни дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига қўйишда яна бир муҳим амалий қадам бўлади. Бутун халқимиз, сайловчиларимиз, айнакча, ёшларимизнинг орзу-интилишларини ифода этишлари учун янги имкониятлар эшигини очди.

Худоёр МАМАТОВ,
Марказий сайлов комиссияси
котибияти раҳбари,
юридик фанлар доктори,
профессор.

Россиялик блогер Ўзбекистонда йиғиладиган биринчи электрокарни синовдан ўтказди.

ХАЛҚЛАРНИ ҲЕЧ БИР ВОСИТА ТИЛЧАЛИК БИРЛАШТИРА ОЛМАЙДИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИГА АЪЗО БЎЛИШИ УШБУ
МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ЎЗАРО ИШОНЧ, ДЎСТЛИК ВА МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Шу кунларда давлатимиз яна бир халқаро ташкилотга аъзо бўлиб кирди. Президентимизнинг жорий йил 14 сентябрда «Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битимини ратификация қилиш тўғрисида»ги қонунни имзолаши давлатимизнинг ташқи сиёсатида нафақат очқиклик, балки кўп томонлама ҳамкорлик тамойиллари устувор аҳамият касб этаётганининг яна бир ёрқин далили бўлди.



Узоқ йиллар мобайнида ташқи сиёсатида ранг-баранглик кузатилмаган Ўзбекистоннинг минтақадаги интеграция жараёнларида фаол иштироки ортиб бораётгани, қўшнилар билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлаши, ўзаро ишончли ҳамкорликка интилиши нафақат миллий тараққиётимиз учун, балки қардош халқлар манфаатларига ҳам мос келиши аини ҳақиқат. Аммо бугунги мавзумиз бу ҳақда эмас, балки Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзоликнинг ўзбек тили ва адабиёти учун қандай аҳамият касб этиши, миллий кадрлар, урф-одатлари, тили ва дини муштарак халқларнинг маънавий оламида бундай ҳамкорликнинг афзалликлари нима-ларда акс этиши ҳақидадир.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, аини пайда Туркия Жумҳуриятининг Нийда Омер Ҳолисемир университетида турк талабаларига ўзбек тилидан дас бераётган иктидорли ўзбек олимаси Муҳаббат Қурбонова билан суҳбатимиз ушбу Кенгашнинг номланишидан бошланди. Нега айнан Туркий тилли давлатлар? Ушбу ном остидаги давлатларнинг бирлашуви нимадан далолат беради? Қолаверса, мазкур Битим тилимиз ва адабиётимиз тараққиётида қандай аҳамият касб этади?

Бизни анчадан буён кутишадиган эди

— Расмий Тошкентнинг ушбу тарихий қарори — мамлакатимизни дунёдаги туркий тилли олимаси давлат орасида кўриш, ўйлашимча, халқимизни ҳам, қардошларимизни ҳам бирдек мамнун этди, — дейди профессор Муҳаббат ҚУРБОНОВА. — Қолаверса, бу хушхабар биз

каби турколог олимлар учун икки қарра секинчи бўлди. Негаки, мен узоқ йиллардан бери Туркияда, туркий тилли республикаларда ўтказиладиган халқаро симпозиумларда иштирок этиб келяман. Мазкур Кенгашнинг фаолиятини диққат билан кузатиб бораман. Шунини ишонч билан айта оламани, Туркий Кенгашда Ўзбекистонни анчадан буён кутишадиган эди. Шахсан мен учун, Ўзбекистонсиз ушбу ташкилотнинг нимасидир камдек эди. Зотан, юртимиз Марказий Осиёдаги энг йирик давлат сифатида минтақада ўз ўрнига, нуфузига эга бўлиб, ташкилотга аъзолик Ўзбекистон учун ҳам, минтақа учун ҳам бирдек куч беради, манфаат келтиради.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети билан Туркиянинг Нийда Омер Ҳолисемир университетида турк талабаларига ўзбек тилидан дас бераётган иктидорли ўзбек олимаси Муҳаббат Қурбонова билан суҳбатимиз ушбу Кенгашнинг номланишидан бошланди. Нега айнан Туркий тилли давлатлар? Ушбу ном остидаги давлатларнинг бирлашуви нимадан далолат беради? Қолаверса, мазкур Битим тилимиз ва адабиётимиз тараққиётида қандай аҳамият касб этади?

демир университети ўртасида тузилган шартнома асосида «Замонавий туркий тиллари ва адабиётлари» бўлимида турк талабаларига ўзбек тили ва адабиётидан дас бераман. Кузатишларим асосида эътироф этаманки, Туркияда бизнинг давлатимизга, халқимизга, тилимизга, адабиётимизга, урф-одатларимизга қизиқиш ва ҳурмат катта. Кейинги йилларда нафақат Туркияда, балки Қозғистон, Озарбайжон Республикаларида ўтказилган халқаро конференцияларда иштирок этиб келяман. Қувонарлиси шуки, қасрга бормайлик, Ўзбекистондан эканимизни эшитиб, ҳамкасбларимиз Ватанимизга келиш, юртимизни кўриш ҳамда илмий ҳамкорликни йўлга қўйиш истагини билдиришди. Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига кириши худди мана шу йўна-

Юртимиз Марказий Осиёдаги энг йирик давлат сифатида минтақада ўз ўрнига, нуфузига эга бўлиб, ташкилотга аъзолик Ўзбекистон учун ҳам, минтақа учун ҳам бирдек куч беради, манфаат келтиради.

йўқ. Устозларимиз академик Иристой Қўчқортоев, профессорлар Беғали Қосимов, Ҳамидулла Неъматов, Низомиддин Махмудов, Ҳамидулла Болтабоев, Насимхон Раҳмонов каби ўнлаб олимларнинг илмий ва педагогик фаолиятлари туркий тиллар ва туркийшунослик билан ҳамбарчас боғлиқ.

Бир ёқимли жиҳат бор: шахсан ўзим халқаро симпозиумларда илмий маърузаларимни, асосан, ўзбек тилида ўқийман. Шунини мамнуният билан айта оламани, биз, туркологлар илмий фаолиятимизда бир-биримизни таржимонсиз бемалол тушунамиз. Шундай пайтларда тилларимизнинг нақадар ўхшаш эканини англаймиз. Менимча, дунёда ҳеч бир восита инсонларни тил каби бирлаштира олмас керак. Чунки мулоқот тилдан бошланади. Шунинг учун Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши халқаро тузилмасининг аҳамияти жуда юксак. Эътибор беринг, ташкилотнинг номида ҳам Туркий давлатлар эмас, айнан Туркий тилли давлатлар дейилган. Бунинг заминида жуда катта маъно бор.

Туркий халқларнинг бирлашиши кўпчиликлка ёкмаган

Чор Россияни ҳамда Собик шўролар иттифоқи туркий халқларни ажратишга, бу худудни жуғрофий жиҳатдан кичик-кичик давлатларга парчалашга, керак бўлса, халқ орасида ўзаро келишмовчилик келтириб чиқаришга уринишган. Ҳатто мустақиллик йилларида қардош халқлар билан яқинлашишимизни истамади, турли важлар билан орамизга нифок солишга уринишди. Шунга қарамай, республикамиздаги илғор фикрли қатлам муштарак тарихимиз ва қадриятларимизга содиқ қолди.

Мустақилликдан сўнг чор-рак асрдан зиёд вақт ўтса-да, хали-ҳануз алоқаларимизнинг кенг ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммолар оз эмасди. Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ушбу ташаббуси эса бу борадаги ишларимизни янги босқичга қўтарди. Эндилликда ўзбек тили ва адабиётимизни ривожлантириш, дунёга тарғиб этишдек эзгу амалларимиз ҳам юксалади.

Юлдуз ҲОЖИЕВА
суҳбатлашди.

ДАРВОҚЕ...

МУМТОЗ ТУРКИЙ ТИЛЛАРДА ФАРҚ КАМАЙИБ БОРАДИ

Туркий тиллар ва ўзбек тилининг мазкур оиладаги ўрни ҳақида узоқ гапириш мумкин. Бизнинг тилимиз қарлук, ўғуз, қипчоқ каби 3 та диалект асосида шаклланиган учун товуш тизими, луғат таркиби, грамматик қурилиши жиҳатидан барча туркий тиллар билан жуда яқин. Биз, ўзбеклар бошқа туркий тилларни тушунишда у қадар қийинчилик сезмаймиз. Яъни қардошлар билан мулоқот қилаётганимизда айрим нозик нуқталарга — ўзига хосликларга эътибор берсак етарли. Масалан, қозок, татар тилларида талаффузда ўзига хослик бўлса, турк ва озарбайжон тилларида қўшимчалардаги фарқлиқларга аҳамият беришимиз керак. Бу фикрлар ҳозирги туркий тилларга тегишли.

Мумтоз туркий тиллар ҳақида гап кетганда эса, бу фарқ камайиб боради ва бир-биримизнинг адабий манбаларимизни бемалол тушунишимиз мумкин. Зеро, Ўрхун-Энасой битиктошлари каби айрим ёзма манбаларимиз туркий халқларнинг умумий ёдгорлигидир.

Зиёиларимиз туркийларни ягона халқ деб билишган

Биз ҳар доим туркий халқлар билан қардошларча муносабатда бўлиб келганмиз. Чунки ота-боболаримиз қозок, турк, қирғиз, уйғур, татар, озарбайжон, туркман каби қардош халқлар билан оғани бўлишган, бир майизни қирқ бўлиб ейишган, яхши-ёмон кунларда елкадош бўлганлар. Ўртада миллатчилик кайфияти бўлмаган, аксинча, нафақат тарихимиз, балки бутунимиз ва келажагимиз ҳам муштарак экани боис бир-бирини қўллашган, суяшган. Рауф Парфи, Эркин Воҳидов, Шавкат Раҳмон каби виждони уйғок шоирларимиз туркийларни ҳар доим ягона халқ сифатида тасаввур қилганлар. Мумтоз адабиётимиз намуналари аини пайтда ҳам барча қардошлар учун бирдек завқли, бирдек илҳомбахшдир: Фузулийдан икки мисра ёд билмаган ўзбек, Навоийдан газал ўқимаган озар



МАЪНАВИЯТ ЎЗARO МУНОСАБАТЛАРДА АКС ЭТАДИГАН ЖАРАЁН

Маънавият — инсонни ҳақиқий шахс даражасига кўтарадиган маёқ. У қалбимиз, онгимиз ҳамда ҳаётимизга нур ва ёрۇғлик олиб киради. Қисқагина умримизга мазмун бағишлайди. Шу боис ҳам бу тушунча ҳамма даврларда ўз долзарблигини сақлаб келган. Бугун ҳам юрт истиқболи, миллатнинг жаҳон халқлари орасидаги маъқенини белгилашда маънавий юксалиш босқичига кўтарилиш вақти келди. Сўхбатдошимиз Республика маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари, педагогика фанлари доктори, профессор Мухаммадҷон Қуронови ани шу масалалар хусусидаги фикрлари билан кизикдик.

— Маънавият ҳақида гап кўпайса, тортишувлар бўлса, бу ёмон ҳодиса эмас, аксинча, яхшиликдан. Демак, замон олдимизга қўяётган талабларга монанд ҳаракат қилишимиз зарур. Уни тушунишга, тушуниришга ва ҳал қилишга ақлимиз ва тафаккуримизни чархлашимиз керак. Ана шундай муаммага ечим кидириш, олдимизда турган тўсиқдан ўтиш заруратидан келиб чиқади. Бунинг учун эса билим, малака ва кўникма керак. Кейинги вақтларда ижтимоий тармоқларда маънавият бора-сидиға баҳс-мунозаралар кўпайишини ҳам шу каби жиҳатлар билан боғлаш мумкин.

Маънавият одамга ишонч беради. Бу туйғу эса соати-мизни давр соати билан тўғрилайди. Замон талабларининг

Айниқса, ижтимоий тармоқларда каттиқ гаплар билан бири-бирини ранжитаётганига ҳам гувоҳимиз. Баъзилар телефон ва интернет бўлмаганда, бундай салбий ҳолатлар бўлмас эди, дейишади. Мен бу фикрга қўшилмайман. Интернетни ҳам, телефонни ҳам бошқарадиган ўзимиз-ку. Бу воситалар фақатгина маънавиятимизни кўрсатиб беришти, холос. Таассуфки, жамият маънавиятига бозор иктисодиёти шароити, четдан кириб келаётган жиловланмаган эркинлик, бошқаларни хайратга солиш, беҳаё хатти-ҳаракатлар ўз таъсирини кўрсатмай қолмапти. Бу маънавий ҳасаликлар биз намоиш этаётган фильм ва сериаллардан юкмоқда. Унинг белгиларини ака-ука ва опа-сингиллар ўртасидаги бемехрлик, ўзаро муомала маданиятининг йўқолиб бораётгани, ҳасад ва гийбатнинг уришишда кўриш мумкин. Бу касаллик бошқалардан кўра, ўша одамнинг ўзини ич-эттини кемиришига сабаб бўлади. Демак, жамиятимизни шу каби маънавий касалликлардан химоя қилишимиз

ДАРВОҚЕ...

Бир кунда битта одамнинг миясидан 70 мингга яқин ўй ўтади. Шунинг 10-20 таси ҳаракатимизга айланиши мумкин. Бунинг эса маънавиятимиз ҳал қилади.

қўламини, салмоғини ҳамда залворини ўлчаб, одамни унга созлайди. Бу тушунчалар ўтирган одамни турғизади, турган одамни юргизади, юрган одамни югуртиради. Инсон ўз маънавий иктидори билан олдида турган максадни англаса, уни амалга оширишга куч топса, тўсиқларни ҳам енгиб ўтиши анча осон кечади.

— Аслида инсоннинг маънавияти қандай ҳолатларда кўринади? Бунинг ўлчам ва меъёрлари мавжудми?

— Одамлар бир-бирига қандай муносабатда бўлишининг ўзбек унинг маънавиятини белгиллаб беради. Афсус, ҳозирги кунда, айрим кишилар жуда асабий бўлиб қолишган.

керак. Бунинг учун эса кўпроқ маънавий муаммоларни таҳлил қилиш зарурати туғилмоқда. Зеро, фикр-мулоҳазаларимизни тинглаб, одамлар ижобий томонга ўзгарсин, хатоларини тузатишга ҳаракат қилсин.

— Миллий маънавиятимизга таҳдид солаётган иллатлар ҳақида сўз борар экан, тўйин ихчамлаштириш, ортқича сифроғарчиликка йўл қўймаслик масаласига ҳам тўхталмай иложимиз йўқ.

— Бугун ижтимоий тармоқларда тарқатилётган тўй-ҳашамлардаги дабдаба, ўзининг бойлигини кўз-кўз қилиш ҳолатлари манманлик ва кибрдан бўлак ҳеч нарса эмас. Афсуски, айрим маънавияти сўст

кишилар бунга тақлид қилишга уриняпти. Натижада оиладан хайр-баракка кўтарилиб, ғурбат ва ташвиш кўпаймоқда. Маънавияти кучли инсон эса шундай вазиятда ортқича сарф-харажатлардан қочиб, фарзандининг илму маърифатли бўлишига кўпроқ эътибор қаратади. Уларга бу иллат юкмайди, мафкурaviй имунитет бунга йўл қўймайди.

— Юқорида санаб ўтилган хатолардан ташқари, оилавий муносабатлардаги келишмовчиликлар, айниқса, ажралиш ҳолатларининг кўпчилиги ҳам кишини жиддий мулоҳазага чорлайди, шундай эмасми?

— Чиндан ҳам, ажримлар бугун ҳаммамизни ўйлантираётган муаммо. Унга ечим топишда маҳалла фаоллари томонидан анча ишлар амалга ошириляпти. Лекин унинг илдиизи тағ-томири билан кесилмас экан, худди ажрикнинг бошини юлгандек қайта-қайта чиқиб келаверади.

Яқинда маҳаллаларда фаол бўлган 400 нафар хотин-қизлар билан ўқув машғулотли бўлиб ўтди. Ўртага ажралишларнинг асосий сабаблари нимада, деган савол ташладим. Улар бир овоздан моддий кийинчиликлар, характерларнинг бири-бирига мос тушмаётганини таъкидлашди. Турмушининг

— Бу каби йўқотишларимиз талай. Хўш, мустақилликка эришгач, уларни тиклаш борасида қандай ишлар олиб борилди?

— Афсус билан айтиш керакки, маънавият ўзгариб турадиган ҳодиса, у дақиқа сайин янгиланиб боради. Эрталаб эшитган янгилгимиз, гувоҳ бўлган воқеа-ҳодисаларимиз кун давомида қиладиган хатти-ҳаракатларимизга, албатта, таъсир кўрсатади. Миямиздаги нейронлар янги фикрларни ўрганади ва амалга татбиқ этишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир эшитган гапимиз, ўқиган ахборотимизни

«Хитойликларда шундай гап бор, кўнглингиздан ўтаётган ўйларга эътиборли бўлинг, бу ўй эртага сизнинг ҳаракатингизга айланиши мумкин.»

«кўриб», «қидлаб», «тишлаб» кейин қабул қилишимиз керак. Ахир, овқатланаётганда, қошиққа тушган нарсани синчиклаб кузатгандан кейингина истемол қиламиз-ку.

Бугунги маънавий майдонимизни чинорлар ўсган ҳовлига ўхшатаман. Кечкурун тозалаб қўйсангиз, эрталаб яна ҳазон тушган бўлади. Демак, уни доим супуриб туриш керак экан. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз «Маънавият соҳаси

улашинг» номи Challenge давом этапти. Минглаб одамлар ўзининг шу ҳақдаги фикр-мулоҳазалари ва кечинмаларини бошқалар билан бўлишяпти. Бир ой учун ташкил этилган тадбир катта ҳаракатга айланиб кетди.

— Шиддатли ва тезкор замонда миллий маънавиятни сақлаб қолишда янгича ёндашув ва усулларга ўз-ўзидан эҳтиёж туғилмоқда. Шу борада қандайдир янгиланган келинганми?

— Ўтган йилги жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида ташкил этилган ишчи гуруҳ билан Бухоро вилоятига бордик. Олдимизга жиноят нимадан келиб чиқяпти, унинг илдиизи қаерга бориб такалади, деган савол қўйдик. Натижада бунинг барчасига меҳрсилик сабаб экан, деган ҳулосага келдик. Ота-оналар ва уларнинг фарзандларига меҳри-

бонлик қилишни биласизми, кўрсатинг, десак хайрон бўлиб қолишди. Биз меҳрибонлик қилишни унута бошлаган эканмиз. Болаларимиз билан фақат савол-жавоб тарзида гаплашишга ўрганиб қолибмиз. Атрофимиздагиларга меҳр кўрсатайлик, шунда жиноятга кўтарилган қўллар пастга тушади, силаб-сўйлашга, ёрдамга тутинади.

— Бугун олдимизга «Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари» гоясини асосий мақсад қилиб, янги гайрат ва иштиёқ билан ҳаракат бошладик. Бунинг учун эса кучли билим талаб этилиши аён ҳақиқат. Унга элтувчи йўл эса китоб мутолааси.

— Аслида билим билан маънавият анор билан унинг ичидаги доналарига ўхшайди. Ҳақиқатан ҳам, маънавиятни юксалтиришда китоб ўқиб жуда муҳим аҳамият касб этади. Биз ўз китоблари билан оламга машҳур бўлган миллатимиз. Шундай экан, аждоқларимиз бошлаб берган йўлдан оғишмай ҳаракат қилиш зиммасидаги энг олий маъсулиятдир.

Мана, 2019 йилдан 2030 йилга қадар «Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари» гоявий аркони тортилди. Шу Ватанда яшаётган ҳар бир инсон уни маҳкам ушласак, чалғимасак, албатта, юртимизни дунёнинг энг ривожланган давлатлари сафига қўша оламиз.

— Самимий сўхбатингиз учун ташаккур!

«Mahalla» мухбири
Шахноза
РАХИМЎЖАЕВА
сўхбатлашди.

«Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари» гояси 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган. Ундан кўзланган асосий мақсад эса мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини ҳар томонлама юқори босқичга кўтаришдир.

бошида моддий кийналмаган оила йўқлиги, кадимгиларнинг тўйдан кейингина бир-бирини танишгани ҳақидаги мулоҳазалардан кейин ҳамма жим бўлиб қолди.

Шунда мен бундан 100 йиллар аввал ўзбек оилаларида ажралишар жуда кўп бўлганини айтдим. Ўтирганларнинг норози нигоҳларини сездим. Бу ажримларнинг сабаби фақатгина ўлим бўлганини эшитгач, кўпчилик бир калқиб тушди. Қаранг, бизнинг энг катта йўқотишимиз ҳам аждоқларимизнинг оила борасидаги қадриятларига дарз кетказаетганимиздир.

бошқа соҳалардан ўн кадам олдинда юриши керак. Ана шунда барча соҳалардаги ислохотларимиз зўр муваффақият билан амалга ошади», деб кўп таъкидлайди. Бу халқ бораётган йўлни тош, хас-хашаклардан тозалаб туриш дегани. Токи одамлар йиқилмасин, қолмасин. Бораётган йўлни тўғрилигига астойдил ишонсин. Бу хизматни бизга маънавият қилиб беради ва қиялти.

Республика Маънавият ва маърифат маркази шу ҳазонларни ҳар кун тозалаб турибди. Ҳозирги кунда ўнлаб телеграм каналлари ишлапти. Бухоро вилоятида «Меҳр

Бухоро туманидаги «Работак» маҳалла фуқаролар йиғини биноси ёнидан ўтган киши агар бино пештоқида битилган ёзувга кўзи тушмаса, маҳалла идораси эkanлигига ишонмайди. Тўғри-да, яқин-яқингача топилса собиқ жамоа хўжалиги, сельсовет (қишлоқ шўроси) идорасида, топилмаса бирор мактабми, боғча биносидан ажратилган торроқ хоналарда макон топган маҳалла учун ана шундай муҳташам идора қуриб берилишини ким ҳам ўйлабди дейсиз?!

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди, туман ҳокимлиги, қолаверса, маҳалла аҳли томонидан бунёд этилган бу масканда нафақат раис, масъул котиб, хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис, профилактика инспектори, балки жамоатчилик асосида фаолият юритаётган раис ўринбосарлари учун ҳам алоҳида ишхоналари мавжуд. Қолаверса, асосий фаолият бўйича комиссиялар кенгашидан йиғингоҳ, беш минг нусхадаги адабиётлар билан таъминланган кутубхона ҳам маҳалладошлар хизматига. Барча хоналар замонавий мебель тўпламлари ва кўргазмали воситалар билан жиҳозланган.



Шароит яхши бўлса, фаолият самарали бўлади

— Биласиз, фуқаролар йиғини идорасига турфа юмуш билан турили кайфиятдаги кишилар ташириф буюради, — дейди «Работак» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рашид Хидиров. — Эндилкида идорамиз ишамлиги, ундаги яратилган шароит бу ерга келувчиларда ҳам яхши кайфият баҳси этиб, аҳолининг жамият бошқарувидаги миллий институт — фуқаролар йиғинига нисбатан ишончини бирмунча оширади. Бино фойсидида ҳам навбатда турган фуқаролар учун муносиб дам олиш шароитлари яратилган. Қолаверса, бу ерда ўрнатилган маҳалла фаолиятига оид низомилар кўчирмаси ва бошқа кўргазмали воситалар орқали фуқаролар ўз мурожаатлари юзасидан тегишли мутахассисга учрамай туриб ҳам керакли ахборот маълумотига эга бўлишади.

Яна бир гап. Илгари жамоатчилик асосида фаолият юритаётган раис ўринбосарлари, комиссия раисларини идорага жалб этолмай ҳалак эдик. Энди алоҳида иш кабинетига эга бўлишгандан сўнг мунтазам равишда идорага келиб, низомий вазифаларини

Бухоро вилоятида 2017-2018 йиллар давомида 18 та маҳалла фуқаролар йиғини биноси янгидан қурилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида яна етти та бино фойдаланишга торширилди. Айни пайтда яна 24 та бинода қурилиш ишлари якуний босқичга етказилиб, ноябрь ойига қадар маҳалланинг тўлиқ кўчиб киришига шай ҳолатга келтирилди. Шунингдек, яна 53 та идорада капитал таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилди.

— 2017 йилда маҳалла идоралари тўлиқ хатловдан ўтказилганда жами 161 та маҳалла идорасини янгидан қуриш, 186 та идорани эса таъмирлаш ва реконструкция қилишга эҳтиёж мавжудлиги аниқланган эди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Бухоро вилояти бўлими бош мутахассиси Фаррух Бафоев. — Албатта, ушбу катта миқдордаги маҳалла идораларини фақатгина маҳаллий бюджет ёки фонд маблағлари ҳисобидан қуриб битказиш қийин. Ана шу жараёнда ҳар бир ҳудуднинг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ушбу хайрли ишга ҳомийлар кўмагини

лойиҳа асосида барпо этилган битта 4 хонали квартира ҳажмидаги жойи маҳалла идорасига топширилган эди. Мазкур хайрли ташаббус кейинчалик қўлоч ёзиб, «Кўксарой» ва «Богидашт» маҳаллалари идораси учун ҳам янги қурилган кўп қаватли уйларнинг 1-қаватидан жойи ажратилди.

Ўзига хос «Бухоро тажрибаси» дея ном олган ушбу ташаббус доирасида босқичма-босқич тарзда яна саккизта маҳалла фуқаролар йиғини янги бинолар билан таъминланади.

Президентимизнинг жорий йил 2 апрелдаги «Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари

маҳалла фаоллари ўзлари учун етарли шароитларни ҳозирлашган. Бошқа маҳалла фаоллари ҳам шу ишни удалашни мумкин. Бунинг учун эса озгина ташаббускорлик, ташкилотчилик, жонқурлик керак, ҳолос.

Муаммонинг кичиги бўлмайди

Замонавий илм-фан технологиялари ривожланган бугунги жамиятимизда компьютерсиз иш юритишни тасаввур ҳам этиб бўлмайди. Аммо ўтган йиллар давомида вилоятдаги аксарият маҳалла фуқаролар йиғинлари уч-тўртта ҳодим штат бирлигига эга бўлишса-да, атиги битта компьютер билан чегараланишган эди. Вилоят ҳокими — ҳудудий кенгаш раиси ташаббуси билан маҳаллий бюджетнинг орттирилган даромадлари қисми маблағлари ҳисобидан 408 та компьютер ва 217 та принтер воситалари олиб берилди ҳамда барча маҳалла ҳодимлари персонал компьютерига эга бўлди. Қолаверса, фуқаролар йиғинларининг ўзаро ва туман кенгаши билан ахборот алмашинувида замонавий воситаларни татбиқ этиш мақсадида барча маҳаллалар интернет тармоғига улашиб, ягона локал тармоққа бириктирилди.

Аммо юқоридаги сингари ташаббуслар баробарида соҳа моддий-техник таъминоти борасида баъзи жузъий камчиликлар ҳам кўзга ташланмоқда. Хусусан, айни пайтда ҳудуддаги 23 та фуқаролар йиғини мебеллари эскириб, янгисига алмаштиришга муҳтож.

Қолаверса, кундалик фаолият учун канцелярия моллари, фойдаланилган электр, табиий газ ва бошқа коммунал тўловлар масаласи тўлиғича ечим топмаган. Ҳар ойда 200-250 минг сўмга яқин харажатларни талаб этувчи бу воситалар ҳам кўпгина ҳолатларда шундоқ ҳам бошқа соҳа вакиллари нисбатан кам маош олувчи маҳалла фаоллари чўнтагидан сарфланмоқда.

Эҳтимол бинолар масаласининг босқичма-босқич ечим топиши, компьютер масаласидаги буткул таъминот маҳалла моддий-техника базасидаги бошқа муаммоларга кўз юмнишга ундар. Аммо гап бугун ўттиздан зиёд ваколатни ўз зиммасига олган маҳалла тизими фаолияти самарадорлиги ҳақида борар экан, муаммонинг катта-кичиги бўлмайди.

Акбар РУСТАМОВ
«Mahalla»

«Бугун Бухоро вилоятидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари барча ходимлари тўлиқлигича компьютер билан таъминланган.»



бажаришмоқда. Ўзларига бириктирилган йиғма жилдларни юритишмоқда. Демокчимизки, қулай шароит кишига янада самарали ишлаш учун қўшимча иштиёқ ҳам берар экан...

Излаган имкон топади...

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2017 йил 3 февралдаги «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида

ҳам жалб этилган.


Хабарингиз бор, бугун Бухоро шаҳрида кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари олиб боришмоқда. Илгарики икки қаватли кўп хонадонли уйлар ўрнига етти қаватли муҳташам иморатлар қад ростламоқда. Мазкур жараён аввалида шаҳардаги Шайхўл Олам ҳамда Мутал Бурҳонов номли маҳалла фуқаролар йиғинларида қурилган кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватида вилоят Маҳаллалар кенгаши билан келишилган

тўғрисида»ги фармонида фуқаролар йиғинлари томонидан фойдаланиб келинаётган давлат мулки бўлган биноларни бириктирилган ер майдонлари билан биргаликда хатловдан ўтказиб, уларнинг белгиланган тартибда фуқаролар йиғинларига мулк ҳуқуқи билан берилишини таъминлаш борасидаги банд келтирилгани ҳам фуқаролар йиғинларини бино билан таъминлашда улкан қадам бўлди. Мазкур фармон ижроси ўлароқ, бугун вилоятда давлат идоралари балансида фаолият юритаётган 146 та бинонинг 128 таси кадастр расмийлаштируви орқали фуқаролар йиғинига тақдим этилди.


Юқорида келтирилган рақамлар нақадар залворли кўринмасин, баъзи маҳаллаларда бино билан таъминлаш борасида камчиликлар ҳам учраб турибди. Хусусан, вилоятда 18 та маҳалла идораси таъмирталаб, 22 та фуқаролар йиғини эса икки хонада фаолият юритмоқда. Уларнинг барчасини 2021 йилга қадар тегишли тарзда бино билан таъминлаш борасида дастурлар ишлаб чиқилган.

Аммо шунинг унутмаслик керакки, маҳалла идораси, аввало, ўша ҳудудда яшовчи аҳоли, раҳбарларнинг юзи ҳамдир. Шу боис мазкур масалада дастурда келтирилган муддатларда қимдир, нимадир қилишнинг кутини ярамайди. Юқорида кўрдик, излаган, интилган

«ПРОПИСКА»СИЗ ҲАМ МАҲАЛЛАДАН МОДДИЙ ЁРДАМ ОЛИШ МУМКИНМИ?



Газетамизнинг 41-сонида «Мурожаатлар — эътиборда» рукни орқали маҳаллалар томонидан болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам ажратиш бўйича аҳоли ўртасида вужудга келаётган қатор тушунмовчиликларга мутахассис жавобларини эълон қилган эдик. Ўтган вақт мобайнида муштарийларимиз мавзуга оид яна бир неча саволлар билан мурожаат қилишди. Бу галги мурожаатларга Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши мутахассиси Нурбек Жуманов жавоб берди.



Маҳалладан моддий ёрдам олиш учун кимга мурожаат қилиш керак?

— Қашқадарё вилоятининг Яккабоб туманида доимий рўйхатда тураман. Аммо оилавий шароитим туфайли ҳозирда Тошкент шаҳрида яшайман. Эшитишимча, доимий «прописка»сиз ҳам маҳалладан кам таъминланган оилаларга белгиланган моддий ёрдамни олиш имкони бор экан. Бунинг учун кимга ва қай тартибда мурожаат қилишим керак?

Гулсанам МАМАТОВА.
Тошкент шаҳри Юнусобод тумани.

— Дарҳақиқат, илгари маҳалладан моддий ёрдам ва нафақалар фақат фуқароларнинг доимий яшаш жойи бўйича тайинланган. Аммо 2019 йил 15 июлда Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилган ўзгаришларга кўра, маҳалладан нафақа ёки моддий ёрдам ариза берувчининг доимий ёки асосан, яшаб турган жойи бўйича оила бошлиғи ёки бошқа муомалага лаёқатли оила аъзосининг ёзма аризаси асосида, бола парвариши бўйича нафақа эса — боланинг онаси ёки унинг ўрини босувчи шахснинг аризаси асосида тайинланиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Бу ўринда доимий яшаш жойи деганда фуқаронинг доимий рўйхатдан ўтган жойи тушунилади. Сиз, асосан, яшаб турган жойингиз доимий рўйхатдан ўтган жойдан бошқа эканини тасдиқлаган ҳолда моддий ёрдам олиш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ариза билан мурожаат қилишингиз мумкин. Бундай ариза ҳам умумий тартибда тузилади. Яъни белгиланган шакл бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси номига берилади. Фақат қўшимча равишда доимий яшаш жойи бўйича нафақалар ёки моддий ёрдам тайинланмаганлиги ва тўланмаганлиги тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган маълумотномани илова қилишингиз керак.

Шунингдек, аризага оиланинг таркиби ва даромадлари тўғрисидаги маълумотлар ҳамда ушбу даромадларни тасдиқловчи ҳужжатлар, болали оилаларга нафақа ёки бола парвариши бўйича нафақа олиш учун эса болаларнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалари нусхалари, болалар васийликка олинган бўлса — васийлик ва ҳомийлик органининг қароридан кўчирма илова қилинади. Фуқаронинг хоҳишига кўра, оиланинг эҳтиёжмандлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар ҳам тақдим этилиши мумкин. Ариза маҳалла котиби томонидан махсус китобга кайд этилади. Оиланинг даромадлари миқдори ва таркибини тасдиқлайдиган зарур маълумотномалар берилган кун ариза рўйхатдан ўтказилган кун деб ҳисобланади.

Аризам жавобсиз қолди

— Маҳаллага бола парвариши бўйича нафақа олиш учун ариза берганимга икки ойдан ошди. Аммо ҳалигача бирор асосли, расмий жавоб ололмаяман. Раисимиз оғзаки равишда нафақа олти ойдан сўнг ажратилишини айтди. Шу тўғрими?

Нодир ХОЛМУҲАММЕДОВ.
Фарғона вилояти Данғара тумани.

— Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга кўра юқоридаги каби тўловлар белгиланган тартибда муҳтож деб топилган ариза берувчининг маҳаллага мурожаат қилган ойнинг кейинги ойдан бошлаб тўланиши керак. Бунда ариза оила ушбу нафақа ёки моддий ёрдамни олиш истаги бўлган ойдан олдинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмай берилади. Яъни сиз июнь ойининг 15



санасигача ариза берсангиз, июлдан нафақа олиш ҳуқуқига эга бўласиз. Агар фуқаролар йиғини томонидан сайланган тегишли комиссия аризангизни асоссиз деб топса, 10 кун ичида бу ҳақда сизни расмий хат билан огоҳлантириши керак.

Яна нафақа олмоқчиман

— Фарзандим бир ёшга уч ойлик бўлди. Ўтган йили менга бола парвариши бўйича нафақа тайинланган эди. Раисимиз октябрдан нафақа тўлаш муддати якунига етиши ва мен бошқа «бола пули» олмаслигини айтди. Тўлов давом этиши учун нима қилишим керак?

Малика ШОЕВА.
Навоий вилояти Хатирчи тумани.

— Қондага кўра, бола парвариши бўйича нафақа олиб келаётган шахс тўловни давом эттириши учун аввалги ўн икки ойлик муддати тугайдан бир ой олдин фуқаролар йиғинига такроран мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Бу каби такрорий мурожаатларни кўриб чиқиш умумий белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тегишли комиссия мурожаатчининг нафақа тўлаш муддати якунига етганидан сўнг ҳам унга муҳтожлигингиз бор деб топса, тўлов давом эттирилади. Аммо бу ўринда болали оилаларга нафақа ва моддий ёрдам 6 ой муддатга, бола парвариши бўйича нафақа эса — 12 ойга тайинланиши, бироқ бола икки ёшга тўлган ойдан кейинги ойга ўтмаслигини инобатга олиш лозим. Шу боис ҳар қандай ҳолда ҳам сизга қайтадан ўн икки ой муддатга бола парвариши нафақаси тайинланмайди. Нафақа тўккüz ой — фарзандингиз икки ёшга тўлгунинга қадар тўланади.



Бир маҳаллада иккита махсус комиссия ишлаши мумкинми?

— Маҳалламизда фуқароларнинг эҳтиёжмандлиги даражасини аниқлаш, нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш бўйича бир эмас, иккита махсус комиссия ишлайди. Шу тўғрими? Аслида бундай комиссиялар қай тартибда ишлаши керак? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Зарнигор МАҲМУДОВА.

Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани.

— Дарҳақиқат, ҳудудда 300 тадан кўп оила яшайдиган маҳаллаларда бир неча махсус комиссиялар ташкил этилиши мумкин. Бу ўринда махсус комиссияни хал қилувчи қарорни қабул қиладиган ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича асосий комиссия билан адаштирмаслик керак. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия камида 15 кишидан иборат бўлиб, ҳудудда истикомат қиладиган обрў-эътиборли фуқаролар орасидан сайланади. Махсус комиссия эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида ташкил этилиб, унинг таркиби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси томонидан 12 ой муддатга, камида 5 кишидан иборат этиб тасдиқланади. Унга маҳалла маслаҳатчилари, котиби, ҳудудга бириктирилган туман (шаҳар) аҳоли бандлигига қўмаклашиш маркази ходими, шунингдек, зарурият бўлганда, туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари ва молچи органлари вакиллари киритилади.

Бир маҳалла ҳудудда икки ёки ундан ортиқ махсус комиссия ташкил этилганда ҳар бирининг таркибиде аҳоли бандлигига қўмаклашиш маркази ходими иштирок этиши шарт.

ИМТИЁЗЛИ УЙЛАР ИМТИЁЗСИЗЛАШТИРИЛДИМИ?

ЯНГИ ҚАРОРГА ҚЎРА, ИМТИЁЗЛИ ИПОТЕКА КРЕДИТИ БОШЛАНГИЧ
БАДАЛИНИНГ 35 ФОИЗИНИ ТЎЛАШ ЁШ ОИЛА ЗИММАСИГА ТУШЯПТИ

Ўз имкониятларидан фойдаланиб билим олаётган, шу билимларни жамият ривожига учун сарфлаётган, юксак натижаларга эришяётган, юрт номини дунёга танитаётган ёшларимиз кўп. Улар ўз интеллектуал салоҳиятини ошириш, кейинги марраларга дадил қадам қўйишга шай бўлгани ҳолда, тирикчилик ва оила-рўзғор кам-кўстлари билан қалғиб қолиши ижобий ҳодиса эмас.

Келажаги порлоқ ёш оилаларга иқтисодий ҳолатларини тиклаб олишлари учун имконият бериш уларни янада руҳлантириши шубҳасиз. Шундай имкониятлар қаторида фаол ёшларга имтиёзли ипотека кредитлари асосида бериладиган уй-жойларни келтириш мумкин. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 сентябрда қабул қилинган «Мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида шу жараёни янада тақомиллаштириш мақсад қилинган.

Ҳозирда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб, алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилалар учун 3 180 та тураржойлар қуриломоқда. 2019 йилда уларнинг 2116 таси ёшларга топширилиши мўлжалланган.

Ёшлар уйлари энди қай тартибда берилади?

Ёшлар уйлари олишга ёш оила аъзоларининг иккиси ҳам ўттиз ёшдан ошмаган ёхуд фарзанд тарбиялаб вояга етказган ўттиз ёшдан ошмаган ёлғиз ота ёки ёлғиз онадан иборат бўлган оила. Шунингдек, никоҳдан ажралган бева эркак (бева аёл) бўлиши мумкинлиги белгиланган. Уларга Ёшлар иттифоқи тавсияномаси билан ҳудудий комиссия қарори асосида имтиёзли ипотека кредити ажратилади. Янги қарорга кўра, ёш оилаларга имтиёзли уй-жойлар олиш учун бериладиган ипотека кредити бошланғич бадалининг 65 фоизигача бўлган қисmini 7

йил муддатга Ўзбекистон ёшлар иттифоқи маблағлари ҳисобидан тўлаб берилиши назарда тутилган. Имтиёзли уй-жойларнинг бошланғич бадалининг қолган 35 фоизини номзоднинг ўзи тўлаши керак. Масалан, бир уйнинг нархи тахминан 250 миллион сўмга тенг бўлса, шунинг бошланғич тўлови — 25 фоиз 62 миллион сўм атрофида. Шунинг 65 фоиз 40 миллион сўмга яқин бўлади. Қолган 22 миллион сўм маблағни ёш оиланинг ўзи тўлаши айтилмоқда. Бошланғич бадалнинг Ёшлар иттифоқи тўлаши белгиланган қисми сўда тарзида, яъни гаров эвазига берилиши белгиланган. Ипотека кредити бўйича биринчи беш йил низоҳасига етгандан кейинги бутун муддат учун ҳисобланадиган фоизлар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасининг 25 фоиз миқдоридан тўланиши кайд этилган.

Аваллиги тартиб қандай эди?

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрда «Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол катнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва унинг 2017 йил 12 сентябрдаги таҳририга кўра, фаол ёшлар учун мўлжалланган уйлар: «5 йиллик имтиёзли давр билан, дастлабки бадални тўламасдан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизига тенг фоизли ставка билан 20 йил



БИЛАСИЗМИ?

Қуйидагилар ёшлар уйлари имтиёзли шартлар асосида олиши мумкин:

- тураржой шaroитларини яхшилашга муҳтожлар сифатида ҳисобда турган ҳамда фан, санъат, адабиёт, спорт соҳасида ва бошқа соҳаларда юксак натижаларга эришган ёш оилалар (давлат мукофотлари, «Ўзбекистон белгиси» кўркаш нишони соҳиблари, нуфузли халқаро ва республика мусобақалари, танловлар ва олимпиадалар совриндорлари);
- Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида камида уч йил мобайнида фаолият олиб бораётган ижтимоий фаол ёш оилалар (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши тақдимномаси асосида);
- фаолият юритаётган меҳнат жамоасида алоҳида намуна ва хизмат кўрсатган ёш оилаларга (давлат ҳокимияти органлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларининг раҳбарлари тавсиясига кўра, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши тақдимномаси асосида).

муддатга бериладиган имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш йўли билан мулк қилиб берилади» деб белгиланганди. 5 йиллик имтиёзли давр давомида 7 фоиз миқдоридagi фоиз ставкаси билан, кейинги даврда Марказий Банкнинг қайта молиялаш ставкасига кўра кредит узиб борилар эди. Аввалги тартибга кўра, Ёшлар иттифоқи бошланғич бадални тўлиқ тўлаб берган. Беш йиллик имтиёзли даврдан сўнг бу сумма уйнинг умумий қийматига қўшиб тўлаб борилган. Ҳозир Ёшлар иттифоқи томонидан сўда тарикасида бериладиган бошланғич бадал 2019 йилнинг 3-чораги якуни бўйича республика бюджетининг прогноз кўрсаткичларидан ортиқча бажарилган қисм ҳисобидан ажратилиши белгиланган. Молиявий манбанинг маҳумлиги бошланғич тўловнинг тўланиши ва

олиш керак. Айнан шу ўзгариш ёшларни сергаклантирди. Ҳисоблаб кўрсак, 2019 йилда қорхона ва ташкилотлардаги номинал ўртача иш ҳақи 2 миллион сўмни ташкил қилади. Таълим тизимида бу кўрсаткич 1,6 миллионга етган. Агар оила аъзоларининг иккови ҳам ишласа, оиланинг ўртача бир ойлик даромади 4 миллион сўмни ташкил қилади. Тошкент шаҳри миқёсида ҳисобласак, бир оиланинг ойлик харажатлари 2 миллион бўлди, дейлик. Уйга номзодларнинг айни вақтда ижарада яшашини ҳисобга олсак, яна бир-бир ярим миллион сўм қўшилиди. Агар уларнинг фарзандларини ҳам ҳисобга олсак, бу харажатлар янада ошшини тахмин қилиш мумкин. Шундай шарoитда Ёшлар иттифоқи томонидан бошланғич бадал тўлашни ана шундай шарoитдаги ёшларга катта мадад бўлаётган эди. Бирок қарор билан ана шу имтиёзнинг камайиши ёшларнинг норозилигига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, номзод доимий иш жойидан ва давлат солиқ хизматидан охириги 12 ойдаги даромадлари тўғрисидаги маълумот беришини ҳам ҳисобга олиш керак. Дейлик, оилда фақат бир киши давлат ташкилотидида ишласа ёки 12 ой давомида етарли даражада маош олмаган бўлса, ипотека кредити олишда муаммо пайдо бўлиши мумкин. Чунки ёш оиланинг кредитни тўлашга лаёқатли эканига ишонч ҳосил қилиш зарур. Имтиёзли уй-жой дегани текин уй-жой дегани эмас, балки давлатнинг ўз ёшларига узок муддатга билдирган ишончидир.

Муҳокамалар шу йилнинг 10 сентябрига қадар давом этди, 11 сентябрь куни қарор лойиҳаси деярли ўзгаришсиз тасдиқланди. 12 сентябрдан бошлаб фаол ёшларга имтиёзли шартлар асосида уй-жойлар бериш янги тартиблар асосида амалга ошириляпти.

Аслида мураккаб иқтисодий шарoитда давлатнинг ёшларга шунча имтиёзлар бераётгани катта иш. Бу имтиёзларга эга чиқадиган ёшлар мамлакат тараққиётига таъсир кўрсатадиган потенциалга эгаллигини ҳисобга олсак, бу уларни руҳлантиришга, келажақда ўз касбий фаолиятининг қалғимасдан, моддий муаммоларини ўйла-масдан ишлаш, ижод қилиш ва янада юқори натижаларга эришишга туртки бўлади.

Иброҳим ХОДЖАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты.



Боғчаларда Сингапур таълим тизими ва ўқитиш методологияси жорий этилади.

Жорий йил «Обод маҳалла» дастури асосида Самарқанд шаҳридаги Хишрав кўрғони ҳамда Каттакўрғон туманидаги «Ғарибмачит», «Гўзалкент», «Каттакўрғон» маҳаллаларида бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Хўш, йилнинг иккинчи чораги ўйиб бораётган бир пайтда белгиланган ишларнинг неча фоизи бажарилди? Уларнинг сифати талабга жавоб берадими? Одамлар маҳалласидаги ўзгаришлардан мамнунми?

Бажарилган ишлардан бажарилмагани кўпроқ...

Айни саволларга жавоб излаб дастлаб «Ўзгалкент» маҳалласида бўлди. Ингин худудига кирар эканмиз, кизгин иш жараёнининг устидан чиқдик. Кўчаларга асфальт ётқизибли, тунги ёриткичлар ўрнатилмоқда. Тураржойлар таъмирланиб, кўп қаватли уйлар ва уларнинг атрофи тартибга келтириляпти. Бу — яхши. Аммо маҳалла маркази томон яқинлашар эканмиз, гўё бошқа худудга тушиб қолгандек бўлдик. Бу ерда обodonлаштириш ишлари ўлда-жўлда олиб борилган. Ипак йўли ҳамда Африсёб кўчалари кесимишасида жойлашган маҳалла маркази биносида таъмирлаш ишлари бошлангану, якунига етказилмай ўз қолган ташлаб қўйилган.

Туман ҳокимлигидан олинган маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, дастур бўйича ҳу-

ДАРВОКЕ...

**Кўчалар таъмири аҳолига ҳеч қандай зиён
етказмаслиги керак**

Самарқандда кенг қамровли бунёдкорлик ишлари қадимий кент учун ғоятда муҳим бўлган йўл қурилиши билан бирга олиб боришмоқда. Бир вақтнинг ўзига тўрт-бешта кўчада замонавий техника воситалари ёрдамида юзлаб телик ишчи-ҳодимлар белгиланган режа асосида реконструкция ишларини амалга оширишмоқда.



Самарқанд эшакк эшик канали атрофида қурилиши режалаштирилган, туристлар марказга олиб борадиган йўл, Гулбод ва Афросиёб кўчаларининг замонавий турли йўли ҳамда Бўстонсарой ва Рудакий кўчалари чорраҳасида ерости автомобил йўли ҳамда кўприк қурилиши ана шу янгиланишларнинг асосини ташкил этади.

Вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов кунги кеча реконструкцияси бошланган Афросиёб кўчасида бўлиб, амалга ошириладиган барча ишлар лойиҳа асосида пухта ва бекаму кўст бажарилиши лозимлигини уқтирди:

«Кулаётган барча ишимиз аҳоли учун эканини эсдан чиқармайлик. Мақсадимиз ҳалқимизга яшаш ва меҳнат қилиш учун кулайлик яратишдан иборат. Шундай экан, кучаларни янгилаш жараёнида аҳолига ҳеч қандай зиён етказмаслик лозим».

Лойиҳа амалга оширилса, Афросиёб кучаси умуман бошқача тус олади. Ҳовлиларнинг олд қисми — фасади хонадон соҳиблари ва ҳомиёлар кўмағида янгиланади. Замонавий шаҳарсозлик усули анъанавий архитектура билан уйғунлашишига эътибор қаратилади.

Йўл атрофида жойлашган маҳаллаларда шу вақтгача канализация мавжуд эмас эди. Энди йўл четида канализация қурувлари билан бирга, янги ичимлик суви тармоғи ётқизилади. Реконструкция давомида пиедалар ҳам эсдан чиққан эмас. Пиедалар йўлга тубдан ўзгартирилади ва ҳозирги паст-баланд йўлак бир текис қилиб қўрилади.

Т.РАХМАТУЛЛАЕВ

Қуруқ ҳисоботларга тиркалган ижро амалда нимани ўзгартиради?

ЁХУД ЎЗИМИЗНИ ЎЗГАРТИРМАСАК, ИШИМИЗ ҲАМ ЎЗГАРМАЙДИ



Аслида эса бинонинг ички томонигина сувок килинган, холос.

— Маҳалламизда яқин 30-40 йил ичида бундай катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилмаган, — деди илгир раиси Атаман Бахриев. — Ҳудудда 18 та кўча мавзуси бўлиб, 13 та кўчада таъмирланиш ишлари олиб борилаётқанда, Шу пайтга қадар 4 километрдан ортиқ йўللарга асфальт ётқизилди. Маҳалла биноси ҳам капитал таъмирдан чиқарилиши керак, аммо ҳозирча қурилиш ташкилоти ҳисоб рақамига бу ишлар учун маблағ ўтказилмаган. Шу болиб бу ердаги ишлар тўхтаб турибди.

«Эҳтиёт бўлинг, чуқур бор»

Яна бир ҳолат. Ипак йўли қўчқарида ичмичли суви тармоғинини ўқказиш учун қазиниш ишлари амалга оширилган, қўча аянчли ахволда келиб қолган. Йўлнинг ўртасида қазилган чуқурларга дарахт шохлари сукуйиб, уларга «Эхтиёт бўлинг, чуқур бор», дегандек, полиэтилен халталар байроқ килиб қўйилган. Бу эса «Обод маҳалла» дастури асосида қўрқам бўлиши керак бўлган маҳалла ҳуснини бўзиб турибди.

— «Узалкент» маҳалласи биносидо таъмирланган ишларини тўхтаб қолшига маблағнинг йўқлиги сабаб бўлмоқда.

— дейди шаҳар ҳокимилиги бош мутахассиси Жамшид Ахмедов. — Маҳаллий бюджет маблағлари, асосан, иктомий соҳага йўналтирилмоқда. Ипак йўли кўчаси 2019 йилги дастурга киритилган, лекин йўللارни таъмирлашга маъмул вилоят таъкилотини биз ишлаб чиққан дастурга эътибор қаратмасдан бошқа кўчаларни қиратиб қўйган. Мана шу масала бўйича вилоят ҳокимида мувожабат қилиб. Ипак йўли кўчаси таъмирланиши керак, ammo Афросиёб кўчаси дастурга киритилмасдан.

Маҳалла маркази сўлим жойда
жойлашган. Ҳовлиси соя-салқин,
нуронийлар дам олиши учун
айвон ва сўрилар ўрнатилган.

Аммо ҳовли ўртасида чикинди
тўпланиб қолган. Тўғри, маҳалла
марказидаги синган дераза ойналар
ниларни алмаштириш учун Дастур
бўйича қурилиш ташкилоти хи-
собига маблағ тўлишини кутиш
бор гап. Бирок ҳовли ўртасидаги
ҳовуз ва унинг атрофида тоза
ҳавога бадбўй хид таратадиган
чикимдиларни тозалаб қўйишга
ҳам маблағ керакмикин?!

Мутасаддилар негадир шошилмаяпти

Самарканд шахринини Хишр-вар кўрғони ҳудудидagi «Чилқудук», «Наврўз», «Ишлпи» махал-лалари ҳам жорий йилги «Обод махалла» дастурига киририлиб, март-апрель ойларида бу ерда ишлар бошлаб юборилган эди. Бирок қийинайиб қолган 3-4 та симёғочнинг алмаштирилганини, кўчага шағал ётқизилганини айт-маса, шу пайтгача бу ерда айтарли бирор нш бажарилгани йўқ.

— Афсуски, айтарли ҳеч нарса ўзармади, — дейди «Чулқудуқ» маҳалласида яшовчи Шароф ота Маърупов. — Айрим эски симёғочлар алмаширилиб, асосий кўча йўл текислагич ёрдамида бироз текисланганини айтмасак, ҳалигача ҳудудда бирор жиддий ўзгариш кўрмаяптим. Муддати ўтиб яроқсиз ҳолга келиб қолган трансформаторни эса мастивуллар «янгисига алмаштириб берамиз» деб олиб кетганига 3 ойдан ошди. Шундан бери на трансформатордан, на уни олиб кетганлардан дарак йўқ. Одамлар ўз биланларича ҳар жойдан сини тортиб келиб, чироқ ёқиб ўтиришди.

Хўш, бу вазиятга масъуллар нима дейди? Самарқанд шаҳар ҳокимлиги масъул ходими Феруз Нажмиддиновнинг кайд этишича, айни пайтда ҳушудда тасдиқланган режа асосида қурилиш-ободонлаштириш ишлари олиб бориляпти. Тўғри, бу юмушлар одамлар кутганидек жадаллик билан бўлаётгани йўқ. Аммо иш кетяпти. Ҳозир симёғочлар алмаштирилиб,

айрим жойларга тунги ёритиш воситалари ўрнатиляпти, сув қувурлари ётқизилмоқда. Йил охирига келиб, бу юмушлар ниҳоясига етгач, ҳудуддаги барча кўчаларга асфальт ётқизилади.

Шароф отани нима ташвишга солмоқда

Маҳалла ҳудудини кўздан кечирдик. Аммо, афсуски, бирор жойда ҳокимлик вакили тилга олган жараёнини кўрмадик. Ваҳоланки, дастурга кўра, таъминот газ тармоқлари капитал таъмирланиб, таъминот тикланиши, мавжуд трансформаторлар янгиланиши, электр тармоғидаги барча ускуналар замонавийсига алмаштирилиши, шунингдек, ҳудуддаги умумтаълим мактаби, болалар боғчаси ва эски маданият уйи мукаммал таъмирдан чиқарилиши лозим.

Бир вақтлар ишлаган, аммо бутун талабга жавоб бермай қолгани сабабли фаолияти тўхтаган оилавий поликлинника биноси ҳам қайта тикланиб, муассаса янгидан иш бошлаши керак. Бу юмушларнинг 60 фоизи жорий йилнинг биринчи ярмида бажарилиши кўрсатилган бўлса-да, ҳозиргача уларнинг 30 фоизи бажарилган, холос. Шароф ота Маърупов каби маҳалла фаолларини ташвишга солаётган нарса ҳам худди шу аслида...

Хуллас, «Обод маҳалла» дастурининг вилоятдаги айрим ҳудудларда бажарилиши неғадир кечикмокда. Йил якунига, қор-кировли қунларнинг бошланишига тобора оз вақт қолаётди. Юқорида биз келтириб ўтган муаммолар эса ўз эчимини қўтиб турибди. Халқимизни рози қилиш энг эзгу мудоаамиз экан, демак, ҳар биримиз зиммамизга олган масъулиятни ҳис этишимиз, бунимизни оқлашимиз керак эмасми? Ўйлаймизки, ҳудуд мутасаддилари бу камчиликларни тезда бартараф этишлди. Биз эса мавзуга яна қайтамиз.

Ёрмамат РУСТАМОВ
«Mahalla»

Тошкентдан Қозоғистоннинг Хоргос ва Петропавловск шаҳарларига автобус қатнови йўлга қўйилади.

БИНОСИ ЙЎҚ МАҲАЛЛА

ЭНДИ ҚАЕРГА ЖОЙЛАШАДИ?

РАИСНИНГ АЙТИШИЧА, ШУ КУНЛАРДА ЙИҒИН
ФАОЛИЯТИГА ТААЛЛУҚЛИ РАСМИЙ ХУЖЖАТЛАРНИНГ
БИР ҚИСМИНИ УЙИДА, ЯНА БИР ҚИСМИНИ
МАШИНАСИДА САҚЛАШИГА ТЎҒРИ КЕЛМОҚДА

Бугун маҳалла фаоллари маҳаллий ҳокимликлар зиммасига юклатилган ўттиздан ортиқ вазифаларни бажармоқда. Бошқача айтганда, фуқаролар йиғини, том маънода ўша ҳудуднинг маҳаллий ҳокимлигига айланиб борапти. Афсуски, ана шундай масъулиятли ва шарафли тизим ҳодимларига шароит яратиб беришда жиддий муаммолар ҳамон учраб турибди.

Хусусан, Наманган вилоятининг Поп туманидаги «Сохибкор» ҳамда «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғини биносиз қолгани ҳақидаги хабарлар ижтимоий тармоқларда шов-шувга айланди.

«Камчиқ» довонидан ўтиб, Қўқон томонга юрсангиз, нафақат Поп тумани, балки Наманган вилоятининг ҳам марказдан энг олис бўлган Пунгон шаҳарчасидан ўтасиз. Шу кунларда бу ердаги ҳолатнинг кенг муҳокама қилинаётганидан ҳудуд номи яна эл оғзига тушди. Ҳўш, «Пунгон»да нима гап? Бу саволга жавоб топиш учун «индалло»ни яқин ўтмишдан бошлашга тўғри келади.

Аслида бино бор эди

Бир вақтлар Беруний номидаги ширкат ҳўжалиги балансида бўлган қўркам бино шаҳарча фуқаролар йиғини тасарруфига берилган эди. Кейинчалик бу ерда «Сохибкор» ҳамда «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғини жойлашди. Бир-бирига яқин икки ҳудуднинг бош маркази бўлган мазкур бино уч йил




Пунгон ўйи

мукаддам ҳудуд профилактика инспекторларига тураржой қуриш мақсадида қайта таъмирланадиган бўлди. Натижада «Сохибкор» маҳалласи фаолларига 18-, «Наврўз» маҳалласи фаолларига эса ишлаш учун 54-мактаб биносидан жой ажратилди.

— Биз кўчиб борган 54-мактаб маҳалламиздан 3–4 километр узоқда жойлашган, — дейди ўша вақтда «Наврўз» маҳалласида мутахассис бўлиб ишлаган Меҳмоноӣ Бултурова. — Бу эса фаолиятимизда бирмунча қийинчиликлар туғдирарди. Боз устига, йиғинда қўриладиган кўплаб ошлавий жанжаллар, ўтказиладиган муҳокамалар мактаб ўқувчилари кўз ўнгиде бўлаётгани учун хизмолатда қоларди. Охир-оқибат мактаб маъмурияти талаби билан кўчишимизга тўғри келди. Фаоллар ерда-мида маҳалламиз марказида жойлашган тадбиркор Жўравой Турсунқулловга қарашли савдо дўконининг бир қисмида вақтинча жойлашдик.

Олдинги бино эса бу вақтда таъмирлаш ишлари чала ташлаб қетишган, қаровсиз аҳволда эди. Бонси профилактика инспекторларига мўлжалланган хизмат уйи учун бошқа жой танланиб,



ўша ерда қурилиш бошланиб кетди. Шу орада «Сохибкор» маҳалла идораси ҳам яна бир тадбиркорга тегишли бинога кўчиб келди. Фақат идорага жой берган тадбиркор эгасиз ётган эски бинони ўз тасарруфига олиш ҳаракатига тушди. Жорий йил баҳориде эса туман ҳокимининг қарори билан уни «ноль» қийматда қўлга киритди ҳам.

Эски бино тадбиркорга берилган

— Жорий йилнинг 8 май куни бўлиб ўтган сайловда маҳалладошларим мени ўзларига етакчи этиб сайлашди, — дейди ҳозирда «Наврўз» маҳалласи раиси бўлиб ишлаб келаётган Сўлтонқул Файзиев. — Расман фаолият бошлаган куним тадбиркор вақтинча руҳсат берган савдо дўконининг бир четида жойлашган омонат идорага бордим. Бино эгаси шу кунгўқ келишув мuddати тугаганилиги, эндиликда бу ерда тадбиркорлик фаолиятини кенгайтирмоқчи эканлигини билдириб, бошқа жойга кўчишимизни талаб қилди. Энг ташвишлиси, олдинги эски бино туман ҳокимининг қарори билан тадбиркорга ўтгач, ушбу бинони зудлик билан бузиб, ўрнини текислаб қўйишган эди. Биз эса қаерга кўчишни билмай, ҳалакмиз. Май ойидан буён фаолият билан шуғулланиш ўрнига шу масала ортидан «юсуру-юсуру» қилиб чарчадик. Маҳалламизда эса йиғин зиммасига юклатилган вазифалар бажарилмай ётибди.

Раиснинг айтишича, шу кунларда йиғин фаолиятига тааллуқли расмий ҳужжатларнинг бир қисмини уйида, яна бир қисмини машинасида сақлашга тўғри келмоқда. Бирон масалада йиғинга учрашмоқчи бўлган фуқаролар эса қаерга боришни билолмай сарсон.

Ҳокимлик нима дейди?

Фуқаролар йиғини раиснинг маълум қилишича, воқеадан туман мутасаддилари ҳам хабардор. Аввалроқ туман прокурори ташриф буюриб, масаланинг мохиятини ўрганган. Масалага ойдинлик киритиш учун туман ҳокимлигидаги масъуллар билан боғландик.

— Пунгондаги бу ҳолат ҳақида ҳабаримиз бор, — дейди туман ҳокими ўринбосари Ўткир Мавлонов. — Бу бўйича шуғулланяпмиз. Англашилмовчилик бўлган. Ҳозирда тадбиркор бузиб ташлаган бинони тиклаш ҳаракатидамиз. Бу ҳақда шахсан туман ҳокимининг топишириги билан туман прокуратураси иш олиб борапти. Биз фуқаролар йиғинини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун бутун қораларни кўрамиз. Ахир, кейинги вақтларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига қаратилаётган эътиборни қўриб турибмиз. Биз, албатта, маҳалла фуқаролар йиғини томонидеги ва тез орада бу масала ижобий ечим топади.

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:



Айни пайтда Наманган вилоятида **775 та** маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Уларнинг **633 таси** ўз балансидаги бинога эга. Қолган **142 тасига** эса маҳаллий ҳокимликлар қарорлари асосида қурилиш учун ер майдонлари ажратилган. Жорий йилнинг ўтган даврида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Наманган вилояти ҳамда шаҳар ва туманлар кенгашлари кўмағида **179 та** маҳалла фуқаролар йиғини биноси мукаммал таъмирдан чиқарилди, **28 таси** реконструкция қилинди, **15 та** маҳаллага янги бино қуриб берилди. Шунингдек, **59 тасига** юмшоқ мебель жиҳозлари, **25 тасига** эса компьютер жамланмаси олиб берилди.

Шу ўринда тайёр бинони бузишга шовилган тадбиркорни, бунга шароит яратиб берган ва бепарволикка йўл қўйган мутасаддиларни ҳам оқламақчи ёки қораламоқчи эмасмиз. Зеро, бу бизнинг ваколатимизга ҳам кирмайди. Фақат, бир саволга жавоб топиш ўта зарур: энди «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғини қаерга жойлашсин?..

Илҳомжон РАҲМАТОВ
«Mahalla»

МЕНДА САВОЛ БОР...

Кадастр ҳужжати қанча муддатда берилиши керак?



— Кадастр ҳужжати қанча вақтда тайёр бўлади? Давлат кадастр идоралари бино кадастри ҳужжатлари тайёрлашда белгиланган регламентга амал қилмасдан фуқарони оилаб сарсон қилгани учун жавоббарлиқ белгиланганми?

Н.Пўлатова,
Наманган шаҳри.

Дилором РИЗАЕВА,
«Ергеодезкадастр» давлат кўмитасининг масъул ходими:

— Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри кўмитаси қарорининг «Кўчмас мулк объектларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш қоидалари»даги 7-бандида Кадастр йиғмажилдини тайёрлаш муддати кадастр объектнинг мураккаблигига қараб, шартномада белгилангани ва уни тайёрлаш муддати бир ойдан ошмаслиги кераклиги белгилаб қўйилган.

Ушбу қоидаларнинг 29-бандига асосан,

ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган ер участкасида уй-жой қуриш ва уй-жойни реконструкция қилиш тугаллангандан кейин юридик ва жисмоний шахсининг аризасига асосан туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат қорхонаси ўн кун ичида уй-жойни техник инвентаризация қилади ва мазкур қоидаларда белгиланган тартибда кадастр йиғмажилдини тайёрлайди. Мазкур қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ер участкаларини бериш тартиби ўзгардимми?

Жамиятнинг равақ топиши, одамларнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб яшаши бугунги олиб борилаётган ишлардан кўзланган энг асосий мақсадлардан биридир. Бунинг учун эса барча соҳалар фаолияти шаффоф ва ортиқча бюрократик тўсиқларсиз йўлга қўйилиши катта аҳамият касб этади. «E-IURO AUKSION» электрон савдо майдончасида ҳам айти шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган. Бу тизим аукционларни очик ва шаффоф муҳитда ўтказиш, коррупцияга барҳам бериш, савдоларда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга хизмат қилади.

Шу мақсадда тadbirkorлар-га янада қулайликлар яратиш мақсадида 2019 йил 26 август кuni «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини бериш ҳамда архитектура-қурилиш ишларини амалга ошириш тартиб-таомилларини янада такомил-

лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

Қандай ўзгаришлар бўлади?

Қарорга мувофиқ, 2019 йил 1 октябрдан жисмоний

ва юридик шахсларга ер участкаси ва режалаштирилаётган қурилиш объекти тўғрисидаги маълумотларни «YERELEKTRON» автоматлаштирилган ахборот тизимига жойлаштириш учун тақлифлар киритиш ҳуқуқи берилди. Кейинчалик бу тақлифлар мутасадди ташкилотлар томонидан кўриб чиқиш ва электрон онлайн-аукционга қўйишга асос бўлади. Савдога қўйилган ер участкасининг умумий маълумотлари кенгайтирилди, яъни ер участкаси тўғрисида мажбурий кўрсатиладиган маълумотларда ерга бўлган ҳуқуқ тури, ер участкаси қирадиган ерлар тоифаси ва тури, автомобиль йўлларига бўлган масофа тўғрисида маълумот, мазкур ер участкасида қурилишга рухсат берилган ёки тақикланган объектлар турлари рўйхати, шунингдек, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланishi учун техник шартлари акс эттирилади. Электрон онлайн-аукционга чиқарилган ер участкаси аукцион бошланишидан аввалги 30 кун ўрнига 15 календарь кун олдин амалга

оширилади. Иштирок этиш учун аризаларни қабул қилиш муддати аукциондан олдинги кун соат кечки 24:00 да якуланиши белгиланди.

Вилоят ҳамда туман (шаҳар) ҳокимларининг аукцион ҳолиби номига ер участкасини ажратиш бўйича қарор қабул қилиши тўғрисидаги талаб бекор қилинди. Ер участкасининг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 5000 баробаридан ортиқ бўлса, 5 банк кунидан кечиктирмасдан онлайн-аукционда белгиланган нархнинг 50 фоизи миқдоридан аванс тўлови киритилишига рухсат этилди. Қолган сумма баённома расмийлаштирилган кундан бошлаб 30 календарь кундан кечиктирмасдан киритилиши белгиланди.

Қолаверса, аукцион ҳолиби бўлган шахснинг айби бўлмаганда маъмурий тартиб-таомилларга риоя қилинмаганлиги учун электрон онлайн-аук-

цион натижалари тўғрисидаги баённомани бекор қилиш ёки ўзгартаришга йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Махсус хоналар ажратилади

Шу билан бирга, Давлат хизматлари марказларида жисмоний шахсларга «E-IURO AUKSION» савдо майдончасида электрон онлайн-аукционда иштирок этиш мақсадида бепул асосда фойдаланиш имконини берувчи Интернет тармоғига уланган компьютер воситалари билан жиҳозланган махсус хоналар ажратилади. «E-IURO AUKSION» савдо майдончасида электрон онлайн-аукционда иштирок этиш тартиби ва қоидаларини ёритиб берувчи таркатма ахборот материаллари ишлаб чиқилиб, Давлат хизматлари марказларининг махсус хоналари улар билан жиҳозланади.

Гулноза АЛИМОВА,
«Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази» PR хизмати раҳбари.

ДАРВОҚЕ...

Қуйидагилар электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқарилиши белгиланган:

- Ер участкаларига бўлган ҳуқуқ;
- Давлат мулки объектлари, улушлари ва ижараси;
- Дарёлар ўзлашларини тозалаш орқали кум-шағални казиб олишга бўлган ҳуқуқ;
- Қимматбаҳо металлларни казиб олишга лицензия бериш;
- «Айдар-Ариасой» кўллар тизими сув ҳавзаси участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи;
- Худудларни санитария жиҳатдан тозалаш ҳуқуқи.

www.e-auksion.uz САЙТИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН АУКЦИОНЛАРДА ИШТИРОК ЭТИШ ТАРТИБИ

www.e-auksion.uz сайтыда рўйхатдан ўтиш



Сайтнинг юқори қисмидаги «Рўйхатдан ўтиш» тугмасини босиб:

- паспорт серияси ва номери;
- телефон рақамлари;
- электрон почта;
- маълумотларини киритишда ҳамда шахсий кабинет ва ҳисобварақ яратилади

Шахсий ҳисобварақ тўлдирилади



Банк кассалари ёки электрон тўловлар (Payme, Click ва ҳоказо) орқали СТИРНИ ёзган ҳолда шахсий ҳисобварақ тўлдирилади

Изоҳ: Банк кассаларида, Payme, Click ва бошқа тўлов тизимлари орқали киритилган тўловлар реал вақт режимида шахсий ҳисобварақда кўринади

Аукционда иштирок этиш



Аукционда иштирок учун

- шахсий кабинетдан «Менинг аукционларим» бўлимига ўтилади
- «Бошланган аукционлар» бўлиминдан жорий аукцион танланади
- «Иштирок этишни тасдиқлаш» тугмаси босиб орқали аукцион ўйинига ўтилади

Ҳолиблик баённомаси

- Шартномани расмийлаштириш учун электрон шакли Давлат активларини бошқариш агентлигининг (вилоят, шаҳар) бошқармаларига юборилади;
- Баённоманинг асл нусхаси почта орқали иштирокчига етказилади
- Изоҳ: Ҳолиб марказга келиб, баённоманинг асл нусхасини ўзи олиб кетиши ҳам мумкин

Аукционда иштирок этиш учун ЭРИ калити олиш



Аукционда иштирок этиш учун ЭРИ калити олинади. ЭРИ калитларини «Ягона дарча» марказларидан ва МИБ тўғрисида бўлимларидан (юридик шахслар) олишнинг мумкин

Танланган мол-мулкка ариза бериш



Мол-мулкка ариза берилганда шахсий ҳисобварақдан белгиланган миқдордаги закатлат пули ечиб олинади

Аукцион натижалари



Ҳолиб мол-мулк суммасини 5 иш кунини ичида тўлиқ тўлайди

Изоҳ: Банк кассаларида, Payme, Click ва бошқа тўлов тизимлари орқали киритилган тўловлар реал вақт режимида шахсий ҳисобварақда кўринади

Ҳолиб баённомаси



«SMART WATER» (АҚЛЛИ СУВ) ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ АФЗАЛЛИГИ НИМАДА?

Бугунги кунда 3 миллион 200 минг гектар ерга 46 миллиард куб метр сув сарфланиб, унинг 60 фоизи экинларга етиб борапти, холос. Чунки жами 180 минг километр сўғориш тармоқларининг 23 фоизи бетон қопламали бўлиб, улар ҳам 30-35 йилдан буён деярли янгиланмаган. Яна бир сабаби, экин майдонларининг 98 фоизи эскича услубда сўғорилаётгани, экинлар номақбул жойлаштирилаётганидир. Сувдан самарали фойдаланиш, ҳисобини юритиш, ирригация тармоқларида сув тежовчи янги технологияларни қўллаш бўйича ҳеч бир ташкилот талаб қўймапти.

Шу каби қатор муаммоларга ечим топиш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан сув ресурсларини бошқариш тизимини ислох қилиш ва сувдан фойдаланиш самардорлигини ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказилди. Унда Сув хўжалиги вазирлигига жорий йил охиригача Жанубий Кореянинг 7 миллион долларлик гранти ҳисобидан 61 та йирик сув хўжалиги объектида сув сарфини онлайн кузатиш имкони-

ни берувчи «Smart Water» (Ақлли сув) тизимини жорий этиш вазифаси ҳам юклатилди. Улар сонини келгуси йили 120 тага, 2023 йилгача эса 300 тага етказиш топширилди.

Тезкорлик билан бошқариш имконини беради

Янги тизимнинг афзаллиги шундаки, «Ақлли сув» қурилмалари ўрнатилган объектлардан сув ва об-ҳаво маълум-

отлари (сув сарфи ва ҳажми, ҳаво ҳарорати, ёғингарчилик миқдори) ҳамда қурилманинг кузатув камерасидан фото ва видеолар онлайн режимда автомат тарзда вазирликнинг ягона ахборот тизимига узатилади. Сувнинг ҳисоб-китобини онлайн олиб бориш натижасида сув ресурслари 10 фоизгача иқтисод қилинади, сел-тошқин ҳолатларида сувни тезкорлик билан бошқариш имкони яратилади.

«Ақлли сув» қурилмалари ўрнатилган 61 та объектнинг барчасида сув хўжалиги ташкилотлари томонидан темир-бетондан пойдеворлар қуйиш якунига етказилди. Қурилмалар ўрнатиладиган диспетчерлик ва кузатув хоналари тайёр ҳолга келтирилди ва қурилмаларни улаш учун керакли ёрдамчи воситалар тайёрлаб қўйилди.

Бундан ташқари, корейлик экспертлар вазирлик мутахассислари билан ҳамкорликда «Ақлли сув» қурилмалари уладиган ҳамда сув ресурслари мо-



ИСЛОҲОТ

нитрингини онлайн режимда кузатиш имконини берувчи маълумотлар базасига эга дастурий таъминотни яратиш устида иш олиб бормоқда. Унга қўра, ахборот тизими томонидан маълумотлар тезкор қайта ишланиб, керакли фойдаланувчиларга (компьютер, планшет, смартфон ёрдамида) интернет ёки локал алоқа орқали узатиш имконияти яратилади.

Сув хўжалиги вазирлиги матбуот хизмати.

Миллий археология маркази ва Самарқанд археология институти ташкил этилди.

БЕНЗИН НАРХИ ЯНА ОШАДИМИ?

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ САККИЗ ОЙИДА БЕНЗИН ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ ЎТГАН ЙИЛГА НИСБАТАН 11,1 ФОИЗГА КАМАЙГАН

Бундан икки йил олдин юртимизда айнан куз мавсумига келиб бензин тақчиллиги вилоятларда чайқовчилар орқали елим идишларда сотилиши авж олган эди. Аммо бу борада изчил ишлар амалга оширилиб, ўтган йилдан буён бензин билан боғлиқ муаммолар деярли барҳам топди.

Бугунги кунда сайёрамиздаги кўп соҳалар ривожини нефть нархига боғлиқ бўлиб қолди. Нефть нархи ошиши бензин ва керосин нархига таъсир қилади, бунинг натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархи ошади (трактор ва комбайнлар ёнилғи билан ишлайди), дўконлардаги маҳсулотлар қимматлашади (транспорт харажатлари ошиши эвазига). Аксарият ривожланган давлатларнинг валюталари нефть билан боғланган. Нефть хаттоки, давлатлар ўртасидаги сиёсий муносабатларга ҳам катта таъсир кўрсатади. Ҳозирда



юртимизда ҳам нефть билан боғлиқ қатор жараёнлар кетмоқда. Барчани бир савол ўйантириши табиий. Бензин сотилишида яна олдингидай муаммолар пайдо бўлмасмикан? Бу ҳуусда мутахассисларга юзландик.

Ички бозордаги талаб қандай?

— Нефть тармоғи Ўзбекистон иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди, — дейди «Ўзбекнефтгаз» АЖ бошқаруви раиси ўринбосари Улугбек Ашуров. — Бугунги кунгача нефтни қайта ишлаш

заводлари томонидан қўшимча равишда 204 минг тонна нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва ички бозорда бензинга бўлган талаб тўла қондирилди. Аммо бунгача «Ўзбекнефтгаз» АЖ 2017-2018 йилларни зарар билан яқунлаган. Агар бу йил соҳада катта ислохотлар бўлмаганида, акциядорлик жамияти яна молиявий зарар кўрарди. Мавжуд муаммонинг 20 фоизини тарифлар оширилиши орқали, қолган 80 фоизини давлатнинг молиявий ёрдами орқали ҳал қилишимиз. 2008 йилдан 2018 йилгача Ўзбекистонда суяқ углеводородларни импорт қилиш 3,8 баравар, яъни 16,8 фоздан 64,3 фозгача ошган. Натижада «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг нефть ва нефть маҳсулотларини четдан харид қилишга кетадиган харажатлари 2008 йилда 362 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2018 йилда ушбу кўрсаткич 940 млн. АҚШ долларига етди. Бензин нархига келадиган бўлсак, янги нарх-навои ҳисобга олганда ҳам, Ўзбекистон дунёнинг ушбу маҳсулот энг арзон бўлган 20 та мамлакатни рўйхатидан жой олади.

Нарх қандай белгиланади?

Нефть маҳсулотлари нархлари ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни сотиш билан боғлиқ харажатлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Харажатларнинг асосий улуши (75-80 фоиз)ни углеводород хомашёси нархи ташкил этади. Йил бошидан буён жаҳон бозорига углеводород хомашёсининг нархи охири бориши кузатишмоқда. Бу эса нефтни қайта ишлаш заводлари ва бутун тармоқнинг иқтисодий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади.

Жорий йилда нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш балансига кўра, нефтни қайта ишлаш заводлари томонидан маҳаллий етказиб берувчилардан углеводород хомашёсини олиш ҳамда солиштирма оғирлиги 45,7 фоизни ташкил этадиган углеводород хомашёсини импорт қилиш режалаштирилган. Шахсий маблағлар етишмаслиги сабабли ушбу маҳсулотларни етарли миқдорда етказиб беролмаслик даражаси 56,2 фоизни ташкил этди.

Бу ўз навбатида, нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун хомашё етказиб беролмаслик хавфини юзага келтиради. Айниқса, баҳорги агро-

техник тадбирлар давомида аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари учун нефть маҳсулотларини етказиб беришнинг узилиб қолишига олиб келади.

Жорий йилнинг саккиз ойида бензин ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан 11,1 фоизга камайган. Статистика қўмитасининг билдиришича, ўтган йилнинг январь-август ойлари оралиғида 764 минг 100 тонна бензин ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йил 8 ойида бу кўрсаткич 679,5 минг тоннани ташкил қилди. Нефть қазиб олиш ҳажми 2018 йилнинг январь-августда деярли 500 минг тонна бўлса, жорий йилда 467,2 минг тонна, яъни 6,5 фоиз кам нефть қазилди.

Юзага келган ҳолатни ҳисобга олган ҳолда республикамиз истеъмолчиларини нефть маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ҳамда «Ўзбекнефтгаз» АЖ корхоналарининг молиявий аҳолини яхшилаш мақсадида 2019 йилнинг 15 августидан бошлаб автобензин ва дизель ёқилғисига янги нархлар белгиланди.


ҚҚС бензин нархига таъсир қиладими?

— Жорий йил 1 октябрдан бошлаб бензин, дизель ёқилғиси ва газини ёқилғи қуйиш станциялари орқали охириги истеъмолчиларига сотадиган юридик шахслар, ушбу товарларни сотишдан тушумнинг миқдоридан қатъи назар қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланади, — дейди Молия вазирлиги масъул ходими Отабек Якубов.

— Бу Президентимизнинг «Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан белгиланган. Бу эса бензин нархи кўтарилиб кетади дегани эмас. Чунки бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг ёқилғи нархи давлат томонидан тартибга солинадиган маҳсулотлар таркибига кириadi. Бу давлат томонидан АИ-80 маркали бензин учун 4500 сўм, бир литр дизель ёқилғиси 5400 сўм миқдоридан белгиланган. 15 августдан бошлаб эса АИ-91 русумли автомобиль бензинининг чакана нархи биржа савдолари орқали белгиланади.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

Бензин нархи динамикаси, 2013-2019 йиллар кесимида




Нарх ўзгариши санаси

01.01.2013 01.01.2014 10.01.2014 01.01.2015 01.01.2016 23.10.2016 15.11.2017 16.11.2018 15.08.2019

— А-80 бензинининг нархи, сўмда
— АҚШ долларининг сўмга нисбатан расмий курси
— АҚШ долларининг сўмга нисбатан "қора бозор" курси

* «Қора бозор»даги тахминий курс **2019 йил 9 август ҳолатига



Нарх ўзгариши санаси

01.01.2013 01.01.2014 10.01.2014 01.01.2015 01.01.2016 23.10.2016 15.11.2017 16.11.2018 15.08.2019

— А-80 бензинининг нархи, АҚШ долларида (Марказий банк расмий курси бўйича)
— А-80 бензинининг нархи, АҚШ долларида ("қора бозор" курси бўйича)

«Томоша» болалар театр-студияси фаолияти учун давлат бюджетидан пул ажратилади.

ОИЛАВИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА МЕДИАЦИЯ УСУЛИ ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ

ЭНДИ МАҲАЛЛАЛАРДАГИ ЯРАШТИРИШ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Оила – бахт ошёни. Бу қутлуғ гўша авлодлар давомийлигини таъминловчи, жамият бутунлиги ва аҳиллигини кафолатловчи қўрғон. Қувонарлиси, сўнгги йилларда мамлакатимизда оила ва унинг ижтимоий негизини мустаҳкамлаш ҳамда барқарорлигига эришишга катта эътибор қаратилмоқда.

Аммо тан олиш лозим, соҳада олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларга қарамай, бугун ҳам турли оилавий низо-лар сабаб кўплаб ёш оилалар ажралиб кетмоқда. Бу эса жамият ривожига тўсиқ бўлаётган энг асосий иллатлардан бири саналади.

Турмушдаги ушбу муаммонинг олдини олиш учун халқаро тажрибада кўплаб илғор усуллар амалиётга татбиқ этилади. Ана шулардан бири медиация усулидир.

Медиация ўзи нима?

Қуни кеча Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан «Оилавий медиация» мавзусида ўтказилган тадбирда оилавий низо ва келишмовчиликларни ҳал этишда медиация усулини амалиётга жорий этилиши ҳақида сўз бориб, соҳадаги муаммолар ва уларнинг ечимлари мутахассислар томонидан ўртага ташланди.

— Медиация латинча «mediatio» — «ўртадаги воситачилик» сўзидан олинган бўлиб, ундан кишилик жамиятидаги турли низо-лар, хусусан, оилавий келишмовчиликларга барҳам беришда ҳам фойдаланиши мумкин, — дейди «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази мутахассиси Гулнора Эшонхонова. — Оилавий медиация натижасида эр-хотин ўртасидаги муносабатлар уйғунлашади, оилавий муҳит яхшиланади, ота-онанинг фарзанд тарбиясида доир функциялари тўғрисида баҳс-баҳшарилади. Ихтиёрийлик, томонларнинг тенг ҳуқуқчилиги, медиаторни мустақил ва ҳолис(бетаф)лиги, жараёнга ўзга шахсларнинг аралашувиغا йўл қўймаслик, махфийлик, ирода эркинлиги медиациянинг принциплари саналади.

Халқаро тажриба қандай?

Бугун АКШ, Германия, Буюк Британия, Австрия, Япония, Хитой, Гонконг, Корея, Ҳиндистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Грузия, Украина каби кўплаб мамлакатларда турли келишмовчиликларга ижобий ечим топишда айнан медиация кенг қўлланилмоқда. Жумладан, Англияда бу усул давлат томонидан қўллаб-қувватланади. Ушбу мамлакатда медиациядан оилавий, фу-

қаролик, тижорат, трансчегаравий, корпоратив, кичик даъволар, вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятга оид низо-ларда фойдаланилади. Эътиборлиси, оилавий низо-ларда медиация харажатлари давлат томонидан қопланади. Шунингдек, Австрияда оилавий низо-ларда бу усул деярли мажбурий ўтказилади.


Маҳаллалардаги Яраштириш комиссиялари ўзини окламайпти...(ми?)

Ташкил этилган тадбирда ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги оилавий низо-ларни ҳал қилиш билан шуғулланувчи Яраштириш комиссияларининг бугунги фаолияти ўзини окламаётганилиги, комиссия аъзолари амалиётда ҳали ҳам примитив ва непрофессионал методлардан фойдаланаётгани, унинг фаолияти жамоатчилик асосида бўлганлиги ижобий самарадорликка салбий таъсир этаётгани айтиб ўтилди. Шу боис комиссия ҳақидаги Низомни қайта кўриб чиқиш ҳамда бу ҳужжатни Ўзбекистон Республикасининг «Медиация тўғрисида»ги қонунига боғлаган ҳолда такомиллаштириш, «Оилани сақлаб қолишга ёки можаро ва низо-лар ечимига йўналтирилган медиация» бўйича методик қўлланма ишлаб чиқиш, «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази махсус ўқув курси базасида Яраштириш комиссияси аъзоларининг янгича ёндашув асосида малака оширишини ташкил этиш таклиф қилинди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: маҳаллалардаги Яраштириш комиссиялари чиндан ҳам ўзини окламайптими?

«Хатолар бор, бироқ, бу – бутун бошли тизим ишламаяпти дегани эмас»

— Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этилган Яраштириш комиссияси фуқароларнинг ўз оиласи ва маҳаллаларда тинч-осойишта, ҳамжамиятликда яшашига қўмақлашиши, оилавий низо-ларни тинч йўл билан ҳал этишга ёрдам бермоқда, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши бош мутахассиси Зулхумор Жўраева. — Тўғри, баъзан ушбу комиссия фаолиятида кичик камчилик ва хатолар бўлиб туради, бироқ, бу – бутун бошли тизим ишламаяпти дегани эмас. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши томонидан



Яраштириш комиссияларининг фаолияти ва натижалари доимий мониторинг қилиб борилади. Рақамларга мурожаат қилсак, жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида ушбу комиссияга оилавий, қўни-қўшнилар ва қариндош-уруғлар ўртасидаги келишмовчиликлар юзасидан 45 минг 804 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 27 минг 258 та оила, 3 мингга яқин қариндошлар, 3 минг 453 та қўни-қўшни муроасага келтирилган, 6 минг 241 та хонадон фуқаролар йиғинлари томонидан доимий назоратга олинган. Бу залворли рақамлар ортида эса жамоатчилик асосида ишлаётган фидойи инсонларнинг заҳматли меҳнати ётибди. Қолаверса, ушбу рақамлардан ҳам кўриб, билиш мумкинки, кўплаб фуқаролар оиласидаги низо-ларни бартараф этиш учун ФХД, суд каби

бермади. Натижада 2-3 йил ўтиб улар бир эмас, икки эмас, нақд уч фарзанднинг ота-онаси бўлишди. Энди ўзингиз ўйланг, агар ўшанда улар ажралиб кетганда нима бўларди? Ўйламанки, Яраштириш комиссиясининг давлат ва жамоат ташкилотларида масъул лавозимларда ишловчи ва ҳаётий тажрибага эга аъзоларининг беминнат саъй-ҳаракати билан бутун бошли бир оила сақлаб қолини. Балки медиация усули самаралидир, бироқ уни амалга ошириш учун барибир маҳалланинг ёрдамига эҳтиёж сезилади. Шундай экан, Яраштириш комиссияси фаолиятини бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлаш, унинг иш самарадорлигини оширишга қўмақлашиш зарур.

Оилавий медиация билан 9098 та маҳалладаги оилавий низо-ларни ҳал қилса бўладими?

— Ўзбек халқи азал-азалдан оиладаги муаммоларни ён-атрофга овоза бўлишини, яқинлар ўртасидаги низо-ларга ҳар қимнинг ҳам аралашшини истамайди, — дейди Зулхумор Жўраева. — Шу боис Яраштириш комиссияси ўз фаолиятини имкон қадар эҳтиёткорлик билан олиб боради. Ҳатто, оилавий низо-лардан қўни-қўшниларнинг хабар топмаслигини таъминлаш мақсадида икки томон билан яқка тартибда суҳбатлар ўтказилади. «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан илгари сурилаётган медиация усули эса шу ҳисобдан комиссиянинг ўз олдига қўйган мақсадига жуда ўхшаши. Бироқ бугун мамлакатимизда 9098 та маҳалла бўлса, улардаги барча оилавий низо-ларни ана шу усул билан ҳал қилиш мумкинми? Назаримда, бу имконсиз. Шунинг учун медиация усулини маҳаллалардаги Яраштириш комиссиялари ишига қўшимча қўмақ сифатида жараёнга татбиқ этиш ижобий самара беради.

Хулоса ўрнида

Маҳалла – азалдан ҳаётимизда учрайдиган барча иллатларнинг олдини олишда бирламчи тарбия маскани ҳисобланган. Шундай экан, оилавий низо-ларни ҳал қилиш мақсадида илгари сурилаётган барча илғор лойиҳаларни, энг аввало, маҳалла иштирокида, фуқаролар йиғинлари қошидаги Яраштириш комиссияси билан ҳамкорликда амалга ошириш фойдадан холи бўлмайди.

Саъдулло ТУРСУНОВ
«Mahalla»

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳузуридаги «Маҳалла зияси» ўқув-услубий маркази томонидан юртимиздаги мавжуд 9098 та маҳалладаги барча яраштириш комиссиялари «Фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссияси фаолиятини ташкил этиш бўйича» услубий қўлланма билан таъминланган.

Марказий сайлов комиссияси: партиялар овоз тўплашга киришди.

«ЭТИ СИЗНИКИ, СУЯГИ БИЗНИКИ»...МИ?

ЁХУД ЎҚУВЧИЛАР НЕГА КАЛТАКЛАНЯПТИ?

Баъзан кулоғимизга чалиниб қолади: «Боласини ургани учун ота бориб ўқитувчининг ёқасидан олибди», «онаси муаллимни ҳақоратлаб шарманда қилибди» ва ҳоказо. Шунда ўзимиз мактабда ўқиган даврларни эслаб бу касб эгаларига ачингандек бўламиз: «Дарс тайёрламай келса ҳам, тарбиясизлик қилса ҳам ўқувчисини чертолмайди, бечора» ёки «Уриб-сўкмасанг, болани ўқитиб, тартибга келтириб бўладими?» Назаримизда, кўп ҳолларда бундай ғавғолардан кейин ўқитувчининг ўқувчига атайлаб қўл кўтаришига кўзи учиб тургани йўқ. Лекин, шунга қарамай, ўқувчиларнинг калтакланиши ижтимоий тармоқларнинг алоҳида мавзусига айланган — ҳали у ерда, ҳали бу ерда шунақа воқеа юз бергани ҳақида тарқалаётган видеотасвирларга кўзимиз тушади. Хайрон бўласиз, ўқитувчи бошига бало орттиришини била туриб бу ишга қўл урмаса керак.

Хаммаси мажбурликданми?

— Ҳозир мактаб ўқитувчилари кийин бир аҳволда қолган, — дейди олий тоифали ўқитувчи Холбозор Тилолов. — Илгари муаллим ўқувчининг бирор айби учун урса, ота-онаси ҳеч қачон ёқасидан олмасди. Ҳозир-чи? Сал туртсангиз, келиб мактабни бошига кўтаришади. Ахир, ўқитувчи бесабаб жазоламайди. Кўриб турибмиз, айрим ёшларда ўқитувчисига нисбатан хурматсизлик, беписанд муносабат шаклланиб улгурган. Ойлада эрка ўстириляётган, мактабда ўз билганича юрган бола одоб деган тушунчадан кўп узоклашиб кетган. Энди тасаввур қилинг, педагог шундай эрка ва худбин



ўқувчига қандай таълим беришин, одоб-ахлоқни ўргатсин?! Баъзилар педагогик маҳоратни ишга солиш керак, дейишади. Бу вазиятда педагогик маҳорат фойда берармикин?..

Бошқа чора йўқми?

— Ўқитувчининг ўқувчини калтаклаши, ҳақоратлаши, камситиши педагогик меъёрларга зид бўлиб, уни ҳар қандай ҳолатда ҳам оқлаб бўлмайди, қолаверса, бундай ҳаракат қонун билан тақиқланган, — дейди Халқ таълими вазирлиги масъул ходими Ихтиёр Махматкулов. — Ота-она фарзандини ургани учун ўқитувчининг судга берса, у қонуний жавобгарликка тортилиши мумкин. Шундай экан, педагог таълим олаётган болага қайси йўл билан таъсир кўрсатиши мумкин? Энг аввало, у имкон борича ўз ўқитиш, тарбиялаш услуби билан натижага эришишга ҳаракат қилиши керак. Бу фойда бермаган тақдирда ҳам ўқитувчида жисмоний жазолашдан бошқа таъсир чораларини кўриш имкони бор. Айтиш жоизки, Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган «Умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчи ва ўқувчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари»да ўқитувчига ҳам,

ўқувчига ҳам таълим муассасасида ўзини тўғри тутиш билан боғлиқ маълум бир мажбуриятлар белгиланган. Уларга амал қилмаслик тегишли чоралар кўрилишига олиб келади. Айнан ўқувчиларнинг дарс жараёнида ёки мактаб ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларини бузиши масаласига тўхталсак, ўқитувчи бу вазиятда уларга нисбатан аниқ чораларни қў-

эса ота-она мактабга чакиртирилиб, улар билан фарзандининг ҳулқ-атвори масаласида суҳбатлашади. Ушбу чора ҳам натижа бермаса, тартиб-бузар ўқувчи Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясининг рўйхатига киритилади. Энди унинг тарбияси назорати билан ўқитувчи ёки мактаб эмас, мазкур комиссия шугулланади. Комиссия рўйхатида турган бола яна тарбиясиз қилиқларини давом эттирса, ота-она моддий жавобгарликка, яъни жаримага тортилади. Тарбиявий таъсир чоралари шу билан тугамайди. Ўқувчининг ҳулқи шунда ҳам тузалмаса, у маълум бир муддатга, мисол учун, 3 ёки 6 ой давомида тарбияси оғир болалар муассасасига тарбиялаш учун юборилади. Қачонки, ҳулқи яхши томонга ўзгарсагина ушбу ўқувчи ўзи таълим олаётган мактабга қайтарилади.



риши мумкин. Ўқитувчининг биринчи чораси — ўқувчининг «Қундалик дафтери»га ёзган ҳолда ота-онани боласининг ножўя ҳаракатлари ҳақида огоҳлантириш. Бу ҳолат иккинчи марта такрорланганда

Тизим нега ишламаяпти?

Аммо ўқитувчиларнинг андишаси ёки бошқа сабабга кўра, камдан-кам ҳоллардагина бу каби таъсир чораларига мурожаат қилинади. Айтилик, кишлоқ жойларда ўқитувчи ҳам, ўқувчи ва ота-онаси ҳам битта ҳудудда яшаши, кўча-кўй, тўй-маъракада юзма-юз келиш бор, кўз кўзга тушади. «Элдошининг боласини ички ишлар бўлимига топширибди», деган маломат эса уни қароридан қайтаради. Энг ачинарлиси, шунга мажбур бўлганда ҳам аксарият ўқитувчиларнинг мазкур тизим ҳақида тўлиқ тушунчага эга эмаслиги ва унинг бу борадаги ҳаракатини рағбатлантирувчи муҳит йўқлигидир.

Қолаверса, Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси фаолиятига масъул ҳуқуқ-тартибот идораси ҳам мактабнинг сўровига асосан «арзимас» қилмиши учун болани осон-

ДАРВОҚЕ...

«Ўқитувчилар кунини» қаерда қачон нишонланади?

1994 йилдан бери дунёнинг 100 дан ортиқ давлатида 5 октябрь Бутунжаҳон ўқитувчилар кунини сифатида байрам қилинади. Чунки ЮНЕСКО ва Халқаро Меҳнат ташкилоти «Ўқитувчиларнинг мақоми борасида тавсиялар» тўғрисидаги ҳужжатни 1966 йил 5 октябрда имзолаган.

Австралия: октябрь ойининг охиригигача
Албания: 8 март
Аргентина: 11 сентябрь
Бразилия: 15 октябрь
Вьетнам: 20 ноябрь
Ҳиндистон: 5 сентябрь
Эрон: 2 май
Хитой: 10 сентябрь
Корея: 15 май
Тайвань: 28 сентябрь
Ўзбекистон: 1 октябрь
Белорусь, Латвия, Қозоғистон, Украина: октябрнинг биринчи яқшанбаси
Россия, Арманистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Молдова, Эстония, Литва: 5 октябрь
Польша: 14 октябрь
Туркия: 24 ноябрь

ликча рўйхатига киритиб, ўзига ортиқча иш орттиришни хоҳламаса керак...

Нима қилмоқ керак?

Вазият шу даражада экан, бу масалани асло ўз холига ташлаб қўйиб бўлмайди. Чунки носоғлом муҳит мактаблардаги таълим сифатига салбий таъсир кўрсатиши аниқ. Бундай ҳолат учун ёлғиз ўқитувчининг айбдор қилиб кўрсатиш ноўрин. Аксинча унга барча жавобгарлиқни юклаб, иложсиз қолдириш ўрнига, бу борада кўмак берилса, адолатли иш бўларди. Педагоглар ўртасида замонавий таълим услубларини оммалаштириш баробарида, уларга ўқувчилар билан ишлашнинг ушбу жиҳатларини етказиш, керак жойида қўллаб-қувватлаш, бундай амалиётни намунавий тарзда мактабларда йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Энг муҳими, ўқувчи онгига мактабда ўзини тутишга, ўқитувчи билан муомалага масъулият билан ёндашиш, йўл қўйиладиган ноўрин хатти-ҳаракати учун жавобгарлик борлигини синдириш пировард натижа бўлиши керак. Шундай муҳитдагина ўқитувчи ўз обрўсини кўтариш, ўқувчилар меҳрини қозониш мақсадида чин дилдан меҳнат қилади.

Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»

МЕНДА САВОЛ БОР...

Мактабдаги тиббиёт ходими нималарга масъул?



— Мутахассислигимга кўра тиббиёт ходимиман. Мактабда соҳам бўйича ишламоқчиман. Бу вазифадаси ходимнинг вазифасига нималар қиради?

Н.ФОЗИЛОВА.

Сирдарё вилояти Боёвут тумани.

Дилшод АБДУҚОДИРОВ,
Тошкент халқаро Вестминстер университетининг юридик департаменти ходими:
— Умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низомга кўра, мактабларда ўқувчиларга тиббий хизмат кўрсатиш учун тиббиёт муассасалари томонидан тиббиёт ходимла-

ри бириктирилади.

Тиббиёт ходимлари мактаб раҳбарияти ва педагог ходимлар билан бир қаторда даволаш-профилактика тадбирларини ташкил этиш, санитария нормалари, қондалари ва гигиена нормативларига риоя қилиш, овқатланиш режими ва сифатига, ўқувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва соғломлаштириш учун масъулдирлар.

Бунда мактаб раҳбарияти томонидан тиббиёт ходимларининг фаолият олиб бориши учун зарур шарт-шароитлар (махсус жой, меъбел ва тиббий жиҳозлар, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган дори-дармонлар) яратиб берилиши зарур.

Талабаларга стипендия тўлаш тўғрисидаги қарор муҳокамага қўйилди.

Август ойи охирида Қашқадарё вилояти Чироқчи туманида яшаган 31 яшар аёл номаълум сабабга кўра, ўзига ва уйига ўт қўйгани тўғрисидаги хабар вилоят ахлини ларзага солди. Гувоҳларнинг айтишича, аёл кечкурун уч боласини уйдан ташқарига чиқариб, ўзига бензин сепиб ёқиб юборган. Натижада худкуш касалхонада жон таслим қилди. Афсуски, бу ягона ҳолат эмас...

ИНСОН ЎЗ ЖОНИГА НЕГА ҚАСД ҚИЛАДИ?


Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова хотин-қизлар ҳуқуқларига оид матбуот анжуманида жорий йилнинг олти ойи мобайнида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,6 фоизга камайганини билдирган эди. Унга кўра, 2019 йилнинг биринчи ярмида суицид ҳолатларининг 57,3 фоизи эркаклар, 42,7 фоизи аёллар томонидан содир этилган. Ўз жонига қасд қилганларнинг асосий қисми рухий носоглом одамлар, деб топилган. Шунингдек, оилавий жанжаллар ҳам суицидларни келтириб чиқараётган омиллардан экани таъкидланади. Расмийлар Ўзбекистонда ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари ҳар 100 минг кишига 5,2 тани ташкил қилишини билдиришмоқда. Бу бизнинг ҳисобимизга кўра, республика бўйлаб йилга бир минг уч юз нафарга яқин инсон худкушликка қўл уради, дегани. Юқоридagi масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош суицидиологи Гулнора Пирлиева билан суҳбатлашдик.

Бу ҳақда гапирмаган маъқулми?

— Аслида ўз жонига қасд қилиш билан боғлиқ ҳолатларни оммавий ахборот воситалари орқали ёритишда эҳтиёт-

корлик билан йўл тутилса, мақсадга мувофиқ бўларди, — дейди Г.Пирлиева. — Бу кўпчида суицидларнинг олдини олишга эмас, аксинча уларнинг орттишига сабаб бўлиши кузатилган. Мисол учун, ХҲП асрда машҳур француз адибларидан бири мазкур мавзуда асарлар яратган бошлагач, мамлакатда


рақамлар, алоҳида ҳолатларни сир тутишни мақсадга мувофиқ деб билади. Мутахассис сифатида фақат шунчун аниқ айтишим мумкинки, Ўзбекистон, умуман, мусулмон давлатларининг кўпчилигида ўз жонига қасд қилиш муаммоси кескин тус олмаган.



бу каби ҳолат кескин кўпайган. Натижада ҳукумат адибга ёзишни таққиллаб қўйиш даражасида чоралар қўллаган. Шу каби ҳолат собиқ совет иттифоқи даврида ҳам кузатилди. Матбуотда аёллар ўртасидаги суицидлар тўғрисида мақолалар чоп этилиши ўз жонига қасд қилувчиларнинг кўпайишига олиб келди. Шу боис психотерапия айнан мазкур соҳада кўпроқ профилактик чораларга мўхталиб, аниқ

Дунёда ҳар сония 40 киши худкушлик қиладими?

Кўпчида ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг ортиши ёки камайиши жамиятдаги маиший, иқтисодий, ҳуқуқий вазият билан боғланади. Аслида эса бундай қарашлар ноўрин. Зеро, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёда ҳар кирк сонияда бир инсон худ-



кушликка қўл уради. Улар орасида аҳолининг яшаш шароити жуда юқори бўлган давлатлар ҳам бор. Салбий рейтингда Марказий Осиё давлатларидан фақат Қозғистонгина суицидлар кўп учрайдиган давлатлар каторига киртилган. Етакчилар эса Литва (ҳар 100 минг кишига — 68,1 та), Беларусь (ҳар 100 минг кишига — 63 та), Россия (ҳар 100 минг кишига — 58 та), АҚШ (ҳар 100 минг кишига — 52 та), Шри Ланка (ҳар 100 минг кишига — 44 та) ва Украина (ҳар 100 минг кишига — 40 та) давлатлари ҳисобланади. Кўриниб турибдики, бу мамлакатларнинг аксариятида маиший ёки ҳуқуқий шароитлар билан боғлиқ муаммолар кам. Аксинча аёллар ҳуқуқлари поймол этилади, деб эътироф қилинадиган Эрон, Саудия Арабистони ва бошқа мусулмон мамлакатларида худкушлик жуда оз учраши халқаро ташкилотлар томонидан тан олинган.

Унда сабаб нимада?

Суицид сабабларини гуруҳларга ажратиш мумкин. Масалан, рухий касалликлар, оилавий жанжаллар, етишмовчилик ва ҳоказо. Шунингдек, суицидологлар хавф гуруҳларини ҳам ажратади. Булар алкоголик ёки гиёҳванд азбоси бўлган оила, яширин ёки очикча полигам (кўпхотинлилик) оилалар, ногирон фарзандларини тарбиялаётган оилалар, рухий касал азбоси бўлган оилалар ҳисобланади. Аммо барибир суицид ҳар бир ҳолатда ўзига хос бўлиб қолаверади. Шу боис уларнинг кўпроқ содир этилиши услубларига кўра гуруҳлаймиз. Ана шунга қараб, худкуш жамиятга нима демокчи бўлганини, қандай эътироз бўлганини аниқлашга уринамиз. Суицидлар сонини йўқка чиқариш эса дунё психолог ва психотерапевтлари нуктаи назаридан утопия — имконсиз ҳолат, деб ҳисобланади.

Психотерапевтлар етишмайдими?

Ривожланган давлатларда ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг кўпайиб бораётганига стресс, одамларнинг жамиятдан ажралиб, ёлғизлиб қолаётгани сабаб бўляпти. Зеро, инсон ижтимоий мавжудот ҳисобланади. У ўзини жамиятдан

айро кўра олмайди ва бундай ҳолатга дош беролмайди. Одам бу ҳолатда ўзини кераксиз ҳис этади. Онг остида ўз-ўзини йўқ қилиш механизмлари ишга тушади. Шундан келиб чиқиб хавф гуруҳларига кирувчи инсонларга ишга жойлашиб, одамлар билан кўпроқ мулоқот қилиш тавсия этилади. Атрофдагилар — бизнинг мамлакатимиз мисолида эса жамоат ташкилотларига, жумладан, маҳалла фаолларига бундай одамларга эътиборлироқ бўлиш кераклиги ўқитирилади. Уларни турли тадбирларга жалб қилиш, ижтимоий фойдаланиш меҳнатга йўналтириш кераклиги тушунтирилади. Ёшлар ўртасида эса майда маиший муаммолар, жавобсиз муҳаббат, замонавий ахборот технологиялари, суицид тарғиботи ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг кўпайишига олиб келиши эътироф этилади.

Психологга боришдан уялмаслик керак

Психолог ёки психотерапевт хизматларининг яхши йўлга қўйилмагани ҳам суицидларнинг келиб чиқишида бош омилдигича қоляпти. Бу масалада Ўзбекистонда ҳам жиддий муаммолар мавжуд. Бизда, аввало, малакали психолог ва психотерапевтларнинг етишмаслиги кўзга ташланса, иккинчидан, халқимиз менталитети билан боғлиқ тўсиқлар мавжуд. Ҳозир республикаимизнинг барча вилоятларида қайсидир даражада бепул психолог ва психотерапевт хизматлари йўлга қўйилган. Аммо улардан фойдаланадиганлар сони кам. Ходимларимиз маҳаллалар, жамоат ташкилотлари орқали худудларда маърузалар қилишни йўлга қўйган. Аммо бу одам билан индивидуал ишлашдек натижа бермайди. Бундан ташқари, бизнинг бепул хизматларимизни ташкилотда амалга оширишни истовчи иш берувчилар, жамоат ташкилотлари ҳам деярли йўқ ҳисобда.

Аҳолининг психологик ҳолатини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар янада самара бериши учун эса одамларнинг қарашларини ўзгартириш лозим.

«Mahalla» мухбири
Улугбек ИБОДИНОВ
ёзиб олди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Худкушлик даражасига етказганлик учун қатъий жазо бор

— Маҳалладошларимиздан бири турмуш ўртоғига нисбатан шафқатсиз муомалада бўлаётганини биламиз. Аёл пиёниста эридан қочиш кўпчида қўйинлариникига яширинади. Ўзини ўлдирганини айтиб ишқоят қиларди. Одамни шу даражага олиб келганлар учун ҳам жазо борми? Ахир бу ҳам қотилликка тенг ҳолат эмасми?

Нозима ТўЛАГАНОВА.
Сурхондарё вилояти.

Эркинжон АБДУЛЛАЕВ,
Адлия вазирлиги ходими:

— Мамлакатимиз Жиноят кодексига ўзини ўлдирish даражасига етказиш, ўзини ўлдирishга ундаш каби жиноятларни содир этганлик учун жазо белгиланган. Унга кўра, шахсни кўрkitиш, унга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиш натижасида уни

ўзини ўзи ўлдирish даражасига ёки ўзини ўзи ўлдирishига суиқасд қилиш даражасига етказиш — уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Мазкур ҳаракат моддий томондан ёки бошқа жиҳатлардан айбдорга қарам бўлган шахсга нисбатан, вояга етмаган шахсга ёки ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан, бир гуруҳ шахслар томонидан олдидан тил бириктириб, телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек, Интернет бутун-жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса, жиноятчи етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиниши мумкин.

Ўзини ўзи ўлдирishга ундаш, яъни кўндирish, алдаш ёки бошқа йўл билан ўзга шахсда ўзини ўзи ўлдирish ҳиссини уйғотиш билан боғлиқ ҳаракатлар учун жиноятчи икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин.

УМУМИЙ ЖИНОЯТЛАР СОНИ ЎТГАН ЙИЛГА НИСБАТАН 31,4 ФОИЗГА КАМАЙДИ

БИР ҚАРАГАНДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА ҲАММАСИ РИСОЛАДАГИДЕК, АММО...

Тун кўйида оҳиста қадам ташлаб келаётган шарпалар атрофда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, девор оша кўздан ғойиб бўлди. Бироздан сўнг ҳовли этагидаги эшик зулфи ғичирлаб очилди. Ҳаммаёқ жим-жит, «ов»лари бароридан келаётганига ишонч ҳосил қилишгач, сигирни машинага юклаб, қоронғи зулмат кўйига сингиб кетишди...

Маҳалладаги хонадонларнинг бирида содир бўлган ўғирлик ҳақидаги хабар тезда ён-атрофга тарқалди. Эмишкни, «Ҳеч кимга билдирмай орқа эшикдан бемалол олиб кетишибди. Ҳеч қандай из қолмабди, энди сигирни топиб бўлмайдим...»

Хукук-тартибот органлари томонидан жиноятчиларни қўлга олиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва суриштирув ишлари бошланди. Иш маҳалла ҳудудининг кириш қисмига ўрнатилган видеокамера тасвирларини кузатишдан бошланди. Ярим тунда маҳаллада бемақсад юрган уч ўсмирнинг хатти-ҳаракати эътиборни тортиди. Яқин қариндоши, таниш-билиши бўлмаган қўшни маҳаллалик йигитларнинг ҳафта давомида бу ерга «серкатнов» бўлиб қолгани «ўғирлар» изига тушишга ёрдам берди. Шу тариха уч кишидан иборат бўлган жиноий ғуруҳ қилмишларини элга ошкор бўлди...

Қувасой шаҳридаги «Қалача» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Раҳмонжон Абдуқодиров. — Ҳолбуки, бундан бир-икки йил муқаддам бу борада мақтанишига аризулик ишларимиз айтарили йўқ эди. Қолаверса, бу ўз-ўзидан амалга ошмайдиган иш. Аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, маҳалла фаоллари, ёшлар, кенг жамоатчилик билан олиб бораётган ўзаро ҳамкорлигимиз яхши самара бермоқда. Шу мақсадда ҳудудимиздаги 26-мактабга таълим муассасаси, 17-умумтаълим мактаби ёшлари ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, унинг сабаб ва оқибатлари ҳақида мулоқотлар олиб боришга алоҳида эътибор қаратганимиз. Чунки ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайдими.

Яқинда маҳаллада бўлиб ўтган тўйда икки ўсмир ўзаро тортишиб қолди. Кўпнинг аралашуви билан улар бироз муросага келди. Лекин иш бу билан



1038 та маҳалла фуқаролар йиғинларининг кириш ва чиқиш ҳисобларига, кўп қаватли уйлارга 5253 та видеокузатув камералари ўрнатилгани ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш, олдини олиш ва жиноят аломатлари билан боғлиқ бўлган ҳолатларни фоти этишда катта ёрдам бермоқда, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари Шухрат Саидов. — Бундан ташқари, тунги вақтларда ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида жамоат тартибини сақлаш мақсадида вилоят кенгаши томонидан «Фидокор ёшлар» патруль хизматлари ташкил этилгани ҳам жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш имконини

Пайшанба — профилактика кун... (ми?)

Бир қараганда ҳаммаси рисоладагидек, лекин 385 та маҳалла фуқаролар йиғинларида бир қанча жиноят содир этилди. 188 та маҳалла фуқаролар йиғинида жиноятчилик билан боғлиқ бўлган ҳолатлар ортган.

— Жиноятчиликка қарши курашиш фақат ҳуқуқ-тартибот идораларининг иши бўлиб қолмаслиги керак, — дейди Олтиариқ туманидаги «Оқбўйра» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маъруфжон Тошпўлатов. — Бунда ота-она ва ошлагада маънавий муҳим муҳим ўрин тутади. Шу боис ҳар бир ҳудудда жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил этишга алоҳида эътибор қаратиб, барча ҳуқуқбузарликларни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш керак.

Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш, унинг олдини олишда ҳафтанинг ҳар пайшанба кунини ўтказиб келинаётган «Хуқуқбузарликлар профилактикаси кунини» тадбирлари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Жорий йилнинг 19 сентябрь санасида маҳаллаларда ўтказилган тадбирларда аниқланган жиноятчилик билан боғлиқ бўлган амалий ишлар ўйлаш, мушоҳада қилишга қорлайди. Чунки олиб борилаётган амалий чора-тадбирларга қарамай, бу борадаги кўнгилсиз ҳолатлар, афсуски, учраб турибди. Биргина «Давомат» тадбири давомида ўкув машғулотларига қатнашмаётган 39 нафар касб-ҳунар ва 11 нафар умумтаълим мактаб ўқувчилари аниқланиб, машғулотларга жалб этилди.

Кўришиб турганидек, вилоятда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, унга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар салмоғи ортгани сари ечимини қутаётган қатор масалалар борлигини ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бир кунини кўрсатиб турибди. Шундай экан, мавжуд муаммога қарши курашиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз бўлмоғи лозим.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»



«Ўзаро ҳамкорлик яхши самара бермоқда»

Мол ўғирлари очик суд муҳокамасида қилмишларига яраша жазо олишди, пушаймон бўлишди. Кўпнинг кўз ўнгига фоти этилган жиноятчилик маҳалла аҳлини янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга қорлайди.

— Кейинги икки йилда маҳалламизда жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик каби салбий ҳолатлар қайд этилмади, — дейди

поёнига етмайди. «Ярани газак» олдирмаслик мақсадида уларнинг яқинлари билан юзма-юз мулоқот қилдик, ёшларни ота-оналари, яқинлари олдида яна бир бор муросага чақирдик. Тунов кунини икки ўсмирни ҳамжиҳат бўлиб, қурилиш бригадасида ишлаётганини кўриб роса қувондим.

604 та маҳаллада умуман жиноят содир этилмади

Вилоятда жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан мутасадди ташкилотлар билан олиб борилаётган амалий ҳамкорлик натижа-сида умумий жиноятлар сони ўтган йилга нисбатан 31,4 фоизга камайди. 604 та маҳаллада эса умуман жиноят содир этилмади. Бу соҳада олиб борилаётган ишлар самарадорлигидан дарак.

— Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида

ДАРВОҚЕ...

Шу кунга қадар вилоятда содир этилган 350 та оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларнинг барчаси вилоят, шаҳар ва туман секторлари раҳбарлари иштирокида муҳокама этилиб, тегишли тадбирлар белгиланди. Бугунги кунга қадар сектор раҳбарлари иштирокида маҳаллаларда содир этилган 887 та жиноят муҳокама этилди.

бермоқда. Барча маҳалла фуқаролар йиғинларида «Менинг маҳаллам жиноятдан холи ҳудуд», «Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмайди!» ишорлари остида кенг жамоатчилик иштирокида мунтазам давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, ички ишлар органлари профилактик ҳисобида турган ишсиз, боқувчисини йўқотган, яқка-ёлғиз фуқароларнинг ижтимоий ҳолати чуқур ўрганилиб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда. Айниқса, жиноятчиликка мойиллиги бўлган нотинч оилалар доимий назоратга олиниб, устоз-мураббийлар бириктирилмоқда. Шу кунга қадар жиноят содир этишга мойиллиги бўлган 17 минг 138 нафар профилактика ҳисобида турган шахсларга мураббийлар бириктирилиб, уларни ижтимоий ҳаётга қўнқатириш, соғлом турмуш тарзига қайтариш чоралари кўрилади.

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Маъмурий хизмат ҳудудларида криминоген вазиятни барқарор ҳолда сақлашда ижобий натижага эришган 1495 нафар профилактика инспекторлари ва 281 нафар ёрдамчилари ҳамда бу ишларга бевосита амалий ёрдам бериб, фидойилик кўрсатган 203 нафар маҳалла фуқаролар йиғини раислари пул мукофоти билан рағбатлантирилди. 85 та таянч пунктлари жорий таъмирланди, 39 тасида капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди, 269 та таянч пунктларига компьютер жамланмалари берилди.

МОБИЛ ТЕЛЕФОНЛАР НЕГА МАЖБУРИЙ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛМОҚДА?

Энди ҳамма назорат остидами?

Юртимизда 22 миллиондан зиёд мобил алоқа абонентлари, шунингдек, 16 миллиондан кўпроқ мобил интернет фойдаланувчилари мавжуд. Ҳозирда улар билан боғлиқ муаммолар оз эмас. Биринчи навбатда — абонентнинг хавфсизлик чораси. Шу мақсадда юртимизда барча мобил қурилмаларни мажбурий рўйхатдан ўтказиш борасида амалий ишлар бошлаб юборилган. Бундан кейин ҳар қандай мобил телефон алоҳида код билан рақамланиши белгиланган.

Ҳўш, бундай ҳолатда телефон эгасининг шахсий маълумотлар базаси нима бўлади? Агарда телефон рўйхатдан ўтказилмас-чи? Шу хусусдаги саволларга мутахассислардан жавоб олдик.

Декабрда бепул ўтказилади

— Мазкур янги тартиб тўлиқ йўлга қўйилгач, фуқаролар учун қатор афзалликлар тугилади, — дейди Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бошқарма бошлиғи Темурашанпин. — Бугунги кунга қадар 29 миллиондан зиёд қурилмаларга IMEI кодлари автоматик тарзда қўйилиб рўйхатдан ўтказилган. Шундан 500 мингтаси халқаро стандартларга жавоб бермайдиган IMEI кодларидир. Бундай сифатсиз телефонларни 1 ноябрга қадар ишлатиб, автоматик тарзда регистрация қилиб олиш мумкин. Мобил қурилмалар IMEI кодларини рўйхатга олиш жараёни босқичма-босқич ўтказилади. Илк босқич — шу йилнинг 1 апрелидан бошланган ва бу 1 ноябрга қадар давом этади. Унда барча мобил алоқа терминаллари автоматик тарзда бепул, фойдаланувчиларнинг иштирокисиз, фақатгина алоқа операторлари томонидан UZIMEI базасига ўтказилмоқда. Иккинчи босқич — бир ой давом этади, яъни 1 ноябрдан 1 декабргача. Бу муддат ичида жисмоний шахслар, импорт қилувчилар ва ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам мобил қурилмаларни бепул рўйхатдан ўтказишади. Бу жараён почта алоқа бўлимлари, SMS ва USSD сўровлар, UZIMEI тизими оператори ва Ўзбекистон Республикасининг



ягона интерактив давлат хизматлари портали (www.mv.gov.uz) орқали амалга оширилади. Учинчи босқич — 1 декабрдан бошланади ва пулли асосда рўйхатга олинади.

Ўғирликнинг ҳар учинчиси — мобил телефон

— Бу тадбирлардан асосий мақсад — фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ноқонуний мобил алоқа воситалари савдосини чеклашга қаратилган, — дейди Адлия вазирлиги масъул ходими Зафаржон Раҳмонов. — Ҳозирги кунда шахсий телефонни йўқотиши ҳолатлари сони ортиб бормоқда. Охириги уч йил давомида содир этилган ўғирлик ҳолатининг ҳар учинчиси мобил телефони билан боғлиқ. Бундан кейин янги телефон олган киши ундан 30 кун мобайнида фойдаланиши мумкин. Шу давр ичида абонент белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиши шарт. Агар бу муддат ичида мобил телефони рўйхатдан ўтказилмас у қора рўйхатга киритилади. Бу дегани фуқаро мобил алоқадан фойдалана олмайди. Яъни телефон блокланади. Чекка ҳудудлардаги телефонлар ҳам рўйхатга олиниши шартми, деган савол тугилиши табиий. Юртимиздаги ҳар бир фуқаро мобил телефонини рўйхатдан ўтказиши шарт. Чекка ҳудудлардаги фуқаролар мобил тизими операторига ёки давлат хизматлари агентлигига бориб ўтирмасдан SMS орқали белгиланган тартибда рақам олишлари мумкин. Ўзбекистон фуқароси бўлмаган шахслар



ДАРВОҚЕ...

IMEI коддини текшириш тизим операторидан барча SMS-хабарлар ва абонентлардан SMS/USSD сўровлар бепул асосда амалга оширилади. IMEI рақами рўйхатга олинганини uzimei.uz сайти ёки мобил операторига SMS/USSD сўрови юбориш орқали билиб олиш мумкин.

ва сайёҳлар ҳам юртимиз ҳудудида 30 кун муддатга рўйхатдан ўтказмай бемалол фойдаланишлари мумкин. Бир ойдан кўпроқ яшашса, БҲМ (базавий ҳисоблаш миқдори)нинг 20 фоизи миқдорида пул тўлаб, рўйхатдан ўтказишади. Ўзбекистон фуқароси бўлмаганлар хориж сим картасидан фойдаланганда рўйхатдан ўтказиши шарт эмас. Маҳаллий оператор сим картасини 30 кундан ортиқ муддатда фойдаланса, рўйхатдан ўтказиши керак.

Шунингдек, ишлатилмаган мобил қурилмалар ҳам рўйхатдан ўтказилиб қўйилиши керак. Агар фуқаролар вақтинча фойдаланмаётган қурилмаларини 1 ноябргача бир марта сим карта қўйиб ишлатса, антенна кўриниши билан IMEI маълумотлари мобил оператори орқали UZIMEI базасига автоматик равишда киритилади. Аввал рўйхатга олинган мобил қурилмалар қайта рўйхатга олинмайди.

Қора рўйхатдагилар хорижда ҳам назоратда

Ўғирланган ёки йўқотилган, яъни қора рўйхатга тушган телефон ха-

рид килинса, телефонга сим карта қўйилгандан кейин алоқа оператори томонидан бу телефон ўғирланган ёки йўқотилганлар рўйхатида экани, қурилмани ички ишлар бўлимига топшириш кераклиги ҳақида SMS-хабар келади. Юртимизда қора рўйхатга киритилган телефондан бошқа давлатларда ҳам фойдаланиб бўлмайди. Чунки қора рўйхатга киритилган қурилмалар GSM халқаро ташкилоти базасига киритилди. GSMга аъзо бўлган 40 дан ортиқ давлатда бу телефон ишламайди. Бошқа давлатда қора рўйхатга тушган қурилмалар ҳам Ўзбекистонда ишламайди.

Телефондаги шахсий маълумотлар тақдир

Мобил телефонларнинг бугунги кунда функциялари шунчалик кўпки, у ҳар қандай кишининг шахсий маълумотлар базасига айланиб қолган. Пул операциялари, шахсий ҳужжатлар билан боғлиқ масалалар ва ҳоказоларни ўз телефонлари орқали бажаришни йўлга қўйиб олганлар ораида кам эмас. Мажбурий рўйхатдан ўтказилиши борасидаги талаблар кўпчилик фуқароларда телефондаги маълумотлардан бирон-бир ташкилот ёки шахс воқиф бўлмасикан деган саволни уйғотиши табиий. Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш Республика марказида фуқароларнинг шахсий маълумотлари сақланмайди. Фақат рўйхатга олинган код рақами сақланади. Бошқа маълумотлар мобил операторлари ва ҳукук-тартибот органларида сақланади. Эртага бирвининг телефони йўқолса ёки ўғирланса, ИИБ томонидан марказга маълум IMEI рақамини ўчириш сўрови келади. Бу IMEI рақами барча мобил операторлари базасида блокланади.

Хулоса ўрнида

Мобил алоқаларнинг босқичма-босқич рўйхатга олиниши ўз-ўзидан нархларнинг қимматлашишига олиб келиши таъин. Чунки фақат қонуний равишда олиб қирилган қурилмалар рўйхатга олинади. Бунда божхона ва солиқ харажатлари, шунингдек, IMEI учун тўланган миқдор ҳам телефон нархига қўйилади. Кейинчалик соғлом рақобат мухити шаклланиб, энг катта телефон компанияларининг расмий ваколатхона ва дўконлари, хизмат марказлари очилса, нархлар тушиши мумкин.

Шунингдек, жорий йилда мобил алоқа операторлари республикамизнинг барча ҳудудлари бўйлаб 3000 та янги база станциясини ўрнатади.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

ТЕЛЕФОНЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ НОҚОНУНИЙ КИРИТИЛГАН

Давлат статистика қўмитасининг маълумотига кўра, 2019 йилда мамлакатимизга 115 мингта мобил телефонлар қонуний йўл билан олиб қирилган. Ваҳоланки, бизда 22 миллиондан ортиқ мобил алоқа фойдаланувчилари мавжуд. Мутахассисларнинг ўрганишича, бутун дунёда барча мобил алоқа фойдаланувчиларининг 15 фоизи ҳар йили ўз ускуналарини алмаштиради. Бу дегани юртимизда 22 миллион фойдаланувчи бўлса, камида 3 миллион қурилма ҳар йили янгиланиши керак эди. Лекин рақамларда 115 мингта мобил телефонлар қонуний йўл билан олиб қирилган бўлиб, ноқонуний йўл билан олиб қилиши улуши жуда юқори.

ХОРИЖДА

Буюк Британияда IMEI-кодларни рўйхатга олиш биринчилардан бўлиб бошланган. Тетишли қонун 2005 йилда қабул қилинган. Улардаги қонунга кўра, мобил қурилмаларнинг IMEI-кодларини алмаштириш билан шугулланганлар бир неча йилгача қамалиши мумкин.

Озарбайжон мамлакатид IMEI-кодларни рўйхатдан ўтказиш тизими 2013 йилнинг 1 майдан ишга тушган. Озарбайжонга киритилган ҳар бир мобил қурилма 30 кун ичида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Бу хизмат текин бўлиб, электрон ҳукумат порталида электрон рақамли имзо ёрдамида бажарилади. Бу талаб Озарбайжонга келган ва ўз SIM-карталари ва роумингдан фойдаланаётган хориждиклар ва сайёҳларга таъбиқ этилмайди.

Туркияда IMEI-кодларни рўйхатга олиш бошланганига 12 йил бўлди. Бу қонда фақат чет элдан олиб қирилган қурилмаларга тааллуқли. Туркияда хорижий алоқа операторлари роумингидан ишлатилган телефонлардан фойдаланишга чекловлар йўқ. Агарда хорижий сайёҳ маҳаллий алоқа оператори хизматидан фойдаланишни истаса, унда телефонини рўйхатдан ўтказиши керак. Акс ҳолда унинг мобил қурилмаси блоклаб қўйилади.

Яккасаройда Ўзбекистон — Корея ўқув-ишлаб чиқариш технопарки очилди.

Ўзлимизни англаш боғи

Тошкент шаҳри мамлакатнинг бош дарвозасидир. Ундан кириб келаётган ҳар бир меҳмон ўзи учун яратилган қулай шароитларга қараб, мамлакат тараққиёти ҳақида хулоса чиқариши мумкин. Шу боис кейинги йилларда пойтахтимизда турли лойиҳалар амалга оширилиб, нафақат хорижлик сайёҳлар, балки халқимиз учун ҳам зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Пойтахтимизнинг қоқ марказида барпо этилган «Наврўз» боғида эса бутун Ўзбекистон халқининг ўзига хос турмуш тарзи, миллий урф-одат, анъана ва қадриятлари акс эттирилди. Қувонарлиси, бу ерга ташриф буюрган киши ўзбек халқининг ўтмиши ва бугунидан тўлиқ хабардор бўлади.



Бундан икки йил олдин, аниқроғи, 2017 йил 7 август кунин Президентимизнинг «Тошкент шаҳрида «Наврўз» боғи қурилиши» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Шундан сўнг пойтахтимизнинг Лабзак, Абдулла Кодирий, Шароф Рашидов ва Нурафшон кўчалари кесилишган жойда «Наврўз» боғини бунёд этишга киришилди.

Бевосити раҳбарининг ташаббуси ва кўрсатмалари асосида қисқа фурсатда ўзига хос, бетакрор мажмуа қад ростлади.

Дам олиш масканига икки олам – коинот ва ернинг бир-бирига боғлиқлигини ифодаловчи рамзий шаклдаги дарвозадан кирилади. Тўғрида фавворали Наврўз амфитеатри жойлашган. Ўнг томонда ҳаёт давомийлиги тисмоли – диаметри 72 метрни чархпалак қурилган. Анҳор каналли устидан ўтувчи 88 метрни кўприк дам олувчиларга ўзига хос сайр қилиш имкониятини улашади.

Этнографик шаҳарча

Боғ ичида ўзбек халқининг бой анъаналари ва маданиятини ўзида намоён этган 2,5 гектар майдонда этнографик шаҳарча барпо этилган. Бу ерда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар номлари билан аталадиган кўчалар ва қадимий услубда уйлар бунёд этилиб, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос анъаналари, хунарамандчилиги, турмуш тарзи акс эттирилган.

Президентимиз гоҳисига кўра, шундай боғ барпо этилиши керак эдики, бу ерга келган сайёҳ, аввало, мамлакатимиз ҳақида кенг тасаввурга эга бўлиши, ҳар бир ҳудуднинг бе-

такрор жойлари ҳақида маълумотлар олиши, шундан кейин юртимизнинг яна қайси масканларига боришини ўзи учун ҳал этиб олиши лозим эди. Бу таклиф ва кўрсатмалар боғни қуриш жараёнида тўлиқ ҳисобга олинди, – дейди «Наврўз» боғи директори ўринбосари Хўшид Йўлдошев. – Ҳар бир уй тарихчи олимларнинг асарларида келтирилган маълумотларга таяниб, ҳудуднинг қадимий меъморилик анъаналари асосида қурилади. Бу ерда кўчалар номига қараб, иншоотлар қайси ҳудудга тегишли эканини билиб олиш мумкин. Паҳса девори ҳовлилар, айвонлар, чойхона ва устахоналар тисмолида қадимий маҳалларимиз қайта тикланган. Бу ёшларнинг халқимиз тарихи ва миллий маданиятимиз ҳақидаги билимларини бойитиб, ватанпарварлик туйғуларини қучайтиради, хорижлик сайёҳлар учун диққатга сазовор маскан бўлади.

Сайёҳлар масканига айланмоқда

Дарҳақиқат, ушбу мажмуани бунёд этишдан асосий мақсад ҳам пойтахтимизнинг туристик салоҳиятини ошириш, Наврўз байра-

ми ва у билан боғлиқ удумларни, қолаверса, ўзбек халқининг турмуш тарзи ва анъаналарини халқимиз ҳамда туристлар орасида кенг тарғиб этишдир. Бу борала ҳали етарли даражада тарғибот ишлари олиб борилмаган бўлса-да, туристлар ташрифи аллақачон бошланган. Этнографик шаҳарчадаги Хоразм кўчасида жойлашган рассом Умар Ражабовнинг уй устахонасида бўлганимизда юртимизга сайёҳ бўлиб келган хитойлик эр-хотини учратдик.

– Бу ерда биз ижодкорлар учун барча шароитлар яратилган, – дейди Умар Ражабов. – Ҳатто, оилавий яшаш учун ҳам. Тарихимиз ва қадриятларимиздан сўзловчи ушбу мажмуада хорижий сайёҳлар мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятига хос халқ амалий санъати ва хунарамандчилиги ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлмоқда. Улар нафақат ясалган тайёр буюмларни, балки тайёрланиш жараёнини ҳам кузатиш имкониятига эга бўлмоқда. Сайёҳлар шахсий санъат кўрсатмадаги асарларимизга катта қизиқиш билдириб, ўзларига ёққанини сотиб олишмоқда. Бу ерда ёш ижодкорлар учун тўсрақ ҳам очдим. Ҳозир етти нафар ўқувчи рассомчилик санъатини

ўрганишмоқда.

Боғда ҳар бир вилоятга хос миллий таомлар ҳам тайёрланмоқда. Хоразм кўчасидаги Камолдин Сададинов раҳбарлигидаги оилавий ошхона ҳам сайёҳларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Улар бу ерда нафақат тановул қилишмоқда, балки хоразмча таомларнинг тайёрланиш жараёнини бевоқифа кузатиб, тағиб ҳам қўришмоқда.

– Ўзбекистонга бир неча бор келганман, аммо бундай жойни кўрмаганман, – дейди туркиялик сайёҳ Дениз Байсал. – Бу масканга келиб, ўзимни қадимий шаҳарда юргандек ҳис этилман. Худди очик осмон остидаги музейга ўхшади. Менга Хоразм таомлари жуда ёқди. Ошпазлар маҳорати эса таҳсинга лойиқ. Қувонарлиси, Ўзбекистон ажойиб меҳмондўст халқ.

Тарихий шаҳарчанинг қарвонсарой қисмида Тошкент шаҳрининг ўзига хос урф-одатлари, анъана ва қадриятлари акс этган. Амалий санъат, ёғоч ўймакорлиги ва наққош санъатининг бир-биридан бетакрор намуналари, усталарнинг иш жараёни ҳеч қимми бефарқ қолдирмайди. Ёғоч ўймакори Абдурауф Ҳасановнинг ранг-баранг ижод намуналари, қаштачи Моҳира Султонованинг «Сўзана Султон» хунарамандчилик маркази ҳам бокка ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Тарихий обидалар саёхатга чорлайди

Наврўз – умумхалқ байрами. Унда миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимиз намоён этилади. Бирок шу кунга қадар халқимиз маданияти, миллий қадриятларимизни тўлалигича акс эттириб берадиган бош майдон бўлмади. Кейинги йилларда бевоқифа Президентимиз ташаббуси билан Наврўз умумхалқ байрамининг ўзгача бир тарзда, халқ сайли сифатида нишонланиши ҳам бежиз эмас. Ўз номига муносиб «Наврўз» боғи эса бундан буён ана шу вазифани ўтайди. Зеро, тинчлик, тотувлик, фаровонлики улуғлаб келган, ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадриятларга эш бу байрам юртимизда яшашган барча миллат вакиллари учун бирдек қадри ва ардоқли байрамдир.

Шу боис боғнинг қоқ марказида «Наврўз» инсталляцияси барпо этилди. Гумбаз шаклида бунёд этилган композициянинг периметри бўйлаб айлана шаклида кўприк ҳам қурилган. Унда пиёда сайр қилиш мумкин. Мажмуа остида 250 ўринли амфитеатр ўрин олган бўлиб, унинг марказига Ўзбекистон ҳаритаси туширилган.

Қувонарлиси, ушбу мажмуа туристлар учун ўзига хос ҳарита вазифасини ўтайди. Негаки, бу ерда тарихий обидалар – Хоразм вилоятидаги Ичан қалъа, Сурхондарё вилоятидаги Жарқўрғон минораси, Самарқанд вилоятидаги Регистон майдони, Бухоро вилоятидаги Арк, Минораи қалон, Пойи Қалон меъморий ансамбли, Чор Минорнинг қичқиллаштирилган қўринишлари туристларни мамлакатимизнинг тарихий қадамжолари билан таништирибгина қолмай, уларни ўша жойга боришга чорлайди.

Боғ ҳудуди янада кўркамлашади

Боғ маъмуриятининг ишлаб чиқариш муҳандиси Абдулла Норбековнинг таъкидлашича, келгусида боғ ҳудудида яна бир қатор лойиҳалар амалга оширилади. Айни пайтда турли байрам тадбирлари, хусусан, Наврўз умумхалқ байрамини нишонлаш учун уч минг нафар томошабинга мўлжалланган амфитеатр қуриломоқда. Боғ ҳудудида яна бир йил лойиҳа – усти ёппак аквапарк мажмуаси бўлиб, унда қатталар ва болалар учун сув аттракционлари, Сра-маркази, болалар майдончаси, кафе-ресторанлар ўрин олади. Боғ бўйлаб соябон шаклида ресторанлар ҳамда автотураргоҳ майдони қуриш ишлари бошлаб юборилган.

Президентимиз таъкидлаганидек, ўзликни англаш нуктаи назардан бу жойнинг аҳамияти катта. Бу ерда миллий қадриятларимиз, тарихимиз яққол кўринади. Ўз тарихини чуқур билган халқ гурурли, қудратли, бадавлат бўлади. Шу боис ушбу боғ Наврўз кунлари эмас, йил давомида гавжум бўлиши, бу ерга келганлар маданий ҳордиқ билан бирга маънавий озука ҳам олиши шубҳасиз.

Рустам ЮСУПОВ
«Mahalla»



Энди метрода ҳам мобил телефондан фойдаланиш мумкин.

ҚИЗДА ҲАЁ БЎЛСИН, ЙИГИТДА ҒУРУР

КЎП МАРТА АЙТИЛИБ, СИЙҚАСИ ЧИҚҚАН МАВЗУ БЎЛСА-ДА, ҚИЗЛАРНИНГ ҲАЁСИ, ЙИГИТЛАРНИНГ ҒУРУРИ, ТЎҒРИРОҒИ, МИЛЛАТ НОМУСИ ҲАҚИДАГИ МУЛОҲАЗАЛАРИМИЗ КЎП ҲАЛИ. ЗОТАН, ОР-НОМУС, ШАРМ-ҲАЁ ТУЙҒУЛАРИ ЮРТ ТАҚДИРИГА ДАХЛДОР ЭКАН, БУ МАВЗУ ҲАМИША ДОЛЗАРБ БЎЛИБ ҚОЛАВЕРАДИ

Чакалогини пулламоқчи бўлган талаба

Маҳаллада ўтказилган сайёр судда одам савдосига оид жиноят иши кўриб чиқилди. Судланувчи аёлларнинг бири эллик беш, иккинчиси йигирма бир ёшда.

— Яхшилик қиламан, деб маламатга қолдим, ёшгина қиз «ўз жонимга қасд қиламан» деб тургач, раҳмим келди-да, оқибати бунақа бўлишини билмагандим, — дейди оқарган сочларини рўмоли тагига яширишга уринаётган аёл айбини тан олгиси келмай. — Бу ўзини осмоқчи эди, ахир...


— Отамдан, акаларимдан қўрқдим, ўқийшим шу йил тугарди, қишлоққа қайтишим керак эди, иложсизликдан шу йўлни тутдим, — дея йиғлайди қиз. — Олдимда икки йўл турганди: ё ўзимни ўлдиришим ёки боладан қутулишим керак эди...

Хўш, аслида воқеа қандай бўлган? Ҳисларини жиловлай олмаган қиз ҳомиладор бўлганини пайкаб, ўзи ижарада яшайдиган уй эгасидан ёрдам сўради. У ижара уйи эгасининг кизи Туркияда эканини биларди.

— Туркияга кетиш осонми, бунинг учун қўлингда пулинг бўлиши керак. Яхшиси, бола-ланг тугилгач, уни бирорта тирноққа зорға пуллаймиз, ҳарна йўлқиранг бўлади, — дея мўмай даромад йўли топилганидан ҳурсандлигини яширалади «хотал».

Қиз бундан ваҳимага тушди, ҳадемай қорни билиниб қолса, институтга қандай боради, кейин, боласини сотиш жиноят эмасми? Боши берк кўчага кириб қолган қизнинг бунга рози бўлишдан ўзга чораси йўқ эди. Бу орада аёл фарзандсиз оилани топиб, чакалок савдосини пиштиб ҳам қўйди, таниш гинеколог эса «судлабурон ижарачининг» таклифига кўнгандек бўлди-ю, тузилган режа ҳақида тегишли жойга хабар берди.

Нихоят қутилган кун келди. Мехр ва маърифат бешигида эмас, армон эшигида улғайишга маҳкум норасида 15 миллион сўмга сотилаётган пайда қонун ҳимоячилари томонидан бу чиркин савдога чек қўйилди. Бир ғуноҳнинг кетидан иккинчисига қўл урган она ва унинг шериги панжара ортига йўл олди, чакалок эса Мехрибонлик уйига топширилди.



Шаҳар марказидаги шармандагарчилик

Навоий вилояти ҳокимининг топшириғига асосан, ИИБ, Хотин-қизлар кўмитаси, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, Фукарларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Навоий вилояти кенгаши ҳамда вилоят телерадиокомпанияси ҳамкорлигида Навоий шаҳридаги кўнгилочар масканлар, жумладан, Алишер Навоий номидаги истироҳат боғи ва сунъий қўл атрофидан тунги рейд ўтказилди. Очиғи, рейд давомида аён бўлганларни батафсил ёзишга калам хижолат.

Ўринда бир-бирига чирмашиб ўтирган жуфтлар видеотасвирга олинар экан, йигит қўллари билан юзини беркингишга, ўзини танитмасликка ҳаракат қилди. Таажжубки, унинг пинжидан чиққиси келмаётган қиз заррача хижолат бўлмади, аксинча шангиллашга ўтди:

— Йигитишар камерангни, сьемка қилишга ҳақдинг йўқ. Булар эркин нафас олишга қўйишмайди, шекилли. Нима, биз жиноят қилаямизми?

Рейд иштирокчилари ўзларини таништиргач ҳам қиз эътироз билдиришдан тўхтамади. Иккидан иккинчига, ёшларнинг ҳар иккиси ҳам талаба бўлиб, қўшни вилоятдан ўқиш учун келишган экан. Афсуски, улар «болам ўқишга кирди», дея олдида чиққанга мактаниб юрган, қувончи ичига сиғмаётган, топганини фарзандига илинаётган ота-онасининг ишончини суиистеъмол қилиб, кўнгилайига эрк бериб юрибди...

Келажакда бундай йигитдан қандай оила бошлиғи чиқади? Ана шундай орсиз йигитлар куёвсаломда таъзим қилиб, кўрмана тўплайдиган «куёвчаклар»га айланмаяптими?

Орсиз йигит «куёвчак» бўлади

— 120 минг сўмлик тарифдаман, интернет «VIP», кечкурун тўрт соатлаб «1то»да чет элдоғи ўртоқларим билан гаплашаман.

— Ие, ойнага шунча пулни телефонга сарфлаш шартми, бундайроқ тарифга ўтсанг бўлмайдими?

— Менга нима, пулни қизчам ташлайди. У билан битта репетиторга қатнаймиз, шо-колаб ўзим, «пул ташламасанг, сени ташлаб кетаман» дегандим, юраги ёрилди, ҳар ойнинг биринчи санасида саҳардан, иложи бўлса, кечкурун соат 12 дан кейин ташлайди. «Кароче», қизчам зўр, отасининг пули қўп, шунга ўйлансам, ҳали «ЖИП» ҳам миниман, Худо хоҳласа...

Таксида беихтиёр ғувожи бўлганим бу суҳбатдан хайрон қолдим. Қиз йигит ўзини ташлаб кетмаслиги учун унинг қўл телефонидаги ойлик тўловни тўлаб борар экан. Астафуриллох, нахотки, бугунги кизларимиз йигитлар олдида ўзларини шунчалик қадрсиз қилишмоқда?! Уялмасдан қиз

боладан таъма қилаётган йигит-чи? Унда заррача гурур бўлганида қиз боланинг қўлига қараб қолганини айтиб мактанмасди, аксинча уяларди.

Келажакда бундай йигитдан қандай оила бошлиғи чиқади? Қолаверса, ҳозирдан бўлгуси қайнотадан қимматбаҳо машина ундиришни режалаштириб турган бўлса. Ана шундай орсиз йигитлар куёвсаломда таъзим қилиб, кўрмана тўплайдиган «куёвчаклар»га айланмаяптими?

Гап йигитларнинг орияти ҳақида борар экан, яна бир мулоҳазани айтмоқчимиз. Бугун шарм-ҳаёни унутган, андишага бегона қизлар кўпаяётганига айрим йигитлар ҳам сабабчи эмасми? Бир пайтнинг ўзига бир нечта қизга «ўлдирим-қўлдирим» қилиб, уларни йўлдан уришга ҳаракат қилаётган йигитда озгина миллий гурур бўлса, бундай йўл тутмайди. Чунки алдов қурбони бўлаётган, ширин ёлғонларга учиб номусини, келажатини бой бераётган қизлар унинг миллатдоши, элдоши. Ҳаё кўтарилган элдан барака қочади, ҳаёни унутган миллатнинг келажаги хатарда қолади. Зотан, ҳаё — миллат девори.

Бегона эркакка SMS ёзиш хиёнат...(ми?)

Ажралишлар қўлпиги бугуннинг ижтимоий муаммосига айланган. Тахлилларга кўра, никоҳларнинг бекор қилинишида хиёнат сабаб бўлаётган ҳолатлар кўпаймоқда.

— Қайносалар келин танлашда адашганидан қўрқиб қолганда. Қизларни маҳалла идорасига келиб, сўраб-суриштиришганти, — дейди Кармана туманидаги «Кўҳна кўрғон» маҳалласининг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий

қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассиси Равно Хидирова. — Яқинда тўйдан кейин келин собиқ севгилис билан SMS ёзишгани сабабли бир ойлик оила бузилишга сал қолди. Бизни ҳайрон қолдиргани, келинчак ўзини мутлақо айбдор ҳисобламади. Чунки собиқ севгилиси хорижда, у билан учрашмаганини, шунчаки телеграмда ҳол-аҳвол сўрашиш хиёнат эмаслигини айтди. Қуёв эса буни хиёнат, деб билди ва ажрашмоқчи бўлди. Минг бир уриниб, оилани сақлаб қолдик.

Демак, келинчак оилани аёл бегона эркак билан телеграмда ёзишиш мумкин эмаслиги, у номаҳрамлигини тушунмайди. Яхшиямки, ўша бегона йигит узоқда экан, аксинча бўлганида келин у билан учрашмаган бўлса-да, қуёв ажралиш фикридан қайтмасди. Бундан кўринадики, оналаримиз узатилаётган қизларига оилани аёл қандай бўлиши кераклигини уқтириши лозим. Ҳар бир қизнинг келин бўлиб тушган жойида илдиз отиб, палак ёйишида у улғайган оилаларни мухит, тарбия муҳим роль ўйнайди.

Айб фақат ёшлардами?

Бир тadbирда ёшларнинг очик-сочик қийиниши, юриштириши, кўча-қўйда ўзини туттиши танқид қилинар экан, «катталар ҳаминша биздан норози бўлишди, уларнинг ўзлари-чи?» дея эътироз билдирилган ҳам бўлди. Бунга уларда етарлича асос бор эди. Ҳақликларини мисоллар билан исботлаб ҳам беришди.

Ёши элликни қораласа-да, тиззадан баланд юбка ёки тор шим кийиб, ўзини ёшроқ кўрсатишга уринувчи аёлларни ҳаммамиз ҳам кўрганимиз. Надоматки, бундайлар турли касб эгалари, жумладан, ўқитувчилар орасида ҳам бор. Қизяк, ўқувчи қизнинг қўлига пардози «котириб», сунъий киприкларини пирпиратиб дарс ўтаётган муаллимнинг сабоғи қаримкан? Устознинг туриши бу тахлит бўлгач, у шогирдини қийиниш одоби ҳақида бир нарсая дея оладими?

Тўйларда-чи? Эркаклар билан ёнма-ён ўтириб, улар билан «уриштириб» спиртли ичимлик ичаётган оналар келин отган гулни ушлаш илинжида жонхалак бўлган, даврани қанғитиб, йигитлар қатори ер тепишган қизига одоб-ахлоқдан гапира оладими? Вояга етаётган ўғил-қизи олдида ёнбошлаб хориж сериалини кўраётган ота-она «оммавий маданият» зарари ҳақида нима ҳам дейиши мумкин?

Мухтасар айтганда, кўп марта айтилиб, сийқаси чиққан мавзу бўлса-да, қизларнинг ҳаёси, йигитларнинг ғурури, тўғрироғи, миллат номуси ҳақидаги мулоҳазаларимиз кўп ҲАЛИ. Зотан, ор-номус, ифбат, шарм-ҳаё туйғулари юрт тақдирига дахлдор экан, бу мавзу ҳаминша долзарб бўлиб қолаверади.

Холбиби САҒАРОВА
«Mahalla»

Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида «Озарбайжон киноси кунлари» ўтказилмоқда.

Хар бир ижодкорнинг ўз йўли, айтар сўзи бўлади. У ўзининг хос фазилатлари билан бошқалардан фарқ қилади. Афсуски, кўпчилик бу майдонда чақмоқдек бирдан чақнайдию зумда кўздан ғойиб бўлади. Аслида, санъат саҳнасида ҳамиша бирдек нур таратиб туришнинг имкони борми?

Жаҳонгир ҚОСИМОВ:

КИНОНИНГ ҚИЙМАТИНИ МАБЛАҒ БЕЛГИЛАМАЙДИ

Ха, албатта, бор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Жаҳонгир Қосимовга нисбатан айни таърифларни келтириш мумкин. Унинг санъатда босиб ўтаётган йўлларига кўз ташласангиз, Асқад Мухтор, Эркин Аъзам, Тохир Малик, Фахриёр каби қалам вакиллари номини учратасиз. Демак, у кинони шунчаки юмуш, деб билмайди. Ижодкор учун фильмдаги хар бир қаҳрамон, хар бир сўз залвори муҳим. Кино оламининг барча чигирналарида тобланган, соҳада айтар сўзини топа олган инсон билан суҳбатимиз шунинг учунми, мароқли ўтди.

— Ўзбек киносининг бугунги қиёфаси кечагидан нечоғли фарқ қилади?

— Сир эмас, яқин йилларгача кино давлат назаридан четда, ҳаминқадар яшаб келаётганди. Ижодкорлар орасида «Давлат берган пул, шунга яраша ишлаймиз», деган тушунча бор эди. Кино томоша қиладиган жойлар кам эди. Ўша кезларда ким учун кино оляпмиз, ким кўради бу фильмларни деган ўй билан ишлардик. Бир-иккита фестивалларга эса ўзимизни хурсанд қилиш учунгина борардик.

Бугун эса вазият тамомилан ўзгарган. Фильмларимизни чет элда суратга оляпмиз. Тўғри, аввал ҳам бундай жараёндар бўлган. Бирок уларнинг барчаси кўшма фильмлар эди. Айнан ўзбек киноларини хориж мамлакатларида олиш тажрибаси бизда бўлмаган. Авваллари Россия, АҚШдан келиб Бухоро, Самарканд, Хива каби шаҳарларимизда фильмлар олишса, ҳавас қилардик. Бугун бу имконият бизга ҳам яратилди. Табиийки, бу ижодкорларни руҳлантирди.

— Юқорида кино соҳаси учун талай имкониятлар эшиги очиб берилганини қайд этдингиз. Айтинг-чи, ижодкорлар улардан фойдалана оляптими?

— Гуруч курмакисиз бўлмайди. Афсуски, баъзи ижодкорлар «Куним ўтса бўлди», «Оламизда, ишни тезроқ тугатсак, тугата қолайлик», деган енгил ўй билан фильм олмакда. Режиссёр, оператор аравани ўзи билган

томонга тортипти. Натижада киноларимиз орасида «кунлик»ларни кўпаймоқда. Аслида, бир кино устида ишлаётган хар бир мутахассис аравани 2-3 томонга эмас, биргаликда тортиши керак. Бунинг учун, аввало, томошабин олдидаги жавобгарлиқни ҳис қилиш керак.

— Назаримда кинотеатрларимизга томошабинлар оқими камайгандек...

— Қарс икки қўлдан чиқади. Хар бир ижодкор ўзига танкидий муносабатда бўлиши керак. Томошабин ҳаққоний баҳони берувчи ҳакам. Кинотеатрлардан уларни бездирган, «хонтахта» фильмлар билан хафсаласини пир қилган ҳам шу масъулиятни ҳис қилмаганлик оқибати. Баъзида ижодкорлар орасида «Менга берсангиз бўлди, кинони ҳозир ишлаб ташлайман» деб катта кетувчиларни учратамиз. Ёки «Кинонингиз унча ўхшамабди», деган фикрни берсангиз, «Сен бу кинони тушунмагансан» дея манманликка бериладиганлари ҳам бор. Кино ким учун ишланади? Албатта, халқ учун. Шунинг учун олиб чиқилаётган мавзу омма учун аҳамиятга эга бўлиши керак. Бу жиҳат эътибордан четда қолгани учун ҳам бугун кинотеатрлари-

миз сийраклашиб қолган.

— Айтинг-чи, режиссёр кино олишда, аввало, нимага эътибор бериши лозим?

— Инсон қайси соҳа вакили бўлишидан катъи назар ҳамиша изланишда бўлиши керак. Мен хар бир фильмимни суратга олаётганда оператордан тортиб расмол ишигача аралашаман. Камчиликларини тузатишга ҳаракат қиламан. Ўз ўрнида улардан ҳам ўрганаман. Чунки ижодкор ўрганмаса, изланмаса, бир қобикка тушиб қолади, ўша доирадан чиқа олмайди. Тасаввур ва фикрлашни эса фильмларни томоша қилиш, жаҳон киносини кузатиб бориш сайқаллайди.

Мухаббатни чет эл фильмлари қандай олиб чиқяпти? Режиссёр нимага эътибор қаратган? Ёки инсон фожиасини драматини ёритишда энг муҳим жиҳат нимада? Тарих ва уруш саҳналари қандай олинапти? Томошабин учун нима муҳим нима қизик? Шу саволларга жавоб топиш асносида ижодкор ўйлайди, мушоҳада юритади. Ўзига ёққанларидан ниманидир ўрганади, ёқмаган нарсадан эса иш жараёнида имкон даражасида қочади. Чехов: «Ёмон китоб



«MAHALLA» МАЪЛУМОТИ:

✓ «Дев билан пакана» фильмида постановкачи-режиссёр бўлиб ишлаган ижодкор «Қиношоқ» кинофестивалида энг яхши эркак роли учун совринини қўлга киритди.

✓ «18 квадрат» фильми учун эса «Золотой витязь» кинофестивалида миллий антитеррорчилик кўмитасининг махсус соврини эгасига айланди.

✓ Айни пайтда ижодкор «Ибрат» бадиий фильми устида ишламоқда. У Исҳоқхон Ибротнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланади.

ўқиган бемаъни одам билан гаплашган билан баробар», деган эди. Шу маънода яхши фильмни ёмонидан ажрата олиш ҳам муҳим. Режиссёр қачонки шу кўникмани ўзида шакллантирса, шунда фикрий ўсишга эришади.

— Кино мисоли кўзгу.

Унда халқ турмуш тарзи, одамларни ўйлантираётган масалалар, юртда бўй кўрсатаётган бунёдкорлик ишлари аксини топиши керак. Бугунги ўзбек киноси айни шу вазифани қай даражада уқдалаяпти?

— Фильмларимиз бу вазифани адо этмоқда. Бирок юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари фақатгина ҳужжатли фильмлардагина ақсаланмоқда. Ваҳоланки, бадиий фильмларда ҳам бунинг

кўрсатиш, кадрлар ранг-баранглигида фойдаланиш мумкин. Бугунги киноларимизда ватанпарварлик руҳи йўқ. Бу сўз кимгадир эриш туюлар, сийкаси чиқиб кетган мавзу дегувчилар ҳам топилади. Аммо хар биримиз она Ватанимиз билан фахрланишимиз керак. У биронинг кўзи учунгина эмас, ўз-ўзимиз учун бўлиши керак.

Ахир, бундан 20-30 йил аввалги турмуш тарзи билан бугунни таққослаб бўладими? Яқин-яқингача тарихий мавзуларга мурожаат қилмасдик. Қаҳрамонларнинг барчаси замонавий бўлиши керак эди. Кинога берилган эътибор сабаб 2018 ва 2019 йилларда яхшими ёмонми, йигирмага яқин тарихий фильм суратга олинди.

— Кинонинг сифатини

нима белгилайди: маблагми ёки...

— Кино — ниҳоятда қиммат махсулот. Бирок кўп маблаг сарф қилингани унинг қиймати белгиламайди. Кино тарихий ёки замонавий мавзуда олинмишидан катъи назар сифатли бўлиши керак. Одам тугилибдики, бирон нарсга қизиқади. Бирон ўзига солинмаган қизиқиш эса киши тийнатиши хиралаштиради. Кино эса инсонлар қизиқишини йўналтирувчи, форматга солувчи тарғибот воситаси ҳисобланади. Ғояси пишик, сифатли кино хар қандай шароитда ва даврда ҳам қийматини йўқотмайди. Томошабин ҳам кинога машина ёки телефон ишлаб чиқарувчи корхонага қарагандек эмас, балки санъатдек муносабатда бўлиши лозим. Боиси санъатда аниқ белгиланган стандарт йўқ.

— Бугун кино машхурлиқнинг бир воситасига айлангандек, гўё...

— Бугун соҳада ўз касбига меҳр қўйганлар, уни ҳаётининг мазмунини деб билгувчилар кам. Яқин 20 йил ичида ўзбек киносини бир жойда тўхтаб қолди. Чунки соҳанинг етук мутахассислари пул топиш учун савдо-сотикка ёки бошқа соҳаларга ўзини урди. Шу зайл суратга олишда иккинчи бўгин ҳисобланган иккинчи режиссёр, ёрдамчи оператор, ассистент, расмол, пардозчи каби кадрлар йўқолиб қолди. Ҳозирги ёшлар эса ижодга келмай туриб кино олишни истайди. Сценарий билан қизиқмайди. Баъзилари фильмда илгари суриллаётган ғояни билмай туриб кастингни қачон бошлаймиз, деб сўрайди. Мана шулар кинога ижод учун эмас, ўзини кўрсатиш учун келяпти. Машхур ёзувчилардан бири: «Сиз ўзингиздаги санъатни яхши кўринг, ўзингизнинг санъатда бўлишингизни эмас» деганди. Афсуски, бугун кино атрофида ўралашиб юрганларнинг аксарияти машхурлик учун кинони танламоқда.

— Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат!

«Mahalla» мухбири
Садокат МАХСУМОВА
суҳбатлашди.

Бахшичилик санъатига ихтисослаштирилган республика мактаб-интернати ташкил этилди.

ОЙПАРАСТЛИК ҚАНДАЙ КАСАЛЛИК? УНИ ДАВОЛАШ МУМКИНИМИ?

БУ КАСАЛЛИККА БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР КЎПРОҚ МОЙИЛ БЎЛАДИ. КАТТА ЁШЛИЛАР ОРАСИДА ЭСА ҲАР МИНГ КИШИДАН БИТТАСИ ОЙПАРАСТ БЎЛАДИ

Айрим инсонлар уйқусида гапиради, атрофдагилар билан мулоқотга киришади ва ҳатто, хонадан-хонага алмашиб юради. Лекин буларнинг ҳеч бирини унинг ўзи билмайди. Бу — «сомнамбулизм» (ойпарастлик) деб аталади. Халқимиз ойпарастликни касаллик деб ҳисобламайди ва табиийки, уни даволаш мумкинлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди. Аслида ойпарастлик қандай касаллик? Уни даволаш мумкинми?

Касалликнинг сабаби нима?

Бу ҳолат руҳий босим ва асаб бузилишлари натижасида вужудга келади. Унга чалинган боланинг уйқу фазалари аста-секин эмас, тезкор равишда алмашилади, мия зўриқиб, уйқу бузилади. Миёдаги ҳаракатланиш маркази блок ҳолатига тушиб, сигналлар етиб келишдан тўхтади. Олимлар ойпарастлик ерда электромагнит майдоннинг ўзгариши билан боғлиқ экани, шу сабаб тўлиқ ой чиққан пайтда инсонларда тунги уйқудagi ҳаракатлар авж олиши ҳақида фикр билдирган.

Шунингдек, ойпарастликка организмда кечаётган бирор касаллик (эпилепсия, мигрен, бош жароҳатлари), юқори ҳарорат, дориларнинг ноўзат таъсири, стресс ва кўрқув ҳам сабаб бўлади. Айрим ҳолларда эса бола боши билан йиқилганда мия чайқалиши, лат ёйиш, бош суяклариди синиш ёки ёрилиш, миёга қон қуйилиш кузатилиши ҳам ойпарастликка сабаб бўлиши мумкин. Шу боис бола боши билан йиқилганда жароҳат сезилмаса ҳам уни текширувдан тўла ўтказиш шарт. Бу дардга чалинган болани вақтида даволатиб, ундан буткул халос бўлиш мумкин. Ёшлигида ой-



парастликка чалинган болаларнинг 99 фоизи бутунлай тузалиб кетади.

Таъкидлаш керак, сомнамбулизмга болалар ва ўсмирлар кўпроқ мойил бўлади. Катта ёшлилар орасида эса ҳар минг кишидан биттаси ойпараст бўлади.

Бу касалликми?

Айримлар уни касаллик деб атайди. Бопка бир мутахассислар эса сомнамбулизмни асаб бузилишининг бир кўриниши ёки бош мия шикастланишининг (туғма ёки орттирилган) оқибати деб билади. Бирок статистик маълумотларга кўра, агарда ота-онанинг ҳар иккиси ҳам сомнамбулизмдан азият чеккан бўлса, уларнинг фарзандларида, ойпарастлик ривожланиши эҳтимоли 60 фоз бўлиши мум-

кин. Бу ҳасталикнинг айрим ҳолларда ирсият билан ҳам боғлиқ эканидан далolat.

Уйқу гигиенаси нима?

Ойпарастлик антидепрессант ва седатив воситалар билан даволанади. Касаллик аломатлари кучли бўлмаса, кун тартиби ва уйқу меъёрини мувофиқлаштириш билан муаммони ҳал этиш мумкин. Агар хуруж тез-тез такрорланса, энсефаллограмма (бош мия фаоллигини текшириш мақсадида олинадиган сурат) текшируви талаб этилади. Шунингдек, уйқу гигиенасига риоя этиш — ҳар кунги ухлаш ва уйғониш учун бир вақтни танлаш ҳам ойпарастликнинг олдини олиш ва даволашга ёрдам беради.

Дам олиш кунлари ва таътил вақтида тартиб бузилса, бола

ДАРВОҚЕ...

Тадқиқотчи-олимлар оиладаги касалликлар тарихини ўрганганч, ота-онаси ойпараст бўлмаган болаларнинг 22,5 фоизи умрида бир марта бўлса-да, уйқусида туриб юрганини аниқлашди. Ота-онасидан бири ойпарастликдан азоб чекувчи болаларнинг 47,4 фоизи шу дардга йўлиқар экан. Отаси ҳам, онаси ҳам сомнамбулизмга дучор бўлган болаларнинг 61,5 фоизи ойпарастликка мойил бўлади.

тўлақонли ухломаслиги ва натижада ойпарастлик келиб чиқиши мумкин. Уйқуга кетиш олдида душ қабул қилиш, китоб ўқиш, мусика тинглаш яхши ором олишни таъминлайди. Бола қоронғи хонада, чирокни ўчириб, зарурат туғилса, факат тунги чирокдан фойдаланиб ухлашига ва ётоқхона ҳароратининг мўътадиллигига аҳамият бериш зарур.

Кечки пайт болага ширинликлар, газли ичимликлар, таркибда кофеин мавжуд егуликлар бермаслик керак. Бунинг ўрнига кун давомида табиат қўйнида сайр қилиш, велосипед ҳайдаш, жисмоний тарбия билан шугулланиш зарур. Қолаверса, болани ўта эмоционал воқеалардан асраш керак.

Ўткир ХОННАЗАРОВ,
невропатолог.

ЙЎҒ-Э!..

Одатда ойпарастлик билан оғриган инсон ўридан туриш, хона бўйлаб юриш каби ҳаракатларни бажаради. Аммо шифокорлар ойпарастларнинг хонани йиғиштириш, овқат пишириш, чой дамлаш, машина ҳайдаш каби ҳолатларига ҳам дуч келган. Баъзан ойпараст ўзи ва атрофдагилар соғлиги ва ҳаёти учун хавфли ҳаракатларни ҳам амалга ошириши, ўзини қўпол ва ваҳшийларча тутуши, бинолар томига чиқиб юриши мумкин.

Куз — яна оғриқ, яна ревматизм!

ЁХУД РЕВМАТИЗМГА НИМА САБАБ БЎЛАДИ? УНИ ҚАНДАЙ ДАВОЛАШ МУМКИН?

Кузнинг гоҳ иссиқ, гоҳ совуқ кунларида, айниқса, булутли ҳавода, қўл, оёқ ёки бўғимлардаги оғриқ — ревматизмдан шикоят қиладиганлар кўпаяди.

Дарҳақиқат, кўпчилигимиз ревматизм деганда бўғим оғриқларини тушунамиз. Лекин ҳасталикнинг хуруж қилиши тана ҳароратининг кўтарилиши, оғриқ бераётган бўғим терисида шиш ва майда қизариш кузатилиши билан ҳам кечади. Шу билан бирга, умумий аҳволнинг ёмонлашиши, ҳолсизлик, кўп терлаш, тез чарчаш каби-лар ҳам касалликнинг авж олаётганини билдиради.

Бемор фарингит ёки ангина касаллигини бошидан ўтказгандан бир неча ҳафта ўтиб, ревматизмнинг илк белгилари юзага чиқади. Беморда умумий ҳолсизлик, бўғимларда оғриқ кузатилади. Айримларда тана ҳароратининг кўтарилиши аниқланади. Эрталаб бўғимларда қотиш кузатилади. Касалликда, асосан, йирик — тизза, гирсак каби бўғимлар зарарланади. Беморни қўл



ва оёқ қафтидаги оғриқлар ҳам безовта қилади.

Қандай йўл тутуш керак?

Ревматизм тез-тез ҳасталанувчи болалар, сурункали ангина билан оғрийдиган, лимфаденит, фарингит билан ҳасталанган беморларда кўп учрайди. Шунинг учун ревматизм хуружларидан ҳимояланиш учун шамолламасликка, қарнес, томок оғриқлари, оёқдан зах ўтишига йўл қўймаслик керак. Вақтида овқатланиб, дам олиш, иммунитетни заифлаштирмаслик ва зарурат бўлганда организмни қувват-

лантириш учун витамин препаратларини қабул қилиш тавсия этилади. Бунинг учун, албатта, шифокор маслаҳати даркор.

Касалликка чалинмай десангиз...

Мутахассислар ревматизмга чалинмаслик учун организмнинг иммунитетини оширишга, об-ҳавога мос кийиниш ҳамда овқатланишга эътибор бериш лозимлигини айтишади. Бундан ташқари, спорт, эрталбаки бадантарбия билан шугулланиш фойда беради. Овқатланишда иммунитетни мустаҳкамлайдиган атала, юпка, фильмди, мошхўрда, мошова, палов каби таомларни истеъмол қилиш тавсия этилади. Шунингдек, уйқунинг меъёрга бўлиши ҳам организмдаги сурункали касаллик ўчоқларини даволашга хизмат қилади.

Ташхис тўғри бўлса...

Ревматизм белгилари кузатилганда дарҳол шифокор-терапевт ёки ревматолог кўригига бориш керак. Уларнинг тав-

ДАРВОҚЕ...

Бўғимлардаги оғриқ, яллиғланиш оқибатида юрак, марказий асаб тизими каби муҳим аъзолар шикастланади. Ревматизм билан оғриган беморларнинг 90-95 фоизда юрак зарарланиши кузатилади. Бу хансираш, юрак соҳасида оғриқ, саниқ, юрак ўйнаши ва юракнинг тез-тез уришида намоён бўлади. Юрак нуқсонлари ревматизм хуружидан кейинги 2-3 йил ичида тез ривожланади. Беморларнинг юз соҳасида турли ихтиёрсиз ҳаракатлар пайдо бўлади. Кўз учади, қовоқ ихтиёрсиз равишда очилиб-юмилади, бўғимларда ҳаракат чекланади ёки қийшайди.

сиясига кўра, сизда умумий қон таҳлили ҳамда қонни ревматизм касаллигига махсус текшириш (ревмапроба) ўтказилади. Шунингдек, кардиолог мутахассис ёрдамида юракни текшириш муолажалари, яъни ЭКГ, УТТ ҳамда бўғимларда рентген текшируви ўтказилиши керак. Ташхис натижасига кўра, мутахассис берган тавсияга амал қилиш керак. Ревматизм аниқлангандан сўнг муолажа мунтазам равишда олиб борилиши шарт.

Фуркат ОЧИЛОВ,
терапевт-шифокор.

Ўзбекистон аҳолисини рўйхатга олишда БМТ ёрдам беради.

Куйдирги касаллиги катта хавф соладими?

Ўтган ҳафта Қозоғистон жанубидаги Жамбил вилоятида тўрт кишининг куйдирги касаллигига чалингани ҳақида хабар тарқалди. Юртимиз чегарасига қадар 200 км. масофада жойлашган мазкур ҳудудда ушбу хавфли юқумли касалликнинг учрагани кишини ташвишга солади. Бонси унинг оғир оқибатларга, ҳусусан, инсон ўлимига олиб келиши кузатишган. Хўш, бизда айни дамда вазият қандай, бундай нохуш ҳолатларнинг келиб чиқмаслиги учун қай тартибда чоралар кўришмоқда?

Химояланиш имкониятимиз қай даражада?

— Мамлакатимизда куйдирги касаллиги келиб чиқиши ва тарқалишининг олдини олиш борасида тизимли ишлар бажаришмоқда, — дейди Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бўлим бошлиғи Фарҳод Қурбонбеков. — Марказимиз жорий йилнинг июль ойида куйдирги касаллиги ҳақида юрtdошларимизга эслатма билан чиққанди. Унда ушбу касаллик ва унинг келиб чиқиши, белгилари, олдини олиш чоралари ҳусусида керакли маълумотлар берилган. Айни дамда жойларда ҳудудий давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари ва ветеринария бўлимлари ҳодимлари хонадонларга кириб, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Зарур ҳолларда дезинфекция, эмлаш тадбирлари ўтказилишти, Мол бозорларига ҳудудий ветеринария лабораториялари раҳбарлари бириктирилган бўлиб, сотувга чиқарилган ҳайвонлар клиник кўрикдан ўтказилади. Гўшт маҳсулотлари, албатта, тегишли лаборатория текширувидан ўтасчигина сотилади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон билан чегарадош қўшни давлатларда куйдирги бўйича вазият яхши эмас. Аммо чегара ҳудудларимизнинг эпизоотик-эпидемик хавфсизлигини таъминлашда Республика Давлат санитария-эпидемиология

назорати маркази ва унинг жойлардаги мутасадди ташкилотлари мутахассислари катъий амалий чора-тадбирларни кўришмоқда.

Хасталик манбаи каерда?

Ушбу оғир дарднинг беморларда тери, ўпка ва ичак шакллари учрайди. Ўз вақтида даволаш чоралари кўрилса, хасталикнинг тузалиб кетадиган ҳамда энг кўп учрайдиган шакли — терининг очик жойларида учрайдиган тери яраларидир. Бу тур 95-99 фоиз, ўпка ва ичак шакли эса 1-5 фоиз учрайди.

Касалликни «куйдирги таёкчалари» деб номланган бактериялар келтириб чиқаради.



Куйдирги таёкчалари кобик билан ўралган споралар ҳосил қилади. Улар ташки мухитга ўта чидамли. Бу споралар гупроқда, ҳайвон жунида, сувда бўлади. Сув қайнатилганда бактериялар 20-30 дақиқада яшаш қобилиятини йўқотади.



Касалликни чорва билан шугулланувчилар, гўшт маҳсулотларини қайта ишловчилар, овчилар юктириш эҳтимоли кўпроқ. Касалланган чорва гўштига старли ишлов берилмаганда ва гигиена қоидалари бузилганда ҳам хасталик юқиши мумкин.

Касаллик ҳайвонлардан ҳайвонларга ва одамларга юқади, бироқ унинг одамдан одамга ва одамдан ҳайвонларга юқиши аниқланмаган. Куйдирги одамларга шу хасталикка чалинган ҳайвонларни сўйиш, терисини шилиш, гўштини майдалаш, ошқозон-ичаклари ва калла-почасини тозалашда, шунингдек, касалланган ҳайвонларни парваришlash жараёнида, старли термик ишлов берилмаган гўшт маҳсулотларини истеъмол қилиш натижасида

МАЗЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

ҲАЙВОНЛАРДАН ИНСОНГА ЮҚУВЧИ КАСАЛЛИКЛАР

Бруцеллез касаллиги (қорақоқсқ)нинг белгилари ҳайвонларда ҳомила тушиши, йўлдошнинг ушланиб қолиши ҳисобланади. Бундай белги билан касалланган ҳайвонларга аниқ ташхис қўйилгунча сутини истеъмол қилмасдан туриш керак.

Туберкулёз (сил) касаллиги сурункали ўтувчи характерли бўлиб, организмнинг ўпка, ичак, лимфа тугунларида ўзига хос турдаги туберкула тугунакларини ҳосил қилади, у билан инсонлар ҳам касалланади.

Қутуриш касаллиги қўзғалувчанликнинг ортиши, атрофга жавоб рефлексларининг бузилиши, иштаҳасизлик, еб бўлмайдиган нарсаларни тишлаши, кўплаб сўлак ажратиши билан характерланади. Бу ҳолат 2 кун давом этиб, ҳайвоннинг шол бўлиб ўлиши билан якунланади.

лари ҳам катталашади. Унинг энг характерли белгиси яралар оғриксиз бўлади. Яра ҳосил бўлиши билан тана ҳарорати кўтарилади. Беморнинг эти увишади, боши айланади, кўнгли айниди, ҳолсизланади. Ўпка шаклида қон қусади, ичак шаклида эса ич кетиши қон билан кузатилиб, бу ҳолат 5-7 кун давом этади.

Қандай олдини олиш мумкин?

Биринчи навбатда, чорва моллари ва уй ҳайвонларини даврий ветеринария кўригидан ўтказиб туриш, молхоналарда ветеринария-санитария қоидаларига каттик риоя этиш, ҳайвонларни ветеринария назоратисиз сўймаслик ва гўштини аҳолига тарқатмаслик лозим. Куйдирги билан касалланган ҳайвон гўштини эса дезинфекция қилиш ва зарарсизланти-

алоҳида бўлишига қатъий риоя этиш талаб этилади.

Куйдирги хасталигининг олдини олишда, айниқса, санитария-профилактика ишларини кучайтириш, яъни кишлоқлар, мактаблар, чорвачилик қорхоналари, овқатланиш шохобчалари, сув хавзаларида касалликнинг келиб чиқишини, олдини олиш чора-тадбирларини, шахсий ва умумий гигиена қоидаларига амал қилишнинг аҳамиятини аҳолига тушунтириш муҳим ҳисобланади.

Ушбу касалликка қарши қураш ва ундан сақланишда ҳар биримиз эҳтиёт чораларини қўлласак, куйдирги хавфини сезиларли даражада камайтирган бўламыз. Бунинг учун эса бизга зарур тиббий билим ва маданият ёрдамга келади.

Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

Куйдирги кўп асрлар давомида кенг тарқалган касаллик бўлиб, бир замонлар одамзот бошига кўп талафот келтирган. У билан ҳар йили миллионлаб одамлар касалланган. Абу Али ибн Сино, Гиппократ, Гомер, Овидийлар куйдиргини «ҳайвонлардан одамларга юқадиган хасталик» деб таърифлаган.

Қадим замонларда эса «мукаддае олов», «форс олови», «Эрон алаңгаси» номи билан ҳам аташган. 1788 йили рус олими С.С.Андреевский Сибирдаги эпизоотия вақтида бу касалликни ҳайвондан ўзига юктириб, одамлар билан ҳайвонларда учрайдиган хасталик бир хил эканлигини исботлади ва уни «Сибир яраси» («Сибирская язва») деб аташни тавсия этди. У куйдиргининг патологик анатомияси, клиник хилларини тасвирлаб берди, даво ва профилактика усулларини ишлаб чиқди. Унинг қўзғатувчисини биринчи марта 1876 йилда Р.Кох ажратган, 1881 йилда Л.Пастер, 1883 йилда эса Л.С.Ценковский куйдиргига қарши вакциналарини ихтиро қилганлар.

Аломатлари қандай намойён бўлади?

Териға тушган куйдирги таёкчаси дастлаб терида кичишиш ва қизил доғ ҳосил қилади. Доғ тугунчага айланиб, бир неча соат ичида пуфакча ҳосил бўлади. Доимий кичишиш оқибатида пуфакча ёрилиб, ичидан суюқлик ажралади (сачраган суюқлик янги пуфакчаларни ҳосил қилади). Ёрилган пуфакча ўрнида қора рангли ўзидан зардобли суюқлик ажратиб турувчи, атрофи шишиб кўтарилган яра ҳосил бўлади. Шу вақтга келиб ярага яқин жойлашган лимфа тугун-



ДИНИЙ МАЪРИФАТ

ИЛМ — ЭНГ УЛУҒ НЕЪМАТ,
уни ўрганиш эса эзгу
фазилят«КИМ ИЛМ ТАЛАБ ҚИЛИШ
ЙЎЛИГА ТУШСА, АЛЛОХ
УНГА ЖАННАТНИНГ ЙЎЛИНИ
ЕНГИЛЛАШТИРАДИ»

Қуръони каримдаги биринчи оятнинг «ўқинг» деб бошланиши илм олишнинг энг эзгу фазилят, илмнинг эса энг улуғ неъмат эканини билдиради: «Ўқинг (эй, Мухаммад!) Бутун борлиқни яратган зот бўлмиш Раббингиз исми билан! (У) инсонни лахта қондан яратди. Ўқинг! Раббингиз эса қарамлидир. У инсонга қалам билан (ёзишни ҳам) ўргатди. У инсонга билмаган нарсаларини билдириди» (Алак сураси, 1-5-оятлари).

Эй, Раббим! Менга илмни зиёда эт!

Илм — моддий ёки маънавий нарсаларни воқеликда қандай бўлса, шундайлигича идрок этишдир. Аллох таоло Пайғамбаримиз (с.а.в.)га илмдан бошқа бирор нарсани зиёда бўлишини сўранг, демади. Фақат илм ҳақида шундай дейилган. Мана шундан ҳам илмнинг бошқа неъматлардан устулигини аниқлаш оқилош мумкин: Ҳаққоний Подшоҳ бўлмиш Аллоҳ олий зотдир. (Эй, Мухаммад!) Сизга (Қуръон) ваҳийси тугамай туриб, қироат қилишга шошманг ва айтинг: «Эй, Раббим! Менга илмни зиёда эт!» (Тоҳа сураси, 114-оят).

Исломо қақираётган илм фақатгина диний илм эмас. Йўқ, бу илм билимсизликни йўқотадиган барча илмлардир. Диний илмлар бўлса ҳам, дунёвий илмлар бўлса ҳам (табиат илми, психология, тарих, жуғрофия, социология, алгебра ва бошқалар) Аллох мусулмонларни мана шу барча илмларни ўрганишга кизиқтиради. Шоядки, шу илмлар орқали Аллоҳнинг қудрати, улуғлигини чуқур тушунаслар.

Бундан ташқари, ўз ҳаётларида шу илмлардан манфаатдор бўладилар. Қуръон оятларида табиий илмларни ўрганишга қақирлар бор. «Унинг белгиларидан (яна бири) — осмонлар ва Ерни яратиши ва сизларнинг тилларингиз ва ранглариңизни хилма-хиллигидир. Албатта, бунда барча оламлар учун аломатлар бордир» (Рум, 22-оят).

Бу оятда зикр қилинган «олимлар»дан мурод, Аллох ер юзиде яратган махлуқотларнинг сир-асрорларини билувчи шахслардир. Бу оятнинг мавзуси ҳам табиий илмлардир. Чунки табиий илмлар борлиқдаги нарсаларни ва уларнинг хусусиятларини ўрганади. Осмонлару Ернинг яратилиши, инсонларнинг ранглари ҳам турли хил эканини айнан жуғрофия фани ўргатиши фикрларимизга далилдир.

Илм талаб қилиш жаннатнинг йўлига
тушишдир

Абу Хурайра (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Ким илм талаб қилиш йўлига тушса, Аллох унга жаннатнинг йўлини енгиллаштиради», дедилар. Илмга даъват қилиш учун бундан ортик тарғиб бўлмаса керак. Ҳар бир инсоннинг олий мақсади — жаннат. Жаннатга эришиш учун у ҳар нарсаси, ҳар қандай қийинчиликларга тайёр. Илм талаб қилиш эса ҳадисда айтилишича, жаннатнинг йўлига тушишдир.

Илм йўли билан борган одам охири жаннатнинг эшиги олдида чикади. Шунинг учун илоҳий таълимотда келган илмдан мурод барча фойдали илмлар бўлиб, бундай илм эгаларига қилинган ваъдаларга имон ва ихлос билан уринган мўмин-мусулмонлар эришади. Аллох таоло унга жаннатнинг йўлини енгиллаштиради.

Исломда илм талаб қилиш ҳар бир мусулмон учун бешикдан қақрагча фарз қилинган. Бу маънони кенг-роқ тушунишга ҳаракат қилайлик. Фарз Аллоҳнинг қатъий амри бўлиб, уни бажариш ҳар бир мўмин учун мажбурийдир. Фарз амалини бажармаган инсон қатта гуноҳ иш қилган бўлади. Шундай экан, илм излайлик, азизлар, илмни бўлайлик!

Зокирхон ОМОНОВ,

Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги
«Мухторхон ҳожи» жоме масжиди имом-хатиби.Устозлик мақоми бу — улуғ
мартаба, улкан масъулият«МЕНГА БИР ДОНА ҲАРФ ЎРГАТГАН КИШИНING ҚУЛИМАН.
ХОҲЛАСА, МЕНИ СОТСИН, ХОҲЛАСА, МЕНИ ҚУЛ ҚИЛИБ ИШЛАТСИН»

Муаллимлик — буюк мақом. Исломо оламида устозларнинг «Пайғамбар меросхўрлари» сифатида эъзозланиши бежиз эмас. Илм ўргатувчи кишиларнинг бошқа инсонлардан бир даража баландла туриши борасида Қуръони каримда шундай дейилган: «Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража (мартаба)ларга кўтарур. Аллоҳ қилаётган (барча яхши ва ёмон) амалларингиздан хабардордир» (Мужодала сураси, 11-оят).

Устозлар ҳаёт
маънисини ўргатувчи
зот

Пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в.)нинг ҳадисларидан бирида илм киши билан бошқа одамлар орасидаги фарқ шундай тушунириб берилади: «Олимнинг обиддан ортиқлиги ҳудди менинг сизлардан энг қуйи даражадаги кишидан ортиқлигимга ўхшайди», — дедилар (Имом Термизий ривоят).

Қўринадики, илм ўргатувчи кишиларга доимо иззат-икром кўрсатиш керак. Зеро, устозга меҳр қўймаган, уни ҳурмат қилмаган шогирдининг илми пухта эгаллашга ишониш қийин. Бемор киши ўз ихтиёрини бутунлай табибга топширганидек, таълим олувчи шогирд ҳам ўзини батамом муаллим ихтиёрига топшириши, уни эъзозлаб ҳурматлаши ва доимо хизматига шай туриши керак.

Ҳазрати Али (р.а.) дедилар: «Менга бир донна ҳарф ўргатган кишининг қулиман. Хоҳласа, мени сотсин, хоҳласа, мени қул қилиб ишлатсин». Бизлар ҳам илм ўргатган устозларимизга ана шундай даражада таъзимда бўлишимиз зарур. Зеро, ота-она бизнинг ҳаётга келишимизга сабабчи инсон бўлсалар, устозлар бу ҳаёт маъзи, унинг маънисини ўргатувчи зот ҳисобланади.

Устоз гўзал хулқ билан
зийнатланиши лозим

Юкорида таъкидлаганимиздек, устоз мақоми жуда улуғдир. Демакки, бу мақомга ҳам муносиб бўлиш даркор. Аёл муаллимлар илмлилиги, ахлоқи гўзал хулқ билан безатилгани билан ҳам қолганларга ибрат бўлиши зарур. Бундай кишилар ўзига номуносиб ишлардан тийилиши ҳамда зарур одобларни ўзида мужассам этиши талаб этилади.

Мухаммад ибн Ҳасан Абу Ханифа раҳимахуллоҳдан ривоят қиладилар: «Мен учун уламолар ҳақидаги ҳикоялар фикрдан кўра сеvimлироқдир. Чунки уларда қавмининг одоб-ахлоқлари бор». Хубайб ибн Шаҳид ўғлига деди: «Эй, ўғилчам! Қақхлар ва олимлар билан кўпроқ ҳамроҳлик қил, уларнинг одобларига разм сол! Сенинг мана шундай қилишинг менга ҳадисни кўп билишингдан кўра махбуброқдир». Имом Шофеъийга айтилди: «Одобга

хоҳишингиз қандай?» У киши жавоб бердилар: «Одобдан ўзим билмаган бир ҳарфни билиб оламам. Бас, аъзоларим унга муҳаббат қўяди ва ҳар бири эшитувчига айланади. Сўнг одоб билан ҳузурланади». Яна айтилди: «Одоб ўрганишга талабингиз қандай?» Имом Шофеъий: «Худди она яккаю ягона боласини йўқотиб қўйиб қилираётгани каби», дея жавоб берган эканлар.

Киши таълим олгани
сайин илмли бўлиб
бораверади...

Устозлар илми эканини даъво қилмаслиги, ўз шогирдларидан кўра кўпроқ ўз устиде ишлаши, ёш, насаб ва мансаб жиҳатдан ўзидан паст инсондан бўлса-да, билмаганларини ўрганишни ор санамаслиги шарт. Зеро, Саъд ибн Жубайр айтдилар: «Киши таълим олгани сайин илмли бўлиб бораверади. Агар таълим олишни тарк этса, ўзини беҳожат сезса ва ўзида бор нарсаси билан чегараланиб қолса, энг жоҳил инсонга айланади».

Шунингдек, муаллим очик чехралик, мулоим, ширинсўз, дардаш ҳамда меҳрибон бўлиши билан бирга, ўзига ярашмайдиган бачкана ва уят сўзлар, ноўрин, беўхшов кулгудан тийилиши, ҳазил қилса ҳам енгил, оғир келмайдиган тарзда қилиши мақсадга мувофиқ. Талабаларни бир-бирдан ортик ё кам санамаслиги, шогирди янглиш иш қилса, уни жазолаши эмас, тўғри йўлга йўллаши жоиз.

Илм ўргатиш нафақат буюк касблардан бири, балки ўзига яраша масъулиятли соҳадир. Фарзандларимизнинг қандай билим-салоҳиятга эга экани жамиятимиз тараққиётига замин ҳозирлайди. Бу йўлда эса устозларнинг ўрни ва хизмати бекиёсдир.

Холли ХОНИМОВ,
Қашқадарё вилояти
Дехқонобод тумани бош
имом-хатиби.

Ўзбекистонда илк бор органик пахта етиштириш самарали кечди.

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ: ЖИДДИЙ ТАҲДИДЛАР ЖИДДИЙ МИНБАРДА МУҲОКАМА ЭТИЛАДИМИ?

2019 йил 24 СЕНТЯБРЬ КУНИ НЬЮ-ЙОРК (АҚШ)ДА БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 74-СЕССИЯСИ
ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ. ТАЪКИДЛАШ ЎРИНЛИ, БУ ГАЛГИ СЕССИЯ ДУНЁНИНГ КАТОР
МИНТАҚАЛАРИДАГИ ВАЗИЯТ КЕСКИНЛАШГАН БИР ПАЙТГА Тўғри келмоқда

Сессияда қандай масалалар ўртага ташланади?

Ҳўш, анжуман кун тартибидан қандай масалалар жой олган? Уларнинг ечими бўйича аниқ тақдирлар билдирилмоқдами? Саммит доирасидаги учрашулар нимаси билан қизиқарли бўлмоқда?

Қайд этиш жоиз, мунозаралар диққат марказида глобал муаммоларнинг барча жиҳатларини қамраб олувчи 170 дан ортиқ масала, хусусан, ўткир минтақавий можаролардан тортиб ҳозирги замонамизнинг асосий иқтисодий, экологик ва гуманитар муаммолари бўлади. Жумладан, Форс кўрфазидagi яқинда авж олган кескинлик, шунингдек, Саудия Арабистонидаги нефть объектларига амалга оширилган ҳужумдан кейин олий даражадаги ҳафталикнинг энг кизгин мавзуси Эрон бўлиши аниқ.

Корея ярим оролидаги муаммолар борасида кизгин тортишулар ҳам сессия марказидан ўрин олиши табиий. АҚШ ва КХДР етакчиларининг катта умид боғланган аввалги шов-шувли музокаралари «ўлик нуқта»да қотиб қолганга ўхшайди. Вашингтон ва БМТ Шимолий Кореяга нисбатан санкцияларини юмшатишга шошилмаётган бир паллада, Пхеньянинг китталаро баллистик ракетага бўлмаса-да, қисқа масофага учадиган ракеталарни синовдан ўтказишга киришгани шундай хулоса чиқариш имконини беради.

Сурия конституциявий қўмитасини якуний шакллантирилиши кутилаётган кезларда юқори даражадаги делегациялар бу араб республикасидаги вазиятни ҳам муҳокама қилмоқдалар. Бу бежиз эмас. Қурғоқчилик ва ижтимоий муаммолар туфайли келиб чиққан Суриядаги фуқаролар урушида юз минглаб инсонларнинг ёстиғи қуриди, 8 миллион фуқаро қочоққа айланди. Венесуэладаги сиёсий танглик ва Исроилнинг сўнгги қадамлари, хусусан, Бош вазир Беньямин Нетаньяхунинг Йордан дарёси қарбий соҳилидаги ерларни ўз таркибига қўшиб олиш ҳақидаги дағдағалари ҳам эътибордан четда қолмайди.

Трамп ва Рухоний учрашадими?

Очилишни айтганда, бугун ҳамманинг нигоҳи АҚШ ва Эрон



Ислон Республикаси муносабатларига қаратилган. Аввалроқ Блумберг агентлиги ўз манбаларига таяниб, Оқ уй Дональд Трамп ва Хасан Рухоний ўртасида БМТ Бош Ассамблеяси доирасидаги эҳтимолий музокараларга тайёрланаётганини хабар қилган эди. Бироқ АҚШнинг Эронга қарши санкциялари сақланиб қолса, расмий Техрон учрашувга розилик берадими, деган савол очик қолмоқда. Чунки олдинроқ Эроннинг олий диний раҳбари Оятуллоҳ Ҳомений мамлакат расмийларига жазо чоралари сақланиб қолингудек бўлса, Вашингтон билан мулоқот ўтказишни тақдирлаган эди. Айни пайтда Америка молия вазирлиги Стивен Мнучин бундай учрашув режалаштириётганини инкор этган.

Япония таққи ишлар вазирлигининг маълумотига қўра, саммит доирасида Рухонийнинг Япония Бош вазир Синзо Абэ билан музокаралари бўлиб ўтиши мумкин. Киодо агентлигининг хабар беришича, Япония ҳукумати Техроннинг тегишли илтимосидан сўнг Эронга тиббий мутахассисларни тайёрлаб беришда кўмак кўрсатишни истайди. Икки етакчининг учрашуви чоғида бу борада ижобий тақдир аниқлаш мумкин.

Олий даражадаги ҳафталик доирасида турли глобал муаммоларга бағишланган қатор кўп томонлама учрашулар ўтказилмоқда. Ядро синовларини умумтақиқлаш тўғрисидаги шартнома бўйича вазирликлар учрашуви, Мали ва Сахара мавзусидаги олий даражадаги учрашув, шунингдек, аксилтеррор операцияларга бағишланган тадбирлар шулар жумласидан.

Инсоният олдидаги энг жиддий хавфлар нималардан иборат?

Ядровий қуролни қўллаш хавфи, халқаро терроризм, қуролли тўқнашуларнинг кўпайиши, иқлимнинг ўзгариши ва илмий тараққиётнинг мисли кўрилмаган асоратлари — инсоният олдида турган энг жиддий хавф кўри-нишлари ҳисобланади. БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш Бош Ассамблеянинг 72-сессиясида ана шундай баёнот билан чиққан эди.

Дарҳақиқат, инсоният жиддий қаҳриқларга йўлмоқда. Улар хавфсизлик, тенгсизлик, низолаҳга доир вазият ёмонлашиб бораётгани, иқлим ўзгариётганини таналарида ҳис қилишяётганидан кўз юмолмаймиз. Бугунги кунда дунё қарама-қаршилиқларга тўла. Фақат БМТ билан ҳамкорликда ишончини қайта тиклаш ва дунёни яхши томонга ўзгартириш мумкин.

Тан олиш керак, инсоният учун энг жиддий хавф-хатарлар орасида ядровий таҳдид биринчи ўринда. Албатта, ядровий қуролнинг қўлланилишига ақл бовар қилмайди. Бироқ Ҳиндистон ва Покистон сиёсатчилари кўрмасдан биринчи бўлиб ядровий қуролни қўллаш ҳақида баёнот бера бошладилар. Экспертлар ҳисоб-китобида кўра, агар икки давлат ўртасида ядровий қурол ишлатилса, минтақада камда 50 миллион одам нобуд бўлади, ерлар яроқсиз ҳолга келади. Миллионлаб кишилар очарчиликдан ҳалок бўлади. Шу нуқтаи назардан БМТ Бош Ассамблеяси 74-сессиясида Ҳиндистоннинг Қашмир мухториятини, бекор қилиш қарори ва шу аснода Жанубий Осиёда юзага келган хатарли вазият асосий мавзулардан бири бўлмоқда.

Ўзбекистон Президенти халқаро мукофотга лойиқ топилди

БМТ Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси ва уларга қарши курашиш бўйича идоралараро мақсадли гуруҳи (ЮНИАТФ) ҳар йили юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси ва уларга қарши курашишга улкан ҳисса қўшганларни мукофотлаш анъанасини йўлга қўйган.

Эътиборлиси, ушбу нуфузли ташкилотнинг жорий йилги мукофоти эгалари орасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳам жой олди. Шавкат Мирзиёев БМТ гуруҳи томонидан мазкур жаҳода эътироф этилган ягона давлат раҳбаридир. Бу Президент томонидан Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш масаласига бевосита ва алоҳида эътибор қаратилаётганининг халқаро миқёсда яна бир бор тан олинишидир.

Мукофотлар 23 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳрида ўтказилган БМТнинг «Мақсадли гуруҳ дўстлари» («Friends of the Task Force») тадбирида топширилди. Мукофотни Президент Шавкат Мирзиёев номидан Ташқи ишлар вазирлиги Абдулазиз Комилов қабул қилиб олди.

Ғолиблар қаторидан Австралия, Бельгия, Бразилия, Ливан, Перу каби мамлакатлар соғлиқни сақлаш, Корея Республикаси озиқ-овқат ва дори-дармонлар хавфсизлиги вазирликлари, Бутан парламенти, АҚШнинг саратонни ўрганиш ва тадқиқ қилиш институти, RAD-AID International ташкилоти, МАГАТЭнинг Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси учун минтақавий бўлини-маси ҳам жой олди.

Таҳдидлар рўйхатининг иккинчи қаторида халқаро терроризмни қайд этмоқ жоиз. Шу боис БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш 2018 йилда жаҳон ташкилоти шафелигида биринчи марта экстремистларга қарши курашиш мақсадида ихтисослашган идоралар раҳбарлари билан учрашув ўтказди. Бу халқаро терроризмга қарши янги ҳамкорликка асос солиш имконини беради, албатта.

Энг жиддий қаҳриқлар орасида, шунингдек, турли қуролли тўқнашуларнинг кўпайиш хавфи алоҳида ўрин тутди. Бугунги урушларда ҳеч ким ютмайди. Суриядан Ямангача, Жанубий Суданга Сахелгача, Афғонистон ва бошқа ерларда фақат сиёсий қарорлар билангина тинчликка эришиш мумкинлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди. Айрим сиёсий қучларнинг куткуси билан бошланган маҳаллий ва ички низоларнинг аксарияти, афсуски, тўхтагани йўқ. Ўзимизни алдашга не ҳожат?! Тартибсизлик ва хаосни юзага келтираётган можаролар ҳал қилинмас экан, терроризмнинг илдизини йўқ қилиб бўлмайди.

Инсоният олдида турган яна бир хавф — жамиятлар асосини емираётган, ўсиб бораётган

тенгсизлик. Фақатгина кун тартибидagi 2030 йилгача барқарор ривожланиш дастурини амалга ошириш бу вазиятни тўғрилашга имкон яратди. Иқлим ўзгариши билан боғлиқ хавф ҳақида сўз кетар экан, дунё океани сатҳининг кўтарилиши ва иқлимнинг бекарорлигига таъсир қилувчи бошқа омиллар миллионлаб одамлар ҳаётига хавф солаётганини таъкидлаш ўринли.

Маълумки, БМТ Бош Ассамблеяси сессияси инсоният олдида турган долзарб муаммоларни муҳокама этиш, уларга ечим қидириш масалаларига бағишланади. Бу борада давлатларнинг қарашлари ўртага ташланади, минтақалар ва халқлар манфаатидан келиб чиқиб хулосалар белги-ланади. Демакки, дунё тинчлиги ва барқарорлигига хавф мавжуд экан, уларга малҳам топишда, даво излашда БМТ ва унинг турли тузилмалари чинакам майдон ролини ўйнаши лозим. Зеро, сайёраимиз халқлари ва давлатларининг бошини қовуштирадиган битта ташкилот бор, у ҳам бўлса — Бирлашган Миллатлар Ташкилотидир.

Абдували САЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.

«Tashkent City»да Шум болага ҳайкал ўрнатилди.

Ўзбек ўғлонлари дунёни лол қолдирди

Кузнинг биринчи оyi юртимиз спорти учун хушхабарларга бой ўтмоқда. Улар орасида, шубҳасиз, боксчиларимиз қўлга киритган ютуқ энг ёрқини бўлди. Гап шундаки, Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳри мезбонлик қилган бокс бўйича жаҳон чемпионатини ҳамюртларимиз энг яхши натижа билан якунлади.

Катталар ўртасидаги XX жаҳон чемпионати баҳслари саккизта вазн тоифасида ўтказилди. Дунёнинг 79 та мамлакатидан келган 362 нафар чарм қўлқоп устаси ўртасида ўзбек боксчилари ҳеч кимдан кам эмас ва кам бўлмаслигини исботлади. Буни мусобақанинг финал беллашувларида тўрт нафар боксчимиз мутлақ ғолиблик учун рингга кўтарилгани ҳам тасдиқлайди.

Ишончли ғалабалар серияси

Турнирда 52 кг. вазн тоифасида юртимиз шарафини «Рио Олимпиадаси» чемпиони Шаҳобиддин Зоиров ҳамюртлари билан

қилди. Финалгача бўлган барча жангларда мутлақ устунлик билан ғалаба қозонган боксчимиз якуний беллашувида хиндистонлик Амритга қарши рингга кўтарилди. Муросасиз беллашув 5:0 ҳисобида мамлакатимиз чарм қўлқоп устаси фойдасига ҳал бўлди.

Ўзбек боксининг эртаси сифатида эътироф этилаётган Миразизбек Мирзахалилов 57 кг. вазн тоифасидаги баҳсларда иштирок этди. Спортчимизнинг ҳар бир жангги мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Ўз навбатида, Миразизбек ҳам бу ишончли тўла оқлади. Вакилимиз финал беллашувида номдор боксчи,

кубалик Лазаро Альварес Эстрада қаршичилигини синдириб, Ўзбекистон терма жамоаси медаллар шодасини яна бир олтин билан безади.

Финалга қадар муваффақиятга эришган Дилшодбек Рўзметов (81 кг.) кумуш медалга сазовор бўлган бўлса, истеъдодли вакилимиз Бобоусмон Батуиров (69 кг.) дунё биринчилигининг бронза медалини терма жамоамизга келтирди.

Баҳодирдан ишончли ғалаба

Жаҳон чемпионатида 91 килограммдан ортиқ вазн тоифасида иштирок этган ҳамюртимиз Баҳодир Жалолов дастлабки жангда украинлик Цотне Рогани, чорак финалда америкалик Ричард Торресни илк раундда нокаутга учратди. Кескин ва муросасиз ўтган яқин финал баҳсида боксчимиз россиялик Максим Бабанинни енгди. Сўнгги ҳал қилувчи финал жангида Баҳодир аза-



лий рақиби козоғистонлик Камшибек Конкабаевга ҳеч қандай имконият қолдирмади ва жаҳон чемпионлигини қўлга киритди.

Чемпионатда ўзининг ёрқин ғалабалари, рақибларга бўлган ўзбекона ҳурмати ва ҳар бир ғалабадан сўнг рақибларини бағрига босиб далда берган Баҳодир Жалолов мусобақа ташкилотчилари томонидан энг яхши боксчи деб топилди.

— Президентимизнинг биз, спортчиларга билдираётган катта ишончи, мураббийларнинг маслаҳати ва қўллаб-қувватлаши жаҳон чемпионатидаги муваффақиятимизда асосий омил бўлди, — дейди Б.Жалолов. — Келгусида бун-

дан-да юқори натижаларга эришиши, Ватанимиз шарафини янада улуғлашни мақсад қилганман. Яна бир катта мақсадим Олимпиада ўйинларида ҳам мамлакатимизга олтин медални келтиришидир.

Шу тариқа, Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 3 олтин, 1 кумуш ва 1 бронза медалга жамғариб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Бу муваффақият ўзбек спорти тарихида унутилмас ютуқ сифатида муҳрланади. Мусобақа якунланди, бироқ қўлга киритилган ютуқлар ўзбек халқи қалбига улашган ихтифори туйғуси ҳеч қачон сўнмайди.

С.МАХСУМОВА.

ШОҲСУПА

Олимпиада ўйинлари — спорт оламининг энг катта беллашуви. Боиси унда ҳар ким Ватан шаъни учун курашга отланади. Тўрт йилликнинг мазкур нуфузли мусобақасига келгуси йил Токио (Япония) шаҳри мезбонлик қилади. Шу кунларда Олимпиада йўлланмасини тақдим этувчи қўллаб-қувватлаш жаҳон чемпионатидаги муваффақиятимизда асосий омил бўлди, — дейди Б.Жалолов. — Келгусида бун-

Жалғасбай БЕРДИМУРАТОВ:

Ҳалол беллашув — ҳақиқий ғалабадир



Мусобақада юнон-рум кураши бўйича гиламга чиққан ҳамюртимиз, Бердок номидаги Қорақалпоқ давлат университети талабаси Жалғасбай Бердимуратов ҳам совриндорлар сафидан жой олди. Бу билан спортчимиз Токио Олимпиадаси йўлланмасини ҳам нақд қилиб қўйди. Хушхабарнинг қаноти бор, деганларидек, Жалғасбайнинг зафарли одами тезда овулу кишлоқлар бўйлаб тарқалди. Хонадон меҳмонкутовчиларга тўлди. Биз эса спортчи билан болалиги, профессионал спортга қўйган илк қадамлари, ютуқларининг бош омилли келгусидаги режалари ҳақида суҳбатлашдик.

— Қорақалпоғистоннинг чекка ҳудуди — Қораўзақ туманидаги Қуралпа овули фарзандининг Олимпиада ўйинларида катнашиши катта ютуқ. Шундай эмасми?

— Гапингизда жон бор. Ғалабага эришганимдан сўнг бунга дастлаб ўзим ҳам ишонмадим.

Мураббийим Рустам оға Ерناзаров ҳам мусобақа мезбони устидан қозонилган ғалабани кутмаганини айтди. Боиси турнирнинг бронза медали — Олимпиада ўйинларида йўлланма дегани эди. Йўқ, бу туш эмасди. Медални қўлга олар эканман, устозим билан ярим соатгача йиғладик. Чунки тинимсиз машғулотлар, қатъий тартиб, ўз устимизда ишлаганимиз мевасини берганди.

— Олис овулда туғилгансиз. Нукусдаги спорт коллежига келишингизга ким сабабчи бўлди?

— Оилада 3 фарзандимиз. Ота-онам бизни бекаму кўст ўстириш учун тинимсиз меҳнат қиларди. 10 ёшга кирганимда отам вафот этди. Бу ҳаётимни бутунлай ўзгартириб юборди. Нукусда таҳсил оладиган тенгдошларим бор эди. Бир сафар уларни кўришга келдим. Шаҳар айланиб, Нукус олимпиада захиралари спорт коллежиге ёнига келиб қолибман. Шунда бир-икки нафар ўсмир билан тортишиб қолдик. Ёши катта инсон бизни ажратиб олди. У қўлларим, бизларимни ушлаб қўриб, «Қурашганмисан», деб сўради. «Йўқ»

деган жавобимга парво қилмай, «Спортга қизиқасанми, агар шу мактабга қабул қилсак, машғулотларга қатнайсанми?» деб сўради. Мен ҳам жон деб рози бўлдим. Бу киши бутун ҳам ҳаётдаги, ҳам спортдаги мураббийимга айланган Рустам оға Ерناзаров эди. Шундан сўнг коллежга ўқишга қабул қилиндим.

— Спортчи қатъий қун тартибига амал қилиши керак. Айтинг-чи, ёш спортчи Жалғасбайнинг бир қуни қандай ўтади?

— Тонгни эрталабки бадантарбия билан қутиб оламан. Кунимнинг асосий вақти машғулотлар залида ўтади. Кечки овқатдан сўнг китоб ўқишни одат қилганман. Бунинг учун ҳар кун 1 соатдан вақт ажратаман. «Алпомиш», «Едиге», «Қирқки» қаҳрамонлик достонларини мароқ билан мутлола қиламан. Ботирликка чорловчи асарларни ўқиб, қийинчиликларни қандай енгишни, иродали ва бардошли бўлишни ўрганаман.

— Спортчининг муваффақиятида жисмоний тайёргарлик энг муҳими. Бироқ баъ-

зида рақибни хийла билан енгганларини ҳам кўрганмиз. Сиз беллашувларда хийла ишлаганмисиз?

— Фикримча, ҳар бир спортчи фаолияти давомида ҳеч бўлмаса бир ёки икки марта хийла ишлатади. Шу жумладан мен ҳам ишлаганман. 2014 йилда Навоийда ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ўтказилган. Совринли ўринлар учун кечаётган баҳсда рақибимнинг қўли банд келаётганди. Шунда курашдан бирдан тўхтадим ва рақибимга оёғини кўрсатдим. У тушунмай, оёғига қаради. Мен вазиятдан фойдаланиб, уни улоқтирдим. Тўғри, мусобақада ғолиб бўлдим. Бироқ машғулотлар давомида бу ишим нотўғри бўлганини англаб етдим. Боиси ҳалол курашгангина ҳақиқий ғолибдир.

— Рақибни мағлуб этишда танланган усул ниҳоятда муҳим. Жаҳон чемпионатида сиз козоғистонлик рақибингизга қарши курашда қайси усулни танладингиз?

— Албатта, курашда тўғри усул танлаш ниҳоятда муҳим.

Шунинг учун ҳар бир жанг олтидан мураббийларим билан рақибларнинг жанг усулини ўрганамиз. Масалан, асосий рақибим венгриялик Тамаш Лёрининг кураш усулларини ўрганиб чиқдик. Бироқ беллашувда мен ютқаздим. Чунки танлаган усулнинг амалда тўлиқ қўллай олмадим. Бронза медали учун кечган баҳсда эса йўл қўйган хатоимдан ҳулоса чиқариб бўлгандим. Беллашувдан олдин рақибим ва унинг мураббийлари ғалабани нишонлай бошлаганди. Устозим эса «Ўзингни кўрсатадиган вақт келди», деди. Бу далда ўзимга бўлган ишончнинг ошириди ва 3:1 ҳисобида ғалаба қозондим. Тақдирлаш маросимида кўзимга яна ёш келди. Онам, акам, синглим кўз олдимдан бирма-бир ўтди.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат! Токио Олимпиадасида ҳам сизга зафарлар ёр бўлишини тилаймиз.

«Mahalla» мухбири
Омербай ЕСБЕРГЕНОВ
суҳбатлашди.

Парадзюдо: Ўзбекистон терма жамоаси Тошкентдаги мусобақада 1-ўринни эгаллади.

ВАТАН МАНЗУМАСИ

Ватан десам...

*Бу диёрнинг айвонлари нурга талош,
Бу диёрнинг кайвониси ою кўёш.
Ватан десам кўзимда ёш, юзимда ёш,
Кўзга суртай нонларини, нонларини.*

*Тирикликнинг заҳматлари, тақдирлари,
Ҳаётининг бор ҳикмат ҳам тадбирлари,
Эй, онамининг тупроққина тандирлари,
Иситгансиз жонларини, жонларини.*

*Ким Ватанни зар тўнига енг этмишдир,
Ким бағрини осмонлардай кенг этмишдир.
Яратганинг ўзи бузун тенг этмишдир
Асрларга онларини, онларини.*

*Бир суворий келмоқдадир — Бобурми ё?
Ҳиротми ё, Ҳиндистонми ёки Кўнё,
Кўриб келди, бундан сўнг ҳам кўрсин дунё
Султонлари, хонларини, хонларини.*

*Бу диёрнинг айвонлари нурга талош,
Бу диёрнинг кайвониси ою кўёш,
Ватан десам кўзимда ёш, юзимда ёш,
Кўзга суртай нонларини, нонларини.*

*Нечун ўтмоқ ҳасад экиб умрларга,
Дилни ўраб гараз, рий — кўмирларга?
Ҳавас қилиб яшанг улуг Темуларга,
Эл билгайдир шонларини, шонларини.*

Сирожиiddин САЙИД.

РАНГЛИ ТАСВИРЛАР ИЛК БОР ҚАЧОН МУҲРЛАНГАН?

У ДАВРЛАРДА СУРАТГА ТУШИРИШ ҲАМ, ТУШИШ ҲАМ ОСОН БЎЛМАГАН. КИШИЛАР СУРАТГА ТУШИШ УЧУН КАМИДА 15 ДАҚИҚА ҚИМИРЛАМАЙ ТУРИШИ ТАЛАБ ЭТИЛАРДИ

Оилавий фотосуратларни томоша қилаётганимда ота-онамининг ёшлик йиллари муҳрланган оқ-қора тасвирларга узоқ тикиламан. Унутилган эскилик — янгиликдир, деганларидек, бу суратларни томоша қилиш завқ бағишлайди. Ўтган асрнинг 80-90 йилларида олинган расмларни кўздан кечириб туриб, юртимиздаги илк рангли фотосуратлар қачон олинганига қизиқдим.



ДАРВОҚЕ:

Англиялик муҳандис ва фотограф Мервин О'Горман биринчи бўлиб рангли фотосурат олган инсон сифатида тарихда қолган.



Бу орада қадимий шахарларимиз Бухоро ва Самарқанднинг 110 йил илгари олинган рангли суратларини кўриб, хайратда қолдим. Чунки рангли фотография кашф этилиши ҳам XX аср бошларига бориб тақалади. Дунёдаги илк рангли тасвирлар каторида юртимиз шахарларининг ҳам чиройи акс этгани қувонарли.

Рангли фотография «отаси»



1863 йилда Россия империясининг Владимир губерниясида туғилган Сергей Прокудин-Горский фотогра-

фия ривожига қўшган ҳиссаси учун ана шундай эътирофга сазовор бўлган. У дастлаб Александр лицейида тахсил олади. Физика-математикага бўлган қизиқиши Прокудин-Горскийни Санкт-Петербург университетининг айна шу факульте-

тига ўқишга киришга ундайди. Сергей ўқишни тамомлагач, фотография соҳасига қизиқиб қолади ва 1898 йилда ўтказилган фотокўргазмада ўзининг илк суратларини намоиш этади. Уларда XVII-XVIII асрлар рус рассомларининг ижодий ишлари акс этган эди. Шундан сўнг у рангли суратлар тайёрлаш ҳақида бош қотиради. Бир неча йиллик изланишлардан сўнг XX аср бошида дастлабки рангли фотосуратларини тақдим этади.

Аммо Прокудин-Горский рангли фотографиянинг кашфиётчиси эмас. Бу соҳада катта ютуқларга эришган бўлса-да, рангли фотография кашшофи мақомига сазовор бўла олмади. Маълумот учун, англиялик муҳандис ва фотограф Мервин О'Горман биринчи бўлиб рангли фотосурат олган инсон сифатида тарихда қолган.

Прокудин-Горский рус императори Николай IIнинг топишириги билан 1905 йилдан бошлаб Рус империяси бўйлаб саёҳат қилади. Саёҳат давомида шахар-қишлоқлар, ўша давр ижтимоий ҳаётидан лавҳаларни рангли тасвирларда тарихга

муҳрлайди. У Кавказ, Крим ва Малороссиядан 400 га яқин рангли фотосурат туширади. Сураткашнинг рангли расмларини олиши давр учун янгилик бўлиб, барчани бирдек ўзига тортарди. Прокудин-Горский бунга негативларни бир-бирига устма-уст қўйиш усули орқали эришган.

У бир қанча тарихий шахсларнинг рангли тасвирини ҳам олган: Бухоро амири Олимхон, рус императорлари ва уларнинг кариндошлари шулар жумласидан. Шунингдек, 1908 йилда Ясная Полянада Лев Толстойни суратга олган.

Фотограф Ўзбекистонга нима учун келган?

Биринчи маротаба Прокудин-Горский император топишириги билан Тошкентга 1906 йил декабрь ойида келди. У бу ерда қуёш тугилишини тасвирга туширмоқчи эди. 1907 йил 1 январь санасида

рўй берадиган бу ҳодисани Тянь-Шань тоғ тизмаси ёнидаги Чернышев станциясида бажаришни мўлжаллайди.

Афсуски, сураткаш ўз мақсадига ета олмади. Чунки қуёш тугиладиган кун булутли бўлади ва осмонни суратга олишнинг имкони бўлмайди. Сураткаш уйига қайтиб кетади, аммо 1906-1915 йиллар орасида бир неча бор Ўзбекистонга экспедиция уюштириб, қадимий меъморийлик намуналари, маҳаллий аҳолининг миллий либослари ва турмуш тарзини суратга туширади.

Тошкентни бирор марта суратга олмаган

Прокудин-Горский Тошкент шаҳрини бирор марта суратга олмаган. Бунинг сабаби нима эканини ҳеч ким билмайди, балки Тошкентда уни хайратлангирган, «объектив»ини қаратишга мажбур қиладиган манзарани кўрмагандир. Аммо нафақат фотограф, балки Санкт-Петербург университети профессори, олим бўлган қаҳрамонимиз бу ердаги илм-маърифат кишилари билан ўзаро тажриба алмашади. Бир неча бор рангли фотография борасида маърузалар ўқийди, тажрибаси билан ўртоқлашади.

Прокудин-Горскийнинг Ўзбекистондаги ижодини мазмун жиҳатидан уч гуруҳга бўлиш мумкин: Самарқанд ва Бухоро ижтимоий ҳаёти, меъморий ёдгорликлари тасвири ҳамда Сирдарё бўйларидаги оч дала ҳудудлари тасвири.

Прокудин суратлари каерда сақланади?

Ҳозирги кунда рус рангли суратчилигининг энг йирик мероси — Прокудин-Горскийнинг суратлари Америка Конгресси миллий кутубхонасида сақланади. Улар орасида мамлакатимизнинг XX аср ижтимоий ҳаётини ўзида акс эттирган суратлар ҳам мавжуд. Хусусан, 1911 йилда суратга олинган Амир Олимхоннинг портрети, самарқандлик ипак йўли ва пайта сотувчи савдогар, марказий осийлик кўчманчилар яшайдиган бўз уй, бўз уй бўсағасидаги ўзбек аёли ҳамда туялар қарвони каби суратлари жуда машҳур.

Таъкидлаб ўтиш жоиз, у даврларда суратга тушириш ҳам, тушиш ҳам осон бўлмаган. Кишилар суратга тушиш учун камида 15 дақиқа қимирламай туриши талаб этиларди. Шу боис суратга олиш ўша даврлар учун машаққатли ва тарихий ҳодиса сифатида қаралган.

Прокудин-Горский беҳиз Самарқанд ва Бухоро манзарасини ўз суратларига муҳрламаган. Чунки бу ердаги қадимий, гўзал меъморий ёдгорликлар, халқимизнинг ўзига хос яшаш тарзи, миллийлиги доимо барчани бирдек жалб этади. Бугунги кунда уларни асраб-авайлаш ва дунёга танитиш бизнинг энг биринчи вазифамиздир.

Ғайбулла БОБОЁРОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор.



Самарқандда ШХТ саммити учун йўл ва кўчаларни таъмирлашга 25 млн. доллар ажратилди.

ТАЪЛИМ

Худудларда «сайёр болалар боғчалари» пайдо бўлади

— Кишлоғимиз олис тоғли ҳудудда жойлашган. Ҳозиргача бу ерда биронта болалар боғчаси ташкил этилмаган. Яқинда мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинмаган болалар учун мобил гуруҳлар ташкил этилиши ҳақида эшитдим. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Нодирбек ҚОСИМОВ.
Қашқадарё вилояти.



Барно ИСЛОМОВА,
Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси бошлиғи в.б.:

— Дарҳақиқат, ҳукуматнинг тегишли қарори билан мобил гуруҳлар базасида мактабгача таълим хизматларини кўрсатиш бўйича тажриба-синов лойиҳаси амалга оширилади. Унга кўра, 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб, мактабгача таълим мобил гуруҳлари тажриба тарикасида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг айрим туманларида, қайта жиҳозланган «ISUZU HC 40» автобусларида ташкил этилади.

Мобил гуруҳнинг асосий вазифаларидан бири мактабгача таълим билан қамраб олинмаган болаларнинг ҳар томонлама етуқ, интеллектуал камол топишига шароит яратишдан иборат. Гуруҳларга 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган, мактабгача таълим муассасаларига бормайдиган болалар қабул қилинади.

Қабул учун ариза, ота-она паспорти нусхаси, боланинг туғилганлиги гувоҳномаси нусхаси, 2 донa фотосурати ҳамда саломатлиги тўғрисида тиббий ҳулоса талаб этилади. Мобил гуруҳларда хизматлар бепул кўрсатилади. Бунда овқатлантириш мажбурий эмас, таълим бир кунда 3-4 соатни ташкил этади.

ТАЪМИНОТ

Пенсияга эртарақ чиқиш мумкин

— Пенсияга чиқишимга икки йил қолганида қисқартиришга тушиб қолдим. Эшитишимча, қонунчилик бўйича ушбу вазиятда пенсияга эртарақ чиқиш мумкин экан. Чиндан ҳам шундайми?

Орзубек ХАЛИЛОВ.
Самарқанд вилояти.

Салоҳиддин НУРИЕВ,

Самарқанд вилояти адлия бошқармаси бошлиғи:

— «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, фуқаролар пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлганидан сўнг исталган пайтда пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этишлари мумкин. У маълум ҳолатлардагина муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

Хусусан, қонуннинг 14-моддасидан сизнинг саволингизга жавоб топиш мумкин. Унда технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва ишсиз деб эътироф этилган шахсларга муддатидан олдин пенсия тайинлашни мумкинлиги белгилаб қўйилган. Аммо бунинг ҳам ўз шартлари бор. Масалан, эркаклар 58 ёшдан кичик бўлмаслиги ва камиди 25 йил иш стажига эга бўлиши лозим. Аёлларда эса бу кўрсаткич — 53 ёш ва 20 йил.

Ким ишсиз ва муддатидан олдин пенсияга чиқишга ҳақли экани тўғрисида туман Бандликка кўмаклаштиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари №4 шаклда тақдимнома тайёрлайди. Беш кун муддат ичиди улар мос туман (шаҳар) Бюджетдан ташқари пенсия жағмармасига жўнатилиши шарт. Ана шу тақдимномалар ёшга доир муддатидан олдин пенсия тайинлашда асос бўлиб хизмат қилади.

ФАОЛИЯТ

Хизмат сафари учун йўл ҳақи тўланади



— Мамлакат бўйлаб хизмат сафарларига кўп чиқаман. Бунда баъзан тўловлар билан боғлиқ тушунмовчиликлар юзага келарди. Яқинда хизмат сафарларига оид йўриқномага ўзгаришлар киритилгани ҳақида эшитдим. Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз.

Асрор БЕРДИЕВ.
Тошкент шаҳри.

Ойбек ҒАНИБОВЕВ,
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши юрисконсулти:

— Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгаришлар киритилиб, хизмат сафарлари билан боғлиқ мавжуд нормалар тўлдирилди ва аниқлаштирилди. Жумладан, эндиликда хизмат сафарида юборилган ходимлар (жўнаб кетаётган/кайтиб келаётган) ҳисобга олинмаган махсус журналлар электрон шаклда юритилишига рухсат этилади.



Шунингдек, йўл хужжатлари мавжуд бўлмаган тақдирда, хизмат сафари учун йўл ҳақи янги тартибда тўланади. Яъни бюджет ташкилотлари ходимлари учун — ҳар бир километр учун базавий ҳисоблаш миқдорининг (БХМ) 0,08 фоизи миқдорида, бошқа ташкилотларда — жамоа битимида (шартномасида), меҳнат шартномасида белгиланган миқдорда, бироқ ҳар бир километр учун БХМнинг 0,08 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Эндиликда меҳмонхоналарнинг люкс-номерларида яшаганлиги учун тўлов ҳақиқий харажатлар бўйича тўлиқ тўланади (илгари 70 фоизгача эди). Тураржой хонасини ижарага олганлиқни тасдиқловчи хужжатлар йўқ бўлган ҳолларда эса харажатлар қолганини ҳар бир сутка учун ЭКИХнинг 2 фоизи миқдоридан БХМнинг 20 фоизи миқдорида, яъни 10 бараварга оширилди.

ЖАРИМА

Ов қилиш қондасини бузганлик учун жавобгарлик бор



— Ов мавсуми бошланмоқда. Кишлоғимиз тоғли ҳудудда жойлашгани туфайли ҳар йили бу ерга кўплар овчилар келишади. Афсуски, уларнинг ҳаммаси ҳам белгиланган тартибларга риоя қилаверинмайди. Айтингчи, ов қилиш қондаларини бузганлик учун қандай жавобгарлик белгиланган?

Солиқ АБДУРАСУЛОВ.
Қашқадарё вилояти.

Дилмурод РАҲАБОВЕВ,
Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи:

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқ, ов қилиш ва балиқ овлash қондаларини, шунингдек, ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга оши-

риш қондаларини бузиш — фуқароларга 1 115 000 сўмдан 2 230 000 сўмгача, мансабдор шахсларга эса 2 230 000 сўмдан 3 345 000 сўмгача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Шунингдек, қонунчиликда ушбу ҳуқуқбузарлиқнинг маъмурий жазо қўллангандан кейин такрор

содир этганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланган.

Бундан ташқари, тегишли рухсати бўлмағи туғриб ёки тақикланган жойларда ёхуд тақикланган муддатларда, тақикланган қуруллар ёки воситалар билан ов қилиш ёки балиқ овлash ҳуқуқбузарлик қуроли ва ашёлари мусодара қилиниб, фуқароларга 3 345 000 сўмдан 4 460 000 сўмгача, мансабдор шахсларга эса — 4 460 000 сўмдан 5 575 000 сўмгача миқдорда жарима солишга ёхуд 3 йилгача муддатта ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўлади.

УЙ-ЖОЙ

«Пропискага кирганимга икки йил бўлди, уй сотиб олишим мумкинми?»



— Тошкент шаҳрида 11-банд билан доимий пропискага кирганман. Энди уй-жойи сотиб олмакчиман. Айтингчи, ташиқлотда ишлаётганимга 3 йилдан ошган ходим пропискага кирганимга ҳали 3 йил тўлмаган бўлса ҳам, уй-жойи олди-сотди шартномасини туза оладими?

Комил АХМЕДОВ.
Фарғона вилояти.

Хушнудбек
ХУДОЙБЕРДИЕВ,
хуқуқшунос:

— Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага асосан, Тошкент шаҳрида жойлашган уй, квартира

олди-сотди шартномаларини нотариал тасдиқлаш агар сотиб олувчи томон Тошкент шаҳрида доимий пропискага эга бўлган жисмоний шахс ҳисобланса, амалга оширилади.

Бунда агар сотиб олувчи томон «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги қонун билан тасдиқланган Рўйхатнинг 11-банди асосида доимий прописка қилинган шахс бўлса, нотариус битим расмийлаштирилган кунга қадар сотиб олувчининг давлат ташкилотининг маълумотномаси асосида уч йил давомида лавозимда бўлганини текширади.

Демак, прописка қилинганга уч йил тўлмаган, лекин ташиқлотда ишлаётганимга уч йилдан ошган ходим ҳам Тошкент шаҳрида уй-жой олиш учун олди-сотди шартномасини туза олади.



МУАССИС:
ФУҚАРОЛАРНИНГ
ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ
ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ БҲИЧА
РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ



ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ
ГАЗЕТА



Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
2017 йил 6 сентябрда
0019 рақами билан
қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр
АБДУСАТТОРОВ

Нашр навбатчиси: Р. Юсупов
Мусахҳиллар: Н. Азимова,
М. Назарова
Навбатчи: С. Турсунов
Дизайнерлар: И. Болтаев
Ш. Бароқов

Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳқўчаси, 59-уй. Индекс: 100192

Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Котибият: 71 237-56-80,
Факс: 71 233-10-73.

Баҳоסי келишилган нарҳда.

Газета таҳририят компьютер марказида
саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

«Шарқ» наشريёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Формати — А-3, 8 босма
табоқ.
22 660 нусхада чоп этилди.
Буюртма Г-945
Топширилди — 00:50